ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Ш. ШУКУРОВ

# ФЕЪЛ ТАРИХИДАН

## ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЁДГОРЛИКЛАР ТИЛИДА МАЙЛ ВА ЗАМОН ФОРМАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1970

www.ziyouz.com kutubxonasi

## КИРИШ

§ **1.** Ушбу ишнинг текшириш объекти ўрхун-енисей обидалари, қадимги уйғур тилига оид текстлар ва XI аср ёдгорликлари — «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» асарлари бўлиб, бу манбаларни қулайлик учун шартли равишда «*Қадимги ёдгорликлар*» деб атадик.

Иш тасвирий характерда бўлиб, унда кўрсатилган қадимги ёдгорликлар тилида учрайдиган майл ва замон формаларининг маънолари ва уларнинг қўлланишидаги ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Шунингдек, майл ва замон формаларини ясовчи аффиксларнинг фонетик кўринишларига алоҳида тўхталди. Шу билан бирга, майл ва замон маъносини ифодаловчи феъл формаларининг ясалиши, қўлланиши ва ифодалаган маъноларига кўра кузатилган қадимги ёдгорликлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга алоҳида эътибор берилди.

Ишда XI аср тилшуноси Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида айтилган майл ва замон формалари ва уларнинг ясалиш усуллари, маънолари, қўлланишдаги маҳаллий диалектал хусусиятлари ҳақидаги фикрлардан тўла фойдаланилди. Зарур ўринларда бу фикрларга шарҳ ва изоҳлар берилди.

Мисоллар ва грамматик формалар транскрипцияси Совет Иттифоқи территориясида яшовчи туркий халқлар тилида қўлланаётган рус графикаси асосида тузилган алфавит билан берилди. Шу билан бирга, қадимги туркий тилларга хос бўлган товушларни ифодалаш учун айрим ҳарфлар устига ёки остига диакритик белги қўйилди. Масалан, *в̇, з̇, ж̧, ң* каби. Лекин келтирилган мисолларда ҳар бир ноширнинг орфографик принциплари сақланди.

§ **2.** Туркий тилларнинг грамматик қурилишида феъл туркуми муҳим ўрин эгаллаши маълум. Феъл системасида эса майл ва замон категориялари алоҳида аҳамиятга эга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги туркий тилларда майл ва замон формаларини ўрганишга бағишланган айрим мақолалардан ташқари монографиялар яратилганлигига қарамасдан, бу масала чалкаш ва мунозаралидир. Майл ва замон формалари турли авторлар томонидан турлича классификация қилиниб, ҳар хил номлар билан аталади. Ишимизнинг характери қадимги ёдгорликлар тилида қўлланган майл ва замон формаларининг тасвирий анализини беришдан иборат бўлганлиги учун бу масалага тўхталмаймиз.

Туркологияда майл ва замон формалари тарихи етарли даражада ўрганилмаган. Қадимги ёдгорликлар тилида истеъмолда бўлган майл ва замон формаларини ўрганиш соҳасида Д. М. Насиловнинг қадимги уйғур тилига оид текстлардаги индикатив формалари анализига бағишланган кандидатлик диссертациясидан[1] ташқари монографик иш яратилмаган. В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, К. Броккельман, А. фон Габэн, И. А. Батманов, В. М. Насилов, С. М. Муталлибов, А. М. Щербак, Э. И. Фозилов ва бошқа авторларнинг қадимги ёдгорликлар тилини ўрганишга бағишланган ишларида эса текширилаётган манбалар тилида учрайдиган майл ва замон формалари ҳақида бошқа грамматик ҳодисалар сингари умумий маълумотлар берилган.

Кузатишларимиз қадимги ёдгорликлар тилида майл формаларини 3 группага бўлиш тўғри эканлигини кўрсатди:

а) буйруқ-истак майли;

б) шарт майли;

в) аниқлик майли.

**§ 3.** Кузатишларимиздан маълум бўлишича, майл ва замон формаларининг ясалиши, қўлланиши, ифодалаган маънолари бўйича текширилган қадимги ёдгорликлар ўртасида ўзаро ўхшашлик, бирлик бўлиши билан бирга, анчагина фарқлар ҳам мавжуд. Масалан, ўтган замон феълининг *-йўқ/-йук* аффикси билан ясалиши қадимги уйғур тили ёдгорликлари учун хос бўлиб, ўрхун-енисей текстларида ҳам, «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк»да ҳам учрамайди. Ҳозирги-келаси замон феълининг *-ғалыр/-гәлир* аффикси билан ясалган формаси қадимги уйғур тили ёдгорликлари ва «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» тили учун характерли бўлиб, ўрхун-енисей текстларида учрамайди. Шарт феълининг аффикси ўрхун-енисей текстларида ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида *-сар/-сәр* шаклида қўлланган бўлса, «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да *-са/-сә* шаклида ишлатилган. «Қутадғу билиг»да буйруқ-истак феълининг I шахс бирлик формасини ясовчи аффикс *-айы/-әйи* (*-йы/-йи*), *-ай/-әй*(*-й*) шакл-

---

[1] Д. М. Насилов, Структура времен индикатива в древнеуйгурском языке [по памятникам уйгурского письма] (канд. дисс.), М., 1963.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларида, бу феълнинг III шахс бирлик формасини ясовчи аффикс *-суны/-суни* шаклида ҳам қўлланган бўлиб, кузатилган қадимги ёдгорликларнинг бошқаларида бу ҳолатни учратмаймиз.

Бундай хусусиятларни кўплаб келтириш мумкин эди, лекин булар ҳақида ишимизнинг ҳар бир бўлимида батафсил гапирилганлиги учун бу ўринда шу нарсани айтиш билангина чегараланамизки, майл ва замон формаларининг ясалиши, қўлланиши, тусланиши каби масалалар бўйича кузатилган қадимги ёдгорликларни шартли равишда қуйидагича 3 группага бўлиш мумкин:

а) ўрхун-енисей текстлари;

б) қадимги уйғур тили ёдгорликлари;

в) XI аср Қорахонийлар даврига оид ёдгорликлар — «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк».

Бу группаларга кирувчи ёдгорликлар ўртасида ҳам яна ўзаро фарқланишлар кузатилади. Булар ҳақида ҳам ўз ўрнида гапирилади.

Ишнинг қўлёзмасига тақриз ёзган ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори Ш. Шоабдураҳмоновга, филология фанлари доктори, профессор А. Нурмахановага ва филология фанлари кандидати И. Исмоиловга ҳамда ишнинг масъул муҳаррири филология фанлари кандидати Қ. Каримовга қимматли маслаҳатлари учун автор ўз миннатдорчилигини билдиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

А. Габэн — A. v o n G a b a i n. Alttürkische Grammatik, Leipzig, 1950.

ЕТ — *Енисей текстлари* (С. Е. Малов. Енисейская письменность тюрков, М.—Л., 1952).

ИБ — *Ирқ битиг* [Гадательная книжка]. (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 80—85).

Кирг.— *Памятники Киргизии* (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959, стр. 57—86).

КТб — *Култегин ёдномаси* [большая надпись]. (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 28—33).

КТм — *Култегин ёдномаси* [малая надпись]. (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 27—28).

МҚ I, II, III — М а ҳ м у д Қ о ш ғ а р и й. Девону луғотит турк, I, II, III томлар (Таржимон ва нашрга тайёрловчи филол. фанл. канд. С. М. Муталлибов), Тошкент, 1960, 1961, 1963.

Мог.— *Могилян ёдномаси* (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959, стр. 16—20).

Монг.— *Памятники Монголии* [Мелкие памятники]. (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959, стр. 44—53).

МЧур— *Мойюн-чур ёдномаси* (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959, стр. 34—39).

Олт. йор.— *Олтин йоруқ* [Золотой блеск]. (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 154—157, 173—179).

Онг.— *Онгин ёдномаси* (С. Е. Малов. Памятники древнетюрской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959, стр. 8—10).

ПВ — *Поклонение волхвов* (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 134—136).

Тиш.— *Тишаствустик* (W. Radloff. Tišastvustik, Ein in türkischer Sprache bearbeitetes buddhistisches Sutra, «Bibliotheca Bouddhica», XII, СПб., 1910).

Тон.— *Тонюқуқ ёдномаси* (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 61—64).

ТТ. X — *Турфан текстлари* (A. von Gabain. Türkische Turfantexte, X, «Abhandlungen der deitschen Akademie der Wissenschaften zu Berlin», Berlin, 1959).

Уйғ. II, III — *Уйғурика* (F. W. K. Müller. Uigurica, II—III, Berlin, 1911, 1922).

Ушп.— W. R a d l o f f. Uigurische Sprachdenkmäler, Leninghrad, 1928.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳуаст.— *Ҳуастуанифт* (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 117—120).

Юр.— *Юридик ҳужжатлар* (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951, стр. 200—218).

ҚБ — *Қутадғу билиг* — يوسف خاس حاجب، قوتادغو بيليك Наманган нусхаси. ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 1809 (Фотокопияси асосида фойдаланилди).

ҚЧур — *Қули-чур ёдномаси* (С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959, стр. 27—28).

www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУЙРУҚ-ИСТАК МАЙЛИ

§ **4.** Қадимги ёдгорликлар тилида буйруқ-истак майлининг I, II ва III шахс бирлик ва кўплик формалари махсус аффикслар ёрдамида ясалади. Бу майл формаларининг шахс-сон аффикслари билан тусланишида ҳам бошқа майл формаларининг шахс-сон аффикслари билан тусланишидан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

### Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формаси

§ **5.** Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формаси феъл негизига *-айын/-әйин* (*-йын/-йин*), *-айы/-әйи* (*-йы/-йи*) ва *-ай/-әй* (*-й*) аффиксларини қўшиш йўли билан ясалади: *бар-айын, көр-әйин; бар-айы, көр-әйи, бар-ай, көр-әй; башла-йын, ишлә-йин, башла-йы, ишлә-йи; башла-й, ишлә-й* каби.

Бўлишсиз формаси: *бар-ма-йын, бар-ма-йы, бар-ма-й; башла-ма-йын, башла-ма-йы, башла-ма-й* каби.

Буйруқ-истак майлининг *-айын/-әйин* (*-йын/-йин*) аффикси ёрдамида ясалиши қадимги ёдгорликларнинг барчаси учун умумий ва кенг қўлланган.

Мисоллар: **КТм** — *қонайын* ($28_7$); **КТб** — *өлурәйин, уруғсыратайын* ($29_{10}$); *игидәйин* ($31_{28}$); **Тон.** — *қысайын, болайын, тәгәйин* ($61_{5,7,11}$), *айайын* ($63_{32}$); **ЕТ** — *адырылмайын, йолықайын* ($26_{9,11}$), *йашайын* ($66_1$); **Мог.** — *йигидәйин* ($17_{35}$), *айытайын* ($18_{41}$); **МЧур** — *йорыйын* ($35_{17}$), *ташықайын, қабышайын* ($36_{22,28}$), *йазмайын, йаңылмайын* ($38_{44}$); **Олт. йор.** — *сөзләйин* ($154_5$), *нәчук қылайын, нәтәк қылайын* ($155_{9,10}$), *көтук қылайын, булайын* ($175_{613}$), *мәңилиг қылайын* ($176_{616}$), *өлмәкиг булайын, көрмәйин* ($179_{626}$); **Уйғ. II** — *номлайын* (42), *бош болайын* (85), *йазуқда болайын* (76); **Уйғ. III** — *ынағ болайын* (14), *кәми-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*тәйин* (47), *бирәйин* (62), *барайын* (68), *путурәйин* (84), ТТ. Х — *сөзләйин* ($10_{29}$), *тарқарайын* ($16_{129}$), *йумрәйин* ($18_{201}$), *көрәйин* ($20_{202}$), *кирип барайын* ($24_{313}$), *титәйин, ыдалайын* ($36_{513}$); ИБ — *йорыйын* ($83_{69}$), *алайын, тыңлайын* ($84_{90}$); ПВ — *йукунәйин* ($134_7$); **Юр.** — *алайын, бирәйин, бос қылайын* ($202_{12, 13}$; $206_{13}$), *йуләйин* ($213_{20}$), **ҚБ** — *биләйин, уқайын, бутәйин* (31-*б*), *тутайын* (31-*б*), *тутнайын* (35-*б*), *көрмәйин* (50-*б*), *барайын, ачайын* (117-*б*), МК III — *көрәйин* (143).

*-айы/-әйи* (*-йы/-йи*) ва *-ай/-әй* (*-й*) аффиксли формалар «Қутадғу билиг»да қўлланган бўлиб, бунда ҳам кейингиси кам учрайди.

Масалан: *Дуачы болайы саңар, әй тоңа* (ҚБ, 135-а) — 'Мен сенга дуочи бўлайин, эй ботир'. *Улуғлуқ тапай, тәп тәсә сән өзүң* (ҚБ, 150-б) — 'Сен ўзинг улуғлик топай десанг'. *Бу шукруғ нәгу-тәг өтәй өз өзүн?* (ҚБ, 43-*б*) — 'Сенинг бу шукрингни ўз-ўзимча қандай ўтайин'? Яна қаранг: ҚБ — *бирисин тутайы* (62-*а*), *өтәмиш болайы* (64-*а*), *тутайы тәйу* (133-*а*), *нәгуни тиләйи* (136-*б*), *бәрәйи әлиг* (137-*а*), *барайы өзүм* (141-*а*), *кәләй* (26-*а*).

*-айы/-әйи (-йы/-йи)* ва *-ай/-әй (-й)* аффиксли формалар ўрхун-енисей текстларида ҳам, қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам учрамайди.

*-айы/-әйи (-йы/-йи)* аффиксли форманинг «Қутадғу билиг»дан бошқа қайси бир ёдгорликда, шунингдек, ҳозирги туркий тилларнинг қайси бирида мавжудлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Бу форманинг ишлатилиши «Қутадғу билиг» тили учунгина характерли кўринади. *-ай/-әй (-й)* аффиксли форма эса кейинги даврларга оид ёдгорликларда кўплаб учрайди, ҳозирги ўзбек, уйғур ва бошқа тилларда кенг қўлланади.

Буйруқ-истак феъли I шахс бирлик формаси аффиксининг ўрхун-енисей текстларида ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида фақат *-айын/-әйин (-йын/-йин)* шаклида ишлатилганлиги, XI аср адабий тили ёдгорлиги «Қутадғу билиг»да бу аффикснинг қисқа вариантлари — *-айы/-әйи* (*-йы/-йи*) ва *-ай/-әй (-й)* шаклларининг пайдо бўлиши, биринчидан, *-айын/-әйин* (*-йын/-йин*) қадимий вариант бўлиб, *-айы/-әйи* (*-йы/-йи*) ва *-ай/-әй (-й)* кейинги ҳодиса, деган фикрни тасдиқлайди, иккинчидан, *-айын/-әйин (-йын/-йин)* нинг *-айы/-әйи (-йы/-йи)* *-ай/-әй (-й)* га ўтиш процесси Ўрта Осиё туркий тилларида X—XI асрлардан бошланган, деб изоҳлашга асос беради.

Қадимги ёдгорликларда, асосан, «Қутадғу билиг»да буйруқ-истак феълининг I шахс бирлик формасига (маънони кучайтириш мақсадида бўлса керак) баъзан *мән* олмоши қўшилиб келади. Масалан: *бартайын мән* (А. Габэн, § 110),

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Саңа тапнайын мән* (*ҚБ*, 137-*а*), *айайын мән әмди* (ҚБ, 145-*б*), *булмайын мән бу давлат* (ҚБ, 136-*б*), *оқыйын аны мән* (ҚБ, 117-*б*), *барайын әмди мән* (ҚБ, 176-*а*), *айайын саңа мән* (ҚБ, 206-*а*).

**§ 6. Буйруқ-истак феъли I шахс бирлик формасининг маъноси:**

1. Сўзловчи иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) бўлган истаги, хоҳиши ҳақида ўз-ўзига мурожаат қилади. Мисоллар:

*Бунча исиг кучиг биртүкгәрү сақынматы, түрк будун өлүрәйин, уруғсыратайын, тир әрмис* (КТб, $29_{10}$) — 'Турк халқи ўзининг бунча меҳнатини, кучини [Табғач давлатига] беришни истамасдан, [яхшиси] ўзимни-ўзим ўлдирайин, уруғимни қуритиб юборайин, дебди'.

*Аны үчүн мән бүкүнки күнтә бу әтөзимин йоңлап, мунадынчығ улуғ иш көтүк қылайын. ... тип сақынты* (Олт. йор., $175_{613}$) — 'Шунинг учун бугунги кунда мен ўзимнинг бу танамни ишга солиб, даҳшатли, [лекин] улуғ иш қилайин, деб ўйлади'.

*Әмти мән ол көни киртү савығ көзәдкәлир үчүн аны тапа барайын* (Уйғ. III, 68) — 'Энди мен ўша ваъдамнинг устидан чиқиш учун [чин сўзимни сақлаш учун] унинг олдига борайын'.

*Аның әмти бо қызығ минтә-оқ тытайын, ыдалайын* (ТТ. X, $36_{542-543}$) — 'Шунинг учун бу қизни мен шу ердаёқ титиб ташлайин'.

*Нәгү-тәг йүрир-мән бу йәрдә қуруғ,*
*Иликгә барайын, қылайын тапуғ* (ҚБ, 23-*а*).

'Нега мен бу ерда бекор юрибман?! Иликка борайин, унга хизмат қилайин'.

2. Сўзловчи иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) ваъда беради. Бунда иш-ҳаракатнинг бажарилишидан (ёки бажармаслигидан) тингловчи манфаатдор бўлади. Мисоллар:

*Қарлуқ (тапа) әр ыдмыс... тимис, ичрә бән булғайын, тимис, ташдынтан қабышайын, тимис* (МЧур., $36_{28}$) — 'Қорлуқ томонга одам юборибди ва айтибди: мен ичкаридан ғовға кўтарайин, ташқаридан [сизга] қўшилайин, дебди'.

*Түзүнүм-а, сән нәң пусма пусрулма, мән әмти қамағун үнүп әмрақ өкүкләримин тиләйин, барын йоқын биләйин* (Олт. йор., $177\text{-}178_{622}$) — 'Эй менинг садоқатли хотиним, сен ҳеч ғамгин бўлма, ташвишланма! Энди мен севимли ўғилларимни қидиришга астойдил киришайин, уларнинг бор-йўқлигини билайин'.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йити ағылықымның қапығларын ачуқ к ә м и ш ә й и н, сини тылдачы ким эрсәр болмағай* (Уйғ. III, 47) — ‘[Сенинг учун] етти ҳазинамнинг эшикларини очиб ташлайин, (токи) сени тақиқлайдиган ҳеч кимса бўлмасин’.

*Мән й у л у п а л а й ы н, саңа бурунча бос битиг б и р ә й и н* (Юр., $202_{12-13}$ ) — ‘Мен [сени] қутқариб алайин, одатдагича сенга озодлик қоғозини берайин’.

*Буларда талусын а й а й ы н саңа,*
*Киси алғу эрсәң, қулақ тут маңа* (ҚБ, 162-*а*)'.

‘Мен сенга булардан [ҳам] муҳимроғини айтайин: хотин оладиган бўлсанг, менга қулоқ тут!’.

3. Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формаси *дәб (тийин, тәйү)* феъли билан бирикиб, иш-ҳаракатни бажаришга асос бўлган сабаб ёки мақсадни билдиради. Мисоллар: *Будуныг и г и д ә й и н т и й и н,.. сүңүсдим* (КТб, $31_{28}$) — ‘Халқимни кўтарайин деб,.. уруш қилдим’.

*Арқыш кәлмәди, аны а ң ы т а й ы н т и п, сүләдим* (Мог., $18_{41}$) — ‘[Унинг] элчиси келмади, [энди] уни жазолайин деб, жанг қилдим’.

*Өңим өтин а л а й ы н, қаңым сабын т ы ң л а й ы н т и п, кәлмиш* (ИБ, $84_{90}$) — ‘Онамнинг насиҳатини олайин, отамнинг сўзларини тинглайин деб, [уйига] қайтиб келибди’.

*Туруб кәлдим әмди к ө р ә й и н т ә й ү,*
*Сақынч қазғу бағын й о р а й ы н т ә й ү* (ҚБ, 122-*а*).

‘Мана, энди сени кўрайин, деб келдим, қайғу-алам чигалини ечайин, деб келдим (дардимни айтиб ёзилайин, деб келдим)’.

## Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формаси

**§ 7.** Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формаси *-алым/-әлим* (ундошдан кейин) ва *-лым/-лим* (унлидан кейин) аффикслари ёрдамида ясалади: *бар-алым, кәл-әлим, ойна-лым, сүлә-лим* каби. Бўлишсиз формаси: *бар-ма-лым, кәл-мә-лим, ойна-ма-лым, сүлә-мә-лим* каби.

Мисоллар: **Тон.**— *йоққысалым* ($61_{11}$), *сүләлим* ($62_{23}$), *баралым* ($62_{27}$), *тириләлим, басыналым, тәгәлим, йаналым* ($63_{33, 37, 39}$ ); **Онг.**— *адырылмалым, азмалым* ($9_3$); **МЧур** — *қабышалым* ($36_{22}$); **Олт. йор.**— *әмгәнгүлүк болмалым* ($174_{608}$), *әсдәлим* ($177_{620}$); **Уйғ.** II — *бош болалым* (79), *өкүнәлим* (87), *алалым* (89); **Уйғ. III** — *пүтүрәлим* (44), *баралым* (56, 69), *басутчы болалым* (9); **ПВ** — *йүкүнәлим* (134), *тәгинәлим*



www.ziyouz.com kutubxonasi

($136_{66}$), **ҚБ** — *көзәлим, көрәлим* (177-б), **МҚ I** — *қықралым, сәкрәлим, көкрәлим, сәвнәлим* (126, 160); **МҚ II** — *көчәлим, кәчәлим, ичәлим* (12), *өгрәлим, йүгрәлим, көкрәлим* (20, 159) *өгләлим* (396); **МҚ III** — *ойналым* (145), *умналым* (434).

Буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг «Қутадғу билиг»-да *-әлиң* аффикси билан ясалган формаси ҳам учрайди:

*Йүригил, к и р ә л и ң, маңа ай сөзүң,*
*Нәлүк афра кәлди йана бу өзүң* (ҚБ, 179-б)

'Нега сен яна қайтиб келдинг? Юргин [ичкари] кирайлик, менга гапингни айт'.

*-әлиң* аффиксли форма «Қутадғу билиг»да ҳам кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, кейинги даврларга оид ёдгорликлар тили учун характерлидир.

**§ 8. Буйруқ-истак майли I шахс кўплик формасининг маъноси:**

1. Сўзловчи суҳбатдошига (ёки суҳбатдошларига) мурожаат қилиб, уларни иш-ҳаракатни биргалашиб бажаришга (ёки бажармасликка) чақиради. Мисоллар:

*Түргәс қағанта көрүг кәлти, сабы ан-тәг: өңдән қағанғару сү й о р ы л ы м, тимис* (Тон., $63_{29}$) — 'Тургаш хоқондан жосус келди. Унинг сўзи шундай: «Хоқонга қарши ўнг томондан аскар билан борайлик»,— дебди'.

*Билгә қағанта а д ы р ы л м а л ы м, а з м а л ы м, тәйин, анча өтләдим* (Онг., $9_3$) — 'Билга хоқондан ажралмайлик, йўлдан озмайлик деб, шундай насиҳат қилдим'.

*Тынғалы олурмышта, аң улуғы тигин ики иниләринә ынча тип тиди: ...биз й о қ а т қ у л у қ, ә м г ә н г ү л ү к б о л м а л ы м* (Олт. йор., 173-$174_{608}$) — 'Дам олгани ўтирганларида, шоҳзодаларнинг энг каттаси икки кичик иниларига шундай деди: Биз [бир-биримизни] йўқотгудек, ташвишлангудек бўлмайлик'.

*К ө з ә л и м, к ө р ә л и м йәмә, әй ақы,*
*Нәгү ол āхир ҳāл өд өдләк тақы* (ҚБ, 177-б).

'Замон охири қандай бўлишини кутайлик [кузатайлик], кўрайлик, эй сахий'.

*Сәнсиз өзүм үзәлди,*
*Кәлгил, амул о й н а л ы м* (МҚ III, 145).

'Кўнглим сенсиз, сени истаб беқарордир. Келгин, кўнгилни тинчитиб шодланайлик'.

2. Суҳбатдошлар ўзаро мурожаат қилишиб, бир-бирларини иш-ҳаракатни биргалашиб бажаришга (ёки бажармасликка) чақирадилар. М и с о л л а р:

*Ол үч қаған өгләсип, Алтун йыс үзә қ а б ы с а л ы м,.. өңрә Түрк қағанғару с ү л ә л и м, тимис* (Тон., $62_{20}$) — 'Бу уч хо-


www.ziyouz.com kutubxonasi

қон [ўзаро] маслаҳатлашиб, Олтин тепада бирлашайлик, Турк хоқонига қарши ўнг томондан уруш қилайлик, дейишибди'.

*Ол өдүн Мғаствu тиғинниң тапығчылары: «...йорыңлар, қанта ол, ә с д ә л и м»,— тип тийистилар* (Олт. йор., $177_{620}$)— 'Бу вақтда Шоҳзода Мағаствининг хизматкорлари: «Юринглар! Қаерда у? Қидирайлик»,— дейишди'.

*Барып й у к у н ә л и м аның улуғ қутыңа, тип өтүндиләр* (*ПВ* — $134_{1-2}$) — 'Бориб унинг буюк қудратига таъзим қилайлик, деб ўтиндилар'.

*Отуз ичиб қ ы қ р а л ы м,*
*Йоқар қопуб с ә к р ә л и м,*
*Арсланлайу к ө к р ә л и м,*
*Қачты сақынч, с ә в н ә л и м* (МК, I, 160).

'Уч қайтадан ичайлик, юқорига сакрайлик, арслондек наъра тортайлик, қайғу-алам кетди, [энди] севинайлик'.

## Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формаси

§ **9.** Буйруқ-истак майлининг II шахс **бирлиги** қуйидаги икки йўл билан ифодаланади:

а) ҳар қандай феъл негизи ҳеч қандай аффикс қабул қилмасдан буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик маъносини ифодалай олади. Бошқача айтганда, буйруқ-истак майли II шахс бирлигининг бу кўриниши феъл негизига тўғри келади: *бар, ал, бәр, бил, кәлтир, йаздыр* каби;

б) феъл негизига *-ғыл/-қыл/-гил/-кил* аффиксини қўшиш йўли билан ифодаланади. Қаттиқ ўзакли феълларга *-ғыл,* юмшоқ ўзакли феълларга *-гил* қўшилади: *бар-ғыл, ал-ғыл, бәр-гил, бил-гил* каби [ғ] ундоши билан тугаган феълларга *-қыл,* [г] ундоши билан тугаган феълларга *-кил* қўшилади: *ағ-қыл, сағ-қыл, өг-кил, тәг-кил* каби.

«Қутадғу билиг»да *-қыл* аффиксининг [қ] билан тугаган феълларга қўшилиш ҳоллари ҳам учрайди: *уқ-қыл* (ҚБ, 39-*б*, 184-*а*).

Бўлишсиз формаси: *бар-ма//бар-ма-ғыл, кәл-мә//кәл-мә-гил, кәлтир-мә//кәлтир-мә-гил* каби.

Ёдгорликларда буйруқ-истак майли II шахс бирлигининг аффиксли ва аффикссиз вариантларининг қўлланишида ҳам, маъносида ҳам фарқ сезилмайди. Ҳатто бир феълнинг бир хил мазмундаги икки жумланинг бирида аффиксли, бошқасида аффикссиз келганида ҳам маънода фарқ сезилмайди. Қиёсланг:

*Бу сабымын ә с и д!* (КТм, $27_2$) 'Бу сўзимни эшит!'— *Сабымны түкәти ә с и д г и л!* (КТм, $27_1$) 'Сўзимни яхши эшит!'.

*Оғланым, ... қанқа тап, қ а т ы ғ л а н!* (ЕТ, $84_9$) 'Ўғлым, хонга хизмат қил, маҳкам бўл!'— *Бөкмәдим, қ а т ы ғ л а н-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ғыл!* (ЕТ, $29_2$) ‘Мен ҳузур-ҳаловат кўрмадим, сен маҳкам бўл!.

*Нәгү тәр, әшит әмди, қылқы силиг!* (ҚБ, 19-*а*) ‘Энди, яхши хулқли киши нима дейди, эшит!’ — *Нәгү тәр, әшитгил, киши әдгүси!* (ҚБ, 211-*а*) ‘Кишиларнинг яхшиси нима дейди, эшитгин!’

*Қайуда тиләсә йүри, әзгү бол!* (ҚБ, 129-*а*) ‘Қаерни кўнглинг тиласа [ўша ерда] юр, яхши бўл!’ — *Йарағсызқа бақма, йорығыл фариғ!* (ҚБ, 36-*а*) ‘Ярамас одамларга боқма, осойишта юргин!’

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин эди, лекин бу ўринда ёдгорликларда бир жумладаги иккита феълнинг, маънода фарқ қилмагани ҳолда, бири аффиксли, бошқаси аффикссиз келиши кўп учраб туришини уқдириб ўтиш билан чегараланамиз. Мисоллар: *Илик имләди: кәлгил, олдур бәрү!* (ҚБ, 28-*а*) — ‘Илик имлади: кел, яқинроқ ўтир!’ *Тирик тутғыл анча, йашым қыл узун!* (ҚБ, 20-*а*) — ‘Менга узоқ умр бер, ёшимни узун қилгин!’.

Мисоллардан кўриниб турибдики, қадимги ёдгорликлар тилида буйруқ-истак майлининг II шахс бирлигига *-ғыл/-қыл/-гил/-кил* аффиксининг қўшилиб келиши факультатив характерга эга бўлиб, маъно фарқлашга ёки бошқа бирор мақсадга хизмат қилмайди.

XI аср тилида буйруқ-истак майли II шахс бирлик маъносининг ифодаланиши ва бу феълнинг аффикслари ҳақида М. Кошғарий анча кенг изоҳ берган. Бу ҳақда М. Кошғарий ёзади: „Бу бобнинг буйруғи... بار *бар*, كل *кәл* буйруқ феъллари кабидир. Кўпчилик турклар (разрядка бизники — *Ш. Ш.*) буйруқ феълининг тинглозчи формасида ق — Қ келса ва ёки умуман қаттиқ талаффузли сўзларда ҳамда буйруқ охирида غ — Ғ келганда غل *-ғыл*, قل *-қыл*, юмшоқ сўзларда ва ўзагида ك — К ҳарфи бўлган сўзларда كل *-гил(-кил)* орттириб қўллайдилар (разрядка бизники — *Ш. Ш.*)...: بارغل *барғыл*, تورغل *турғыл* каби. Бу сўзлар қалин бўлганлиги учун غل — *ғыл* қўшилгандир. Охири غ — Г билан тугаган феълларнинг буйруқ шаклларида قل *-қыл* қўшилади: تاغقا اغقل *тағқа ағқыл* — ’тоққа чиққин’, سوت سغقل *сут сағқыл* — ’сут соққин’ каби. Ўзак-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да ك — К ҳарфи бўлган сўзларда كِل -*гил* қўшилади:

اَوْكَا كِرْكِل *эвгэ киргил* — 'уйга киргин', يَرْمَاق تِرْكِل *йармақ тэргил* — 'танга [пул] тўплагин' каби... Буйруқ охирига غِل -*ғыл*, قِل -*қыл*, كِل -*гил*(-*кил*) қўшиш тингловчи бирликда бўлгандагина мумкин. Тингловчи иккита ёки ортиқ бўлса, бу қўшимчаларни қўшиб бўлмайди"[1].

Яна: „Бу бобнинг буйруғи... تَپِن *тапын*, يُوكِين *йукин*, سَرِين *сэрин* кабидир. Х о ҳ л а с а н г (разрядка *бизники* — *Ш. Ш.*), бу буйруқларни юқорида кўрсатганимизча تَپِنْغِل тапынғыл, يُوكِينْكِل *йукингил*, سَرِنْكِل *сэрингил* равишда қўллаш ҳам мумкин"[2].

Яна: „Бу бўлимнинг буйруғи تُغْرَا *тоғра*, اُغْرَا *оғра* кабидир. Сўзловчи бу сўзларни تُغْرَاغِل *тоғрағыл*, اُغْرَاغِل *оғрағыл* тарзида с ў з л а ш и ҳ а м м у м к и н (разрядка бизники — *Ш. Ш.*)".[3]

М. Кошғарийнинг бу сўзлари изоҳ талаб қилмайди. Уни кўп турклар о р т т и р и б қ ў л л а й д и л а р, х о ҳ л а с а н г қ ў л л а ш м у м к и н, с ў з л а ш и м у м к и н деганида буйруқ-истак майлининг II шахс бирлигига қўшилиб келувчи -*ғыл*/-*қыл*/-*гил* (-*кил*) аффиксининг ишлатилиши мажбурий эмаслиги, шунингдек, бу аффиксга ҳеч қандай грамматик маъно юклатилмаганлиги ҳақида гапирмоқчи бўлганлиги англашилиб турибди.

М. Кошғарийнинг кўрсатишича, XI аср тилида буйруқ феълига қўшилиб, буйруқ маъносини кучайтириб келувчи جُو -*чу*/-*чү*, شُو -*шу*/-*шү* аффикслари мавжуд бўлган: كَل جُو *кэл-чу* — 'албатта кел, келсанг-чи!' بَرْمَاجُو *барма-чу* — 'зин-

---

[1] М а ҳ м у д К о ш ғ а р и й, Девону луғотит турк, II том, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961, 49—50-бетлар.

[2] Ўша асар, II том, 193-бет.

[3] Ўша асар, III том, 325—326-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳор борма'; بر غل شو *барғыл-шу*—' албатта бор, борсанг-чи!'

كل شو *кәл-шү*— 'албатта кел, келсанг-чи!' каби.[4] Бу ҳолатни қадимги ёдгорликларнинг бошқаларида учратмадик.

Буйруқ-истак майли II шахс бирлик формасининг маъноси ҳақида шу майлнинг II шахс кўплик формаси баҳсида гапирилади.

## Буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формаси

§ 10. Буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формаси қуйидаги аффикслар воситасида ясалади:

а) *-ың/-иң* (ундошдан кейин), *-ң* (унлидан кейин): *бар-ың, кәл-иң, сөзлә-ң* каби;

б) *-ыңлар/-иңләр* (ундошдан кейин), *-ңлар/-ңләр* (унлидан кейин): *бар-ыңлар, кәл-иңләр, башла-ңлар, сөзлә-ңләр* каби.

Бўлишсиз маъноси *-ма-/мә* аффикси ёрдамида ифодаланади: *бар-ма-ң — бар-ма-ңлар, сөзлә-мә-ң — сөзлә-ма-ңлар* каби.

Ўрхун енисей текстларида фақат *-ың/ -иң* (*-ң*) аффиксли форма учрайди: **КТм** — *әсидиң* ($28_{10}$), *билиң* ($28_{13}$), **КТб** — *әсидиң* ($30_{22}$); **Тон.** — *барың, олуруң* ($63_{31}$), *унамаң* ($63_{35}$); **ЕТ** — *қатығланың* ($26_{7}$); **Мог.** — *ичигиң, әмгәтмәң, толғатмаң* ($19_{13}$), *сақының, билиң* ($17_{33}$); **МЧур** — *кәлиң* ($35_{14}$).

Қадимги уйғур тили ёдгорликларида асосан *-ыңлар/-иңләр* (*-ңлар/ -ңләр*) аффиксли форма қўлланган бўлиб, *-ың/ иң* (*-ң*) аффиксли форма кам учрайди: **Олт. йор.** — *оқыңлар* ($156_{13}$), *сөзләң, қылмаң* ($178_{624}$), *әшидиңләр* ($154_{5}$); **Уйғ III** — *кәлүрүңләр* (12), *көрүңләр* (24), *кириңләр* (34), *тутуңлар* (88); **Тиш.** — *йашаңлар* (4, 6); **ПВ** — *барыңлар, тиләңләр, истәңләр* ($134_{4-5}$, $135_{36}$).

„Ирқ битиг"да *бил-* феъли 53 марта *билиңләр* шаклида, 12 марта *билиң* шаклида келган[5].

«Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да буйруқ-истак майли II шахс кўплик формасининг ишлатилиши умуман кам учрайди: **ҚБ** — *сөзүмни тутуңлар* (175-б), *билиң* (77-а); **МК II** — *барың, барыңлар,* (50, 51); **МК III** — *тоғраң, оғраң, тоғраңлар, оғраңлар* (327, 328), *бәриң, билиң* (371) *алың* (382).

М. Кошғарийнинг кўрсатишича, бу аффиксларнинг ишлатилишида XI аср турк тиллари ўртасида ҳам айрим фарқ-

---

[4] Ўша асар, III том, 225, 228-бетлар.

[5] Қаранг: С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1951, стр. 80—85.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар бўлган. У ёзади: „...Иккиталик ва кўплик фарқсиз, бир хилдир... Бирлик учун بَرْ бар, иккиталик учун بَرِينْكْلَارْ اِكِّيكُو *барыңлар иккигу* (икковингиз боринг), кўплик учун بَرِينْكْلَارْ قَمُغْ *барыңлар қамуғ* дейдилар. Тингловчи ёши катта, ҳурматли бўлса (ёлғиз бўлса ҳам), ҳурмат юзасидан кўплик формаси қўлланади: بَرِنْكْ *барың* дейилади. Аслида бунинг маъноси بَرِنْكْلَارْ *барыңлар* демакдир.

Ўғуз ва қипчоқлар бирликда بَرْ *бар*, кўпликда بَرِنْكْ *барың* дейдилар. Улар кўплик қўшимчаси لَارْ *-лар/-ләр* ни тушириб қолдирадилар; لَارْ *-лар/-ләр* ўрнига тингловчи бирлигида نْكِزْ *-ңыз/-ңиз* (*-ыңыз/-иңиз*) қўллайдилар. Ҳурмат учун бир кишига ҳам ز — З орттирадилар, улар тилида бир кишига нисбатан ҳам кўплик устига кўплик қўлланади. Шу парчада ҳам келган:

اَقْلَبْ مَنِي قَيْمَنْكِزْ          اَيِقْ اَيِبْ قَيْمَنْكِزْ

اَقَرْ كَزُمْ اُشْ تَنْكِزْ          تَكْرَا يَرَا قُشْ اُچَارْ

*Авлаб мәни қ о й м а ң ы з*
*Айық айыб қ а й м а ң ы з*
*Ақар көзүм уш тәңиз*
*Тәгрә йүрә қуш учар*

'[Севимлисига айтади]: Мени овлаб, ўзингизга асир қилганингиздан кейин, хўрлаб ташлаб қўймангиз, ваъдага вафо қилингиз, денгиз сувлари каби кўз ёшларим дарё бўлиб оқаётир. Кўз ёшларим атрофида қушлар учиб юрибди»[6].

Яна: «... ўғуз ва қипчоқларда (буйруқнинг кўплиги — *Ш. Ш.*) буйруқнинг бирлик шакли охирига ғуннали ك *-ң* орттириб ясалади. Чунончи: اَتْ تَغْرَنْكْ *әт тоғраң* — 'гўшт

[6] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, 50—51-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғранглар' ёки اَوْكَا اَغْرْ اَوْكَا әвгә оғраң — 'уйга боринглар' дегандаги каби. Бу тўғри қоидадир. Лекин турклар ҳурматлиларга ёки катта ёшлиларга сўзлаганларида, бирлик буйруқ шаклининг охирига ғуннали ك -ң орттириб қўллайдилар. Бу ғуннали ك -ң уларда ҳурмат белгиси сифатида ўрин олган.

Кўпликда улар تُغْرْ اَوْكَالَرْ тоғраңлар, اَغْرْ اَوْكَالَرْ оғраңлар тарзида қўллайдилар. Шунинг учун икки мустақил кўплик белгисини бирга қўшиб қўллаш хато ҳисобланмай, тўғри деб тушунилади. Ўғузлар билан қипчоқлар биринчи усулни қўллайдилар. Қоида шудир»[7].

Демак, М. Кошғарийнинг айтишича, биринчидан, XI аср тилида буйруқ-истак майлининг II шахс кўплиги маъносини ифодалаш учун *-ын/-иң* (*-ң*), *-ыңлар/-иңләр* (*-ңлар/-ңләр*) аффикслари қўлланган бўлиб, булардан қайси бирининг ишлатилиши диалектал асосга эга бўлган. Яъни ўғузлар ва қипчоқлар кўпликда *-ың/-иң (-ң)* аффиксини ишлатсалар, бошқа турклар бу аффиксни бирликнинг ҳурмат маъноси учун ишлатиб, кўплик учун *-лар/-ләр* орттириб *-ыңлар/-иңләр (-ңлар/-ңләр)* тарзида қўллаганлар. Шундай экан, ўрхун-енисей текстларида фақат *-ың/-иң (-ң)*, уйғур тили ёдгорликларида асосан *-ыңлар/-иңләр (-ңлар/-ңләр)* аффиксининг қўлланиши ҳам тасодифий ҳодиса бўлмай, балки бу манбаларда маҳаллий шева хусусиятларининг акс этишидир. Иккинчидан, М. Кошғарийнинг айтишича, XI аср тилида бирликнинг ҳурмати учун кўплик формасини ишлатиш ҳодисаси бўлиб, бунда ҳам диалектал фарқлар бўлган. Яъни бирликнинг ҳурмати учун турклар *-ың/-иң* (*-ң*) аффиксини ишлатсалар, ўғузлар ва қипчоқлар бунга *-з* орттириб *-ыңыз/-иңиз (-ңыз/-ңиз)* тарзида қўллаганлар.

Шунингдек, М. Кошғарий II шахснинг кўплиги учун *-ың/-иң (-ң)* аффиксини қўллаш қоидага мувофиқ эканлиги, лекин бунга *-лар/-ләр* қўшиб *-ыңлар/-иңләр (-ңлар/-ңләр)* тарзида ишлатиш ҳам хато бўлмаслигини таъкидлаган. Бизнингча, II шахс кўплик формаси аслида *-ың/-иң (-ң)* аффиксидан иборат бўлиб, унга *-лар/-ләр* қўшилиши кейинги ҳодисадир. Бошқача айтганда, айрим турклар *-ың/иң* (*-ң*) аффиксига ҳурмат маъносини ифодалаш вазифасини юклаб, кўплик учун унга -лар/-ләр аффиксини орттирганлар. Натижада II шахс кўплик формасининг *-ыңлар/-иңләр (-ңлар/-ңләр)* тарзидаги қўшалоқ аффикси пайдо бўлган.

Кузатилган ёдгорликларда бир шахснинг ҳурмати учун ўғузлар ва қипчоқлар тилидаги каби *-ыңыз/-иңиз (-ңыз/-ңиз)*

[7] Ўша асар, III том, 327—328-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

аффиксини ишлатиш акс этмаган (кузатилган ёдгорликларда бу аффиксни умуман учратмадик). Лекин бу ўринда *-ың/-иң (-ң)* аффиксини ишлатиш учрайди. Масалан, Ҳоқон Тонюқуққа мурожаат қилиб айтади: *Су б а р ы ң.., Алтун йысда о л у р у ң* (Тон., $63_{31}$) — 'Сен аскар билан бор, Олтин тепада [кутиб] ўтир'. Бу ўринда кўплик формасидаги *барың, олуруң* феъллари бирлик маъносида келган. Қуйидаги мисолларда ҳам шундай:

*Тәркин с ө з л ә ң буйруқ-а: кичиги оғлум қанта әрмис?* (Олт. йор., $178_{624}$) — 'Тезроқ гапир, эй саркор: кичик ўғлим қайда экан!?'.

*Бәрдим саңа қалың,*
*Әмди муны а л ы ң,*
*Әмгәк мәниң б и л и ң...* (МҚ III, 382).

'[Куёв қайын отасига айтади:] Сизга қалин бердим, буни олинг. Бу молни тўплашдаги қийинчиликларимни тушунинг'.

Ёдгорликларда, аксинча, баъзан кўплик маъноси учун бирлик формаси қўлланиши ҳам учрайди. Мисолларни қиёсланг:

*Түрк бәгләр, будун, буны ә с и д и ң!* [КТм, $28_{10}$] — 'Эй турк беклари ва халқи, буни эшитинг!'. *Тоқуз оғуз бәгләри, будуны, бу сабымын ә с и д!* (КТм, $27_2$) — 'Эй тўққиз ўғуз беклари ва халқи, бу сўзимни эшитинг!'.

Бу жумлаларнинг мазмуни бир хил бўлишига қарамасдан, биринчисида кесим кўплик формада [*әсидиң*], иккинчисида эса бирлик формада [*әсид*] келган.

Қуйидаги жумлада ҳам худди шундай кўплик маъноси учун бирлик формаси қўлланган:

*Йүз әр қадашым сизимә бин әр будуныма сизим қ а т л а н будунум әдгү қаң* (ЕТ, $76_2$) — 'Эй менинг юзта баҳодир қардошларим, мингта қаҳрамон халқим, (барча) халқим ва олижаноб отам, сизга (айтаман), ботир бўлинг!'

**§ 11. II шахс буйруқ-истак феълининг маъноси.** Бу феъл сўзловчи суҳбатдошига (ёки суҳбатдошларига) феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатни бажаришни (ёки бажармасликни) буюриш, сўраш, илтимос қилиш, иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) чақириш, ундаш, маслаҳат бериш, шунингдек, сўзловчининг суҳбатдошига (ёки суҳбатдошларига) истак, тилак билдириши каби маъноларни ифодалашда қўлланади (бирлик формаси бир шахсга, кўплик формаси икки ёки ундан ортиқ шахсларга қаратилган бўлади):

1. Иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) буюриш маъносини ифодалайди:

*Сабығ йана кәлти: о л у р у ң, тийин тимис. Йәлмә, қарағу әдгү у р ғ ы л, б а с ы т м а, тимис* (Тон., $63_{33-34}$) — '[Хон-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан чопар] жавоб сўзи келтирди: кутиб ўтир!— деб айтибди,— Шошилма! Қаравулни яхши тут! [Душманнинг] бостириб келишига йўл қўйма!— дебди'.

*Алтун шуңа йаш кэйики ығлат уғлат* (ЕТ, $54_6$) — 'Олтин ғозни, ёш охуни йиғлат, фиғон чектир!' *Өтру ол көк тонлуғ бәг: «(тута) тәгиңләр!» — тип қықырдуқта, уч йәкләр маңа йақын кәлип...* (Олт. йор., $154_7$) — 'Сўнг у кўк тўнли бек: «Яқынлашинглар!» — деб қийқирганда, уч арвоҳ менга яқин келиб...'.

*Бо ху-а аңару илтип мамика қыз-қа биргил, бирмиштә кин йана инчә тип тигил* (ТТ. X, $32_{463-465}$) — 'Бу гулни элтиб унга — мамика қизга бергин! Бергандан кейин яна шундай дегин!'. *Кидизиг субқа суқмыш, тақы ур, қатығды ба, тир* (ИБ, $82_{49-50}$) — 'Кигизни сувга солибди. Яна ур! Қаттиқ боғла! — дейди'.

*Сизиксиз болур, барыңлар, тип йарлықады* (ПВ, $135_{35-36}$) — 'Шубҳасиз бўлади, боринглар! деб буюрди'.

*Битигил, тимискә битидим* (Юр., $206_{24}$) — 'Ёзгин! дегани учун ёздим'.

*Илик айды: ундә, маңа кирсүни,*
*Көрәйин аны мән, мәни көрсүни* (ҚБ, 26-б).

'Илик айтди: Чақыр! Ҳузуримга кирсин. Мен уни кўрайин, у мени кўрсин'.

*Сөкә олтур!* (МҚ II, 29) — 'Чўкка тушиб ўтир!'. *Төргә кәч!* (МҚ III, 133) — 'Тўрга ўт!'.

2. Иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) чақириш, ундаш маъносини билдиради:

[*Түрк*] *бәгләр* [*будун анча*] *сақыныӊ! Анча билиӊ!* (Мог., $17_{33}$) — 'Сиз турк беглари ва турк халқи, бу ҳақда ўйлаб кўринг! Шундай билинг!'.

*Түрк бәгләр, будун, буны әсидиӊ!* (КТм, $28_{10}$) — 'Эй турк беклари ва халқи, буни эшитинг!'.

*Сүзүк көңүлин тикә қулхақын тыңлағыл* (ТТ. X, $10_{30-31}$) — 'Сўзимни кўнгил бериб яхши тинглагин!'.

*Қорқмаңлар, мән әмти сизләркә тирилмиш тылтақымын сөзләйин!* (Олт. йор., $154_5$) — 'Қўрқманглар, мен энди сизларга тирилганимнинг сирларини сўзлаб берайин!'.

*Қорқма,— тимис, қут биргәй-мән,— тимис* (ИБ, $80_2$) — 'Қўрқма! Мен сенга бахт бераман,— дебди'.

*Нәгү тәр, әшитгил, бағырсақ киши* (ҚБ, 103-б) — 'Меҳрибон киши нима дейди, эшит!'.

*Аныӊ бақығы көр* (МҚ I, 353) — 'Унинг боқишини, қарашини кўр'.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Сўзловчи суҳбатдошига (ёки суҳбатдошларига) иш-ҳаракатни бажариш (ёки бажармаслик) кераклиги ҳақида маслаҳат беради, насиҳат қилади:

*Оғланым, әрдә марымынча бол, қанқа тап, қатығлан* (ЕТ, $84_9$) — ‘Ўғлим, ботирликда менинг устозимдай бўл, хонга хизмат қил, маҳкам бўл!’.

*Өзлүгүг өлүрмә, әдкә таварқа ашланмағыл, айығ қылынч қылма, әдгү қылынчлығ кими, көбрүк идгил, йаратқыл тип,.. бошуйу ыдты* (Олт. йор., $156\text{-}157_{16}$) — ‘[Энди] сен жониворларни ўлдирмагин, мол-дунёга очкўзлик қилмагин, ёмон ишлар қилмагин, кема қуриш, кўприк солиш каби яхши ишлар қилгин, деб бўшатиб юборди’.

*Оғлым, өгит алғыл, билигсизлик кәтәр* (МҚ I, 412) — ‘Ўғлим, насиҳатни қулоғингга олгин, билимсизлик — жаҳолат кетади’ *Иш кәдинә бақынғыл* (МҚ II, 165) — ‘Ишнинг охирини кўзла, шунга қараб ҳаракат қил’.

*Сәни алғалы кәлдим андын туруб,*
*Қәңәш бу, йүри, барғыл әмди қопуб* (ҚБ, 129-*а*).

‘Мен сени олиб кетгани келдим. Маслаҳат шу: тур энди, юр, боргин’.

*Сөзүңни күдәзгил, башың бармасын,*
*Тилиңни күдәзгил, тишиң синмәсин* (ҚБ, 12-*б*).

Сўзингни сақлагин (ўйлаб гапир), бошинг кетмасин, тилингни тийгин, тишинг синмасин’.

*Йай көркиңә ынанма,*
*Сувлар үзә тайанма,*
*Әсизлигиг анунма,*
*Тилдән чықар әзгү сөз* (МҚ III, 176).

‘Баҳор кўркига инонма, сувга таянма, ёмонликка отланма, тилингдан [доим] яхши сўзлар чиқар’.

*Үндәб улуғ табару таврақ кәлиб йүгүргил,*
*Қурғақ йылын будун, көр, қанда тушәр, қуды ыл*
(МҚ III, 76).

‘Сени катта ёшли одам чақирса, унга чопиб боргин. Очлик йилларида халқинг қаерга боришини кузат, у қаерга борса, сен ҳам ўша ерга бор. Халқингга келган ҳар қандай мусибатларда уларга мос бўл’.

4. Иш-ҳаракатни бажаришни (ёки бажармасликни) сўраш, илтимос қилиш маъносини билдиради:

*Кәнтү будуным, тидим, уду кәлиң, тидим. Қодуп бардым, кәлмәди* (МЧур, $35_{14}$) — ‘Сиз, ўз халқимсиз, менинг йўлимдан боринг, келинг, дедим. Уларни қўйиб [ўзим] кетдим. Улар келмади’.

*Нәтәг қылайын, аны маңа а й у б и р и ң л ә р* (Олт. йор., $155_{10}$) — 'Нима қилайин, буни менга айтиб беринглар'.

*Нәчүкин булсарсизлар, йана йанып кәлип, маңа и ш и б д ү р ү ң л ә р, мән йәмә барып йүкүнәйин аңар, тип тиди* (ПВ, $134_{6-8}$) — 'Қандай ҳолатда топсангизлар, яна қайтиб келиб, мени хабардор қилинглар. Мен ҳам бориб унга ибодат қилайин, деб айтди'.

*Мәниңдин буларқа өкүш мың салам,*
*Т ә г ү р г и л, изим-сән, кәсүксүз улам.*
*Уларны мәниңдин с ә в ү н д ү р түчы,*
*Улуғ күндә қ ы л ғ ы л әлиг тутташы* (ҚБ, 9-*а*).

'Эгамсан, мендан буларга доим кўпдан-кўп узлуксиз салом етказгин. Уларни доим мендан хурсанд қилгин, улуғ айём кунларда улар билан кўришишга етказгин'.

*Қ о з ғ ы л маңа ақылық,*
*Болсун маңа айаға,*
*Ы з ғ ы л мәни тоқышға,*
*Й ү в г и л маңа улаға* (МҚ, III, 187).

'Мени ўз ҳолимга қўйгин, тўсқинлик қилма, токи бировларга фойда берувчи сахий номи менга қолсин. Мени жангга элтувчи от бер. У мени жангга элтсин'.

## Буйруқ-истак майлининг III шахс формаси

§ **12.** Буйруқ-истак майлининг III шахс бирлик формаси қуйидаги аффикслар ёрдамида ясалади: а) *-зун/-зүн* аффикси: *бар-зун, кәл-зүн;* б) *-зу/-зү* аффикси: *бар-зу, кәл-зү;* в) *-сун/-сүн* аффикси: *бар-сун, кәл-сүн;* г) *-су/-сү* аффикси: *бар-су, кәл-сү;* д) *-суны/-сүни* аффикси: *бар-суны, кәл-сүни* каби. Инкор маъноси *-ма/-мә* аффикси ёрдамида ифодаланади: *бар-ма-зун, кәл-мә-зүн; бар-ма-зу, кәл-мә-зү; бар-ма-сун, кәл-мә-сүн; бар-ма-су, кәл-мә-сү, бар-ма-суны, кәл-мә-сүни* каби.

Ёдгорликларда бу аффиксларнинг ишлатилиши қуйидагича: Ўрхун-енисей текстларида ва уйғур тили ёдгорликларида систематик равишда *-зун/ -зүн* аффикси қўлланади: **КТб** — *идисиз болмазун* ($30_{19}$), *идисиз қалмазун* ($30_{29}$), *йоқ болмазун* ($31_{25}$); **Тон.** — *барзун* ($63_{31}$), ЕТ — *артзун, турзун* ($94_{4}$, $95_{5}$); **Онг.** — *йитмәзүн, алмазун* ($9_{3,8}$), **ТТ. X** — *йарлықазун* ($10_{19}$, $16_{14}$; $18_{178}$), *китзүн, тарықзун* ($20_{134-248}$), *билзүн* ($38_{558}$); **Олт. йор.** — *өңәрзүн* ($154_{7}$), *йорыйу турзун* ($176_{615}$), йарлықамазун ($178_{623}$; $174_{608}$), **ИБ** — *тәритзүн* ($83_{77}$), *әдгүси болзун* ($83_{73}$; $84_{92}$).

Қирғизистон ССР территориясида топилган руник ёзувидаги XIII—XIV асрларга доир майда текстлар ва шу даврга



www.ziyouz.com kutubxonasi

оид уйғур ёзувида битилган юридик ҳужжатлар бундан мустасно. Буларда *-зун/-зун* билан бир қаторда *-сун/-сүн* аффикси ҳам ишлатилади: *йат (йад) болзун, йат (йад) болсун, қалсун* (Кирг., 75, 76, 78, 79, 81, 82, 83, 84, 85-бетлар); *йорузун, бирзүн, қорлуғ болзун, қорсуз болзун, әрклиг болзун, йорымазунлар, садзун, чарым қылмазун, алсунлар, йорымасун, бирсүкләр, садсун, тудсун, чамламасунлар, чарым қылмасунлар* (Юр., 202, 203, 206, 208, 210, 212, 213-бетлар).

*-зу/ -зү* аффикси ўрхун текстларида учрайди: *тәңри йарлықазу* (КТб, $31_{29}$; Тон., $64_{53}$), *болзу* (Кирг., $81_8$), *барзы* (?) (Кирг., $85_{10}$).

«Қутадғу билиг»да *-сун/-сүн, -суны/-сүни,* кўпинча *-су/-сү* аффикслари ишлатилган: **ҚБ** — *тутсун* (31-*б*) — *тутсу* (19-*а*, 34-*б*, 48-*а*) — *тутсуны* (59-*б*), *болсун* (64-*а*) — *болсу* (11-*а*, 13-*б*, 59-*а*, 113-*б*, 121-*а*, 139-*б*, 154-*б*) — *болсуны* (140-*б*, 178-*б*), *көрсү* (10-*б*, 13-*б*) — *көрсүни* (24-*б*, 25-*б*, 26-*б*), *тусулсун* (23-*а*) — *тусулсу* (59-*а*) каби.

«Девону луғотит турк»да фақат *-сун/-сүн* аффикси ишлатилган. М. Қошғарийнинг ўзи ҳам бу форма ҳақида гапирганда, -сун/-сүн аффиксинигина кўрсатади: «Буйруқ феълининг учинчи шахс бирлиги иккинчи шахс буйруқ шаклига ҳамма қабилаларда бир хил سُوْن *-сун/-сүн* қўшиш билан ясалади: بَرْ سُوْن *барсун*, كَلْسُوْن *кәлсун* каби“[8].

Яна: „Бу бўлимнинг ўзга буйруғи تُغْرا سُوْن *тоғрасун*— ‘тўғрасин’, اُغْراسُوْن *оғрасун* — ‘йўл олсин’, дир. Бу бўлимнинг бўлишсиз шакли буйруқ охирига *м* ва *а/ә* (алиф) орттириб ясалади:... اُغْراما سُوْن *оғрамасун*— ‘йўл олмасин’, تُغْراما سُوْن *тоғрамасун*— ‘тўғрамасин’, демакдир„.[9]

Буйруқ-истак майли III шахс бирлиги учун XI аср адабий тили ёдгорлиги «Қутадғу билиг»да *-сун/-сүн, -су/-сү, -суны/-сүни* аффикслари ишлатилгани ҳолда, шу давр вакили ва тилшуноси М. Қошғарийнинг бу феъл ҳамма қабилаларда бир хилда *-сун/-сүн* қўшиш билан ясалади, деб кўрсатиши характерлидир. Бу ҳодиса диалектал хусусиятга эга, деб изоҳлашга ҳам, жонли сўзлашув тилида фақат *-сун/-сүн* аффикси ишлатилган бўлиб, адабий-китобий тилда *-су/-сү, -суны/-сүни* аффикслари ҳам қўлланган, деб изоҳлашга ҳам асосимиз йўқ.

---

[8] Маҳмуд Қошғарий, Девону луғотит турк, II том, 67—68-бетлар.
[9] Ўша асар, III том, 326—327-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар холда бу масалани аниқлаш махсус ўрганишни талаб қилади.

§ 13. Буйруқ-истак майлининг III шахс кўплиги бирлик формасига *-лар/-лəр* аффиксини орттириш йўли билан ясалади: *барсунлар, кəлсун-лəр, бармасун-лар, кəлмəсун-лəр* каби. Бу феълнинг кўплик формада қўлланиши қадимги ёдгорликлар тили учун характерли эмас. Ўрхун-енисей текстларида учрамайди. «Олтин йорук», «Турфон текстлари» каби қадимги уйғур тилига оид таржима асарларда деярли ишлатилмаган. Юридик ҳужжатларда ва «Қутадгу билиг»да бир неча мартагина учрайди.

Шу нарса характерлики, кўплик аффикси *-лар/-лəр -зун/-зун, -сун/-сун* аффиксларигагина қўшилиб келган: **Олт. йор.**— *қутрулзунлар* ($156_{15}$), *йорыйу турзунлар* ($176_{615}$), **Юр** — *чамламасунлар* ($206_{17}$), *алсунлар* ($206_{19}$), *бирсунлəр* ($208_{8}$), *чарым қылмасунлар* ($210_{13}$), *йорымасунлар* ($210_{15}$), *йарлықазунлар* ($203_{36}$), **ҚБ** — *сөкə бармасунлар* (168-*а*), *иңлəмəсунлəр* (161-*а*), **ТТ. X** — *билзунлəр* ($38_{558}$).

§ **14. III шахс буйруқ-истак феълининг маъноси.** Бу феъл буйруқ, тилак-истак, илтимос қилиш, мақсад маъноларини ифодалайди. Бунда буйруқ, тилак-истак, илтимос ўзгага (III шахсга) қаратилган бўлиб, тингловчи (II шахс) орқали мурожаат қилинади:

1. Буйруқ маъносини билдиради:

*Алтун йысда олуруң, тиди. Су басы Инəл қаған, Тардус сад б а р з у н, тиди* (Тон., $63_{31}$) — 'Сен Олтин тепада [кутиб] ўтир! Аскар боши бўлиб Иналхон, Тардуш шад борсин, деди'.

*Мəн Саданың ақам ишим уруғум тоғмышым оғулум йузлугум ким ким мə чам ч а р ы м қ ы л м а с у н л а р* (Юр., $210_{11-13}$) — 'Мен, Саданинг ака-укаларим, уруғим, қариндошларим, ўғилларим ва бошқа яқин кишиларим жанжаллашмасинлар'.

*Илик айди: ундə, маңа к и р с у н и,*
*Көрəйин аны мəн, мəни к ө р с у н и* (ҚБ, 26-*б*).

'Илик айтди: чақир, ҳузуримга кирсин. Мен уни кўрайин, у мени кўрсин'.

2. Тилак-истак маъносини билдиради:

*Анта кисрə, тəңри й а р л ы қ а з у, қутым бар учун, улуғим бар учун... йалаң будунығ тонлығ, чығай будунығ бай қылтым...* (КТб, $31_{29}$) — 'Ундан кейин, худо илтифот қилсин, бахтим бор учун яланғоч халқни тўнли қилдим, камбағал халқни бой қилдим'.

*Тоғды, т у р з у н, а р т з у н* (ЕТ, $95_{5}$) — 'Туғилди, яшасин, кўпайсин!'.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сычқан йыл эрди, Адарның 22 кун эрди, өлди й а т б о л с у н* (Кирг., 81) — 'Сичқон йили эди, Адар [ойининг] 22-куни эди, ўлди. Ёд бўлсин'.

*Оғлан кәкук тәзкин булты чук (!) тиң қ у т л у ғ б о л з у н* (ИБ, $81_{35}$) — 'Ўғлон какку қушнинг патини топиб олибди. Келинчакка бу қутлуғ бўлсин!'.

*Ажун эрки булдуң, у з у н б о л с у йаш,*
*Эрәж эзгу бирлә э с ә н б о л с у баш,..*
*Сәвинч барча йумқы саңа к ә л с у н и,*
*Сақынч бирлә душман сызыб ө л с у н и* (ҚБ, 39-*б*).

'Дунё ихтиёрини олдинг, ёшинг узун бўлсин, тинчлик ва эзгулик билан бошинг омон бўлсин, .. барча севинч сенга келсин, душманинг ғамгин бўлиб, эзилиб ўлсин'.

*Эндик киши т и т и л с у н,*
*Эл тәру й и т и л с у н,*
*Тонлы бөри й ә т и л с у н,*
*Қазлы йәмә с а в ы л с у н* (МҚ I, 131).

'[Қиличимиз билан қайғуни очайликки], аҳмоқлар йўлга тушсинлар, мамлакат [ишлари] тузалсин, қўзилар билан бўрилар [хавфсиз] бирга юрсинлар, биздан қайғу-ғам йўқолсин'.

3. Илтимос қилиш маъносини билдиради:

*Ай улуг илик бәг, пушану й а р л ы қ а м а з у н: ики тигинләр су эсан тәгинур...* (Олт. йор., $178_{623}$) — 'Эй улуғ Илик бек, ғазабланмагин: икки шоҳзода эсон-омон [қайтиб] келишяпти...'.

*Икинтиси тигин ынча тип тиди: «Эшиту й а р л ы қ а з у н ичим-э!...»* (Олт. йор., $174_{608}$) — 'Иккинчи шоҳзода шундай деди: «Эй ака, [энди мендан] эшитсинлар!...»'.

*Ай қызым, мини бирлә бир оғушлуғ турур-сән... инчә сақынчың б о л м а з у н* (ТТ. X, $32_{472-473}$) — 'Эй қизим, сен билан мен, иккаламиз бир элданмиз. Бунча ғамгин бўлмагин!'.

*Борлуқ узә мың йыл туман кункә тәги Солда буқа э р к л и г б о л з у н* (Юр., $210_{10}$) — '[Бу] токзорга Сўлда буқа минг йил, ўн минг кунгача эга бўлсин'.

*Илик ма йана бир битиг б ә р с у н и,*
*О қ ы с у н битигни, маңа б у т с у н и* (ҚБ, 141-*а*).

'Илик яна бир хат [ёзиб]) берсин. Хатни ўқисин ва менга ишонсин'.

4. Буйруқ-истак майлининг III шахс формаси *деб (тәйин)* феъли билан бирикиб ёки бошқа бир грамматик восита ёрдамида бирор иш-ҳаракатнинг бажарилишига (ёки бажарилмаслигига) асос бўлган мақсадни ифодалайди:

*Турк будунығ аты куси й о қ б о л м а з у н т и й и н,... өзимин ол тәңри қаған олуртды эринч* (КТб, $31_{25}$) — 'Турк



www.ziyouz.com kutubxonasi

халқининг номи ва шуҳрати йўқолмасин деб, ... у тангри ўзимни хонликка кўтарди'.

*Түрк будун йитмәзүн тәйин, йолуқ әртмәзүнтәйин, үзә тәңри тәр әрмис...* (Онг., $8_3$) — 'Турк халқи йўқолмасин, қурбон бўлмасин деб, юқори тангри айтибди...'.

*Бу муңумузны әмти қылынч тәңриси өңәрзүн тип өтүнтиләр* (Олт. йор., $154_7$) — 'Бизнинг бу қайғумизни энди қилинч тангриси кўтарсин, деб ўтиндилар'.

*Ил қан адыңа тойун болуп, буйан бирзүн тип, үзик бoсбитиг бирип, мини алды әрти* (Юр., $203_{32-33}$) — 'Илхонга садоқатли бўлиб, унга хизмат қилиб юрсин деб, озодлик хати бериб, мени олган эди'.

*Көни сөзлә сөзни, қызарға әңиң,*
*Магар әзгүлүгкә ачылсун тилиң* (ҚБ, 148-б).

'Сўзни тўғри сўзла, юзинг ёруғ бўлади, токи тилинг фақат эзгуликка очилсин'.

§ **15.** Қадимги ёдгорликлар тилида буйруқ-истак майли формаларининг умумий кўриниши қуйидагича бўлган:

Бирлик

| | Аффикслар | Мисоллар |
|---|---|---|
| I ш. | 1. -айын/-әйин (-йын/-йин) | барайын, кәләйин, башлайын, сөзләйин |
| | 2. -айы/-әйи (-йы/-йи) | барайы, кәләйи, башлайы, сөзләйи |
| | 3. -ай/-әй (-й) | барай, кәләй, башлай, сөзләй |
| II ш. | 1. -ғыл/-гил/ /-қыл/-кил | барғыл, кәлгил, ағқыл, өгкил |
| | 2. -∅ ∅ | бар, кәл, ағ, өг |
| III ш. | 1. -сун/-сүн | барсун, кәлсүн, башласун, сөзләсүн |
| | 2. -зун/-зүн | барзун, кәлзүн, башлазун, сөзләзүн |
| | 3. -су/-сү | барсу, кәлсү, башласу, сөзләсү |
| | 4. -зу/-зү | барзу, кәлзү, башлазу, сөзләзү |
| | 5. -суны/-сүни | барсуны, кәлсүни, башласуны, сөзләсүни |

Кўплик

| | Аффикслар | Мисоллар |
|---|---|---|
| I ш. | 1. -алым/-әлим (-лым/-лим) | баралым, кәләлим, башлалым, сөзләлим |
| | 2. -әлиң | кәләлиң |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | |
|---|---|---|
| II ш. | 1. -ың/-иң (-ң)<br>2. -ыңыз/-иңыз (-ңыз/-ңиз)<br>3. -ыңлар/-иңләр (-ңлар/-ңләр) | барың, кәлиң, башлаң, сөзләң<br>барыңыз, кәлиңиз, башлаңыз, сөзләңиз<br>барыңлар, кәлиңләр, башлаңлар, сөзләңләр |
| III ш. | 1. -сунлар/-сүнләр<br>2. -зунлар/-зүнләр | барсунлар, кәлсүнләр, башласунлар, сөзләсүнләр<br>барзунлар, кәлзүнләр, башлазунлар, сөзләзүнләр |

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАРТ МАЙЛИ

§ 16. Қадимги ёдгорликлар тилида ҳозирги туркий тиллардаги каби шарт майлининг ҳозирги-келаси замон формасигина мавжуд бўлиб, қолган замонлари аналитик формалар билан тўлдирилади. Шу билан бирга, шарт феълининг ясалиши, тусланиши жиҳатидан қадимги ёдгорликлар тили ҳозирги туркий тиллардан фарқланади.

### Ҳозирги-келаси замон шарт феъли

§ 17. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли қадимги ёдгорликлар тилида феълнинг ўзак-негизига *-сар/-сәр* ёки *-са/-сә* аффиксини қўшиш йўли билан ҳосил бўлади.

*-сар/-сәр* ва *-са/-сә* аффиксларининг ишлатилишида қадимги ёдгорликлар ўзаро фарқланади. Бу фарқлар қуйидагича: а) ўрхун-енисей текстларида ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида *-сар/-сәр* аффикси қўлланган; б) «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да *-са/-сә* аффикси ишлатилган.

§ 18. Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг тусланиши қуйидагича:

1. *-сар/-сәр* аффикси билан ясалган ҳозирги-келаси замон шарт феълига шахс-сон аффиксларининг тўлиқ вариантлари орттирилади:

Бирлик

| | Аффикслар | Мисоллар |
|---|---|---|
| I ш. | -сар+мән/-сәр+мән | барсар-мән, кәлсәр-мән |
| II ш. | -сар+сән/-сәр+сән | барсар-сән, кәлсәр-сән |
| III ш. | -сар/-сәр | барсар, кәлсәр |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўплик

| | Аффикслар | Мисоллар |
|---|---|---|
| I ш. | -сар+биз/-сәр+биз | барсар-биз, кәлсәр-биз |
| II ш. | -сар+сиз/-сәр+сиз | барсар-сиз, кәлсәр-сиз |
| | -сар+сизләр/-сәр-сизләр | барсар-сизләр, кәлсәр-сизләр |
| III ш. | -сар+лар/-сәр+ләр | барсарлар, кәлсәрләр |

Бўлишсиз формаси: *бармасар-мән, кәлмәсәр-мән* каби.

Мисоллар: **Олт. йор.** — *тисәр-мән*, *қылсар-мән, тапласар-мән* ($159_{9,10}$), *көрсәр-мән* ($156_{12}$), *титсәр-мән*, *тисә* ($176_{612, 614}$), *өлсәр-биз* ($177_{620}$), *то'лсар*, *оқысар*, *түкәсәр* ($156_6$), *айытсар* ($177_{613}$), *кәлмәсәр* ($178_{624}$); **ТТ. Х** — *турсар-мән* ($28_{414}$), *киртгүнмәсәр-сән* ($32_{478}$), *көрсәр* ($14_{75}$; $26_{372}$), *билсәр* ($22_{274}$), *йорысар* ($30_{140}$), *уғрасар*, *кәлсәр* ($36_{554}$); **Уйғ. II** — *йалварсар-мән* (79), *ычғынсар-мән* (88), *болмасар* (11), *өчсәр* (12), *йақын кәлсәр* (25), *әсидсәр* (34), *сөзләсәр* (42), *тоғсар*, *өлсәр* (44), *өкүнсәр*, *йарлықасар* (79); **Уйғ. III** — *озғур усар-мән* (41), *қорхсар аймансар-сән* (31), *пүтүрсәр-сизләр*, *пүтүру умасар-сизләр* (55), *әврилмәсәр* (4), *тутсар* (36), *барсар* (43), *тапласар* (46), *оғрасар* (54), **Тиш.** — *барсар* (7), *тутсар*, *оқысар*, *қорқытсар* (30), *сақынсарлар*, *тиләсәрләр*, *истәсәрләр* (31); **ИБ** — *кәлсәр* ($84_{85}$); **ПВ** — *булсар-сизләр* ($134_6$), *йүтүрсәр* ($135_{41}$); **Юр.** — *кәңәрсәр-мән*, *қалсар* ($202_{10, 15}$), *көчүрсәр-мән*, *йоқ болсар-мән* ($208_{5, 7}$; $215_{9, 11}$), *тапламасар*, *чамласарлар* ($206_{16, 18}$).

Ўрхун-енисей текстларида хозирги-келаси замон шарт феъли III шахс бирлик формасидагина учрайди.

Мисоллар: КТм — *олурсар* ($27_3$), *барсар*, *тодсар* ($28_2$); **Тон.** — *билсәр* ($61_6$), *болсар*, *сүләмәсәр*, *йорысар* ($64_{54, 55, 59}$); ЕТ — *болсар* ($56_{12}$ $57_7$), *тутсар* ($61_2$), **Мог.** — *қазғанмасар* ($17_{33}$), *адырылмасар* ($19_{13}$), **КЧур** — *болсар* ($27_9$).

Ўрхун-енисей текстларида I ва II шахслар учун ҳам III шахс бирлик формасида қўллана беради. Бунда шахс-сон маънолари контекст мазмунидан англашилади. Масалан:

*Бән өзүм қ а з ғ а н м а с а р, ил йәмә, будун йәмә йоқ әрти* (Тон., $64_{55}$) — 'Мен ўзим ғайрат қилмасам [эди], давлат ҳам, халқ ҳам йўқ бўлар эди'.

*Мән қ а з ғ а н м а с а р, түрк будун өлтәчи әрти* (Мог., $17_{33}$) — 'Мен ғайрат қилмасам [эди], турк халқи ўлар эди'.

*Ол йиргәрү б а р с а р, түрк будун, өлтәчи-сән* (КТм, $28_8$) — 'У ерга борсанг, турк халқи, сен ўласан'.

*Бу қағанында бу бәгләригдә йәриңдә субыңда а д ы р ы л м а с а р, түрк будун, өзүң әдгү көртәчи-сән...* (Мог., $19_{13-14}$) —



www.ziyouz.com kutubxonasi

'Бу хоқонингдан, бу бекларингдан, ватанингдан айрилмасанг, турк халқи, сен бахтли бўласан ...'.

*Өңдән қағанғару су йорылым, тимис, й о р ы м а с а р,.. бизни өлүртәчи кук* (Тон., $63_{29}$) — 'Шарқ томондан хоқонга қарши лашкар тортиб борайлик, бормасак,.. у бизни ўлдиради шекилли, дебди'.

Мисолларнинг биринчи ва иккинчисида *қазғанмасар* I шахс бирлик (ғайрат қилмасам) маъносида, учинчи ва тўртинчисида *барсар, адырылмасар* II шахс бирлик (борсанг, айрилмасанг) маъносида, охиргисида *йорымасар* I шахс кўплик (бормасак) маъносида келган.

2. *-са/-сә* аффиксли ҳозирги-келаси замон шарт феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланиши қуйидагича икки хил кўринишга эга:

а) шахс-сон аффиксларининг тўлиқ вариантлари орттирилади:

Бирлик

| | Аффикслар | Мисоллар |
|---|---|---|
| I ш. | -са+мән/-сә+мән | барса-мән, кәлсә-мән |
| II ш. | -са+сән/-сә+сән | барса-сән, кәлсә-сән |
| III ш. | -са/-сә | барса, кәлсә |

Кўплик

| | Аффикслар | Мисоллар |
|---|---|---|
| I ш. | -са+миз/-сә+миз | барса-миз, кәлсә-миз |
| II ш. | | |
| III ш. | -са+лар/сә+ләр | барсалар, кәлсәләр |

Бўлишсиз формаси: *бармаса-мән, бармаса-сән, бармаса-миз, бармасалар* каби.

**Изоҳ:** Ёдгорликларда учрамаган шахс формаларининг ўрни очиқ қолдирилди.

Мисоллар: ҚБ — *тәсә-мән* (29-*а*), *бәрсә-мән* (34-*б*), *көрсә-мән* (58-*б*), *сөзләсә-мән* (127-*а*), *кәлсә-мән* (141-*б*), *барса-мән* (206-*а*), *тәсә-сән* (17-*а*), *уқса-сән* (29-*б*), *билмәсә-сән* (31-*а*), *тутса-сән* (54-*б*), *кәлмәсә-сән* (120-*а*), *алса-сән* (162-*а*), *тутмаса-сән* (175-*б*), *кәлсә-сән* (205-*б*), *төру урса-миз, төру тузса-миз* (145-*а*), *сөзләсә, сөзләмәсә, тутса* (13-*а, б*), *болмаса, алмаса* (61-а), *сатсалар, тутсалар* (98-*б*), *сөзләсәләр* (126-*а*), *үндәсәләр, бәрсәләр* (168-*б*), *өгрәнсәләр* (169-*а*), **МК I** — *тиләмәсә-сән* (146), *барса-сән* (383), **МК III**—*барса-сән* (225).



www.ziyouz.com kutubxonasi

б) шахс-сон аффиксларининг қисқарган вариантлари қўшилади:

Бирлик

| | Аффикслар | Мисоллар |
|---|---|---|
| I ш. | -са+м/-сә+м | барсам, кәлсәм |
| II ш. | -са+ң/-сә+ң | барсаң, кәлсәң |
| III ш. | -са/-сә | барса, кәлсә |

Кўплик

| | Аффикслар | Мисоллар |
|---|---|---|
| I ш.<br>II ш.<br>III ш. | -са+лар/-сә+ләр | барсалар, кәлсәләр |

Бўлишсиз формаси: *бармасам, бармасаң, бармаса, бармасалар* каби.

Мисоллар: ҚБ — *айсам* (13-б), *йәтүрсәм, булсам* (132-а), *тиләсәм* (201-б), *тиләсәң* (24-б), *кирсәң* (53-б), *бәрсәң* (116-б), *сөзләмәсәң* (140-б), *унутсаң* (148-б), *эшитсәң* (194-а); **МК I** — *қолсам* (380).

**Изоҳ:** 1. «Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхасида бир ўринда *әр-* тўлиқсиз феълига *-сәр* аффикси қўшилиши учрайди: *Арығсыз, җафāлығ, қылынчы утун// Қалы айды әрсәр, қыйар сөзини* (ҚБ, 106-б) 'Нопок, жафоли, ҳулқи тубан [киши], агар ваъда берган бўлса ҳам сўзидан қайтади'.

Лекин «Қутадғу билиг»нинг Қоҳира нусхасида *әрсә* шаклида [р]сиз ёзилган[1].

2. Қадимги уйғур тилига оид юридик ҳужжатларда ҳозирги-келаси замон шарт феълининг асосан *-сар/-сәр* аффикси қўлланган бўлиб, баъзан *-за/-зә (-са/-сә?)* шаклида ҳам учрайди.

Мисоллар: *Таплаза өзи тудзун, таплаmаза адын кишигә садзун* (Юр., $212_{13-14}$) — 'Маъқул бўлса, ўзи фойдалансин; маъқул бўлмаса, бошқа кишига сотсин'. *Бу борлуққа экин* тудза *(тут-*

[1] Қаранг: Юсуф Хос Ҳожиб, Қутадғу билиг, Қоҳира нусхаси, ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 6091, 2-китоб, 163-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*са?) бирим алым к ә л з ә (к ә л с ә?), мән Мысыр билир-мән, Қайымту билмәз* (Юр, $214_{2-8}$) — 'Бу токзорга, уни мен ижарага олганимда, жарима келса, мен — Мисир ҳисоблашаман. Қайимту ҳисоблашмайди'.

§ **19.** Юқорида айтилганлардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Ҳозирги туркий тилларда *-са/-сә (-за/-зә* ва бошқа фонетик вариантлари билан) шаклида қўлланувчи ҳозирги-келаси замон шарт феъли аффикси дастлаб *-сар/-сәр* шаклида бўлган.

2. «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида шарт феъли аффиксининг *-са/-сә* шаклида қўлланиши *-сар/--сәр* формасининг *-са/-сә* формасига ўтиш процесси Ўрта Осиё туркий тилларида X—XI асрларда тугаллланганини кўрсатади.

Бу давр тилида шарт феълининг кўрсаткичи *-са/-сә* шаклида эканлиги ҳақида М. Кошғарий ҳам уқдирган[2].

3. «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да шарт феъли аффиксининг *-са/-сә* формасида қўлланганн ҳолда, қадимги уйғур тилининг X—XIII асрларга оид ёдгорликларида ҳам (масалан, Юридик ҳужжатлар) *-сар/-сәр* формасида ишлатилиши шуни кўрсатадики, *-сар/-сәр* формасининг *-са/-сә* формасига айланиш процесси туркий тилларнинг барчасида бир даврга тўғри келмайди.

4. Шарт феълининг *-сар/-сәр* аффиксли формасига шахс-сон аффиксларининг тўлиқ вариантлари қўшилган (*-сар + +мән//-сәр+мән, -сар + сән//-сәр + сән, -сар + биз (миз)// -сәр+биз (миз), -сар+сиз (ләр)*||*-сәр+сиз (ләр)* каби).

Бу феълнинг шахс-сон аффиксларининг қисқарган вариантлари [*-м, -ң; -қ/-к, -ңыз (лар)*||*-ңиз (ләр)*] билан тусланиши *-сар/-сәр* формасининг *-са/-сә* формасига айлангандан кейинги ҳодисадир. «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да I ва II шахс бирлигининг *барса-м, барса-ң* тарзида қўлланиши билан бирга, *барса-мән, барса-сән* шаклида ҳам кўп учраши бу фикрни тасдиқлайди.

Демак, бу процесс қуйидагича тартибда юз берган: *барсар-мән > барса-мән > барса-м > барсам; барсар-сән > барса-сән > барса-н > барса-ң > барсаң* каби.

5. Шарт феълининг I шахс кўплик формасида *-миз* ўрнида *-қ (барса + миз > барса + қ)* қўшилиши Ўрта Осиё туркий тилларида XI асрдан кейин юз берган. «Қутадғу билиг»да *-миз (барса+миз)* қўшилишигина учрайди. *Барса+миз* формаси «Тафсир» тили учун ҳам характерли. *Барса+қ*

---

[2] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, III том, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1963, 225-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

формаси «Қисасул анбиё» ва XIII—XIV асрларга оид бошқа ёдгорликларда кўрина бошлайди.

II шахс формасида *-сиз* ўрнида *-қыз(лар)/-қиз(лэр) (барса + сиз > барса + қызлар)* қўшилиши ҳам шу хилда бўлса керак. Бу ҳақда конкрет фикр айта олмаймиз. Чунки шарт феълининг II шахс кўплик формасида қўлланиши «Қутадғу билиг»да ҳам, «Девону луғотит турк»да ҳам учрамайди.

**§ 20. Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг маъноси:**

1. Шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапнинг кесими орқали ифодаланган ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиши (ёки бажарилмаслиги) учун зарур бўлган реал шартни кўрсатади:

*Ол йиргэру б а р с а р, түрк будун, өлтэчи-сэн* (КТм, $28_8$) — 'У ерга борсанг, турк халқи, ўласан'.

*Аңару с у л э м э с э р.., ол бизни... өлүртэчи күк* (Тон., $62_{20-21}$) — 'Унга қарши уруш қилмасак,.. у бизни ўлдиради, кекилли'.

*Тогмақ б о л м а с а р, қарымақ өлмэк болмаз* (Уйғ. II, 11) — 'Туғилмоқ бўлмаса, қаримоқ ва ўлмоқ бўлмайди'.

*Ол йиг болгай учэгу бирлэ ки-а ө л с э р-б и з?!* (Олт. йор., $177_{620}$) — 'Учаламиз бирга ўлсак, қандай яхши бўларди-я?!'.

*Бу йиркэ биримлэрим к э л с э р, икэгү тэң бирүр-биз* (Юр., $216_7$) — 'Бу ерга жарима келса, иккаламиз баробар тўлаймиз'.

*Буларығ қозуб сэн бэру к э л с э-с э н,*
*Ол ишлэр бузулга, өкунч болға-сэн* (ҚБ, 205-б).

'Сен ўз ишларингни ташлаб бу ёққа келсанг, ишларинг бузилади, [кейин] бунга афсусланасан'.

*Қулақ э ш и т с э, көңил билур,*
*Көз к ө р с э, үзик кэлир* (МҚ I, 219).

'Қулоқ сўзни эшитса, кўнгил билади, [аммо] кўз севимлисини кўрса, шавқ қўзгалади'.

Контекстда *бирук, абам, абаң, қалы* (агар) каби боғловчи сўзлар бўлганда, шарт феълининг маъноси конкретлашади: *А б а м б и р у к бу этөзумин т и т с э р-м э н,.. агрығығ қорқынчығ барчаны титмиш ыдаламиш болур-мэн* (Олт. йор., $175_{614}$) — 'Агар бу танамни титсам (парчалаб ташласам), дардимни, қўрқинчимни, барчасини титган, парчалаб ташлаган бўламан'.

*А б а м б и р у қ... ч а м л а с а р,... бу борлуқ тэңинчэ ики борлуқ бирип...* (Юр., $210_{13-14}$) — 'Агар (кимки) жанжалланса, бу токзорга баробар икки токзор бериб...'.

*Б и р о к мэниң бу ишимин п у т у р с э р-с и з л э р, улуғ түрлүг ачығ агрығ бар; путүру у м а с а р-с и з л э р, йитинч*


www.ziyouz.com kutubxonasi

*оғушуңузларны бирлә йог йодун қылур-мән* (Уйғ. III, 55) — 'Агар менинг бу ишимни битирсангизлар, катта-катта мукофатлар бўлади; битира олмасангизлар, етти пуштингиз билан йўқ қиламан'.

*Бирук бизни өлүрсәр-сән,.. сәниң балықтақы иг тоға киткуси йоқ* (Олт. йор.) — 'Агар сен бизни ўлдирсанг,... шаҳрингда касаллик тарқалиб, у ҳеч тамом бўлмайди'.

*Қалы кәлсә, әзгү ағырлады сөз,*
*Абаң кәлмәсә, болга йарлығ учуз* (ҚБ, 116-б).

'Агар келса, сўзингни ҳурматлаган бўлади; агар келмаса, ёрлиғинг қадрсиз бўлади'.

*Абаң қолсам, узу барыб,*
*Тутар әрдим сүсин тарыб* (МК I, 380).

'Агар истасам, орқасидан бориб, аскарини тарқатиб, ўзини тутар эдим'.

*Усанма, қатығлан, сөзүм ишкә тут,*
*Қалы тутмаса-сән, саңа болға йут* (ҚБ, 175-б).

'Ғофил бўлма, хушёр бўл, сўзимга амал қил; агар (сўзимга) амал қилмасанг, бошингга бало бўлади'.

*Қарға қалы билсә, муңын ол буз соқар,*
*Авчы йашыб тузақ тапа мәңгә бақар* (МК I, 401).

'Агар қарға очлик, ташналикнинг қийинчилигини сезса, музни тешади; бекиниб турган овчини кўрмай, унинг тузоғидаги донлар учун парво қилмай кира беради'.

2. Пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапнинг кесими орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини кўрсатади:

*Анча сақынтым; көздә йаш кәлсәр, эти дә көңүлтә сығыг кәлсәр, йантуру сақынтым* (КТб, $33_{51}$) — 'Мен шундай ғамгин бўлдим; кўзларимдан ёш келганда, юрагим фарёд қилганда, яна ғамгин бўлдим'.

*Сүңүс болсар, чәриг итәр эрти* (ҚЧур, $27_9$) — 'Жанг бўлганда, у қўшинни бошқарар эди'.

*Мунтағ тисәр-мән, өтрү ол йәкләр маңа ынча титиләр* (Олт. йор., $155_9$) — 'Мен шундай деганимда, у арвоҳлар бундай дедилар'.

*Маңа биргил, мән йуқайын, йоқ қылгай-сән тисәр, ол битигни ма бәгимкә биртим* (Юр., 23 $_{22-23}$) — 'Менга бергин, мен сақлайин, сен йўқатасан деганда, мен у хатни бегимга бердим'.

*Анадын-му билгә туғар бу киши,*
*Азу өгрәнүр-му йәтилсә йашы?* (ҚБ, 65-б).



www.ziyouz.com kutubxonasi

'Киши онаси қорнидан билимли бўлиб туғиладими ёки ёши етилганда (билим) ўрганадими?'.

*Қ ә л с ә ума түшүргил,*
*Тынсын аның аруқлуқ* (МҚ II, 366).

'Уйингга меҳмон келганда, уни қўндир, у ҳордиқ чиқариб, дам олсин'.

3. Тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилишига монелик қилмайди. Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг бу маънода қўлланиши асосан «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да учрайди:

*Әсиз, әзгүләр өлсә, тупрақ болур,*
*Нәчә б о л с а т у п р а қ, көр, аты қалур* (ҚБ, 69-б).

'Афсуски, яхшилар ўлса, тупроқ бўлади, (лекин) ўзи тупроқ бўлса ҳам, уларнинг номи (тирик) қолади'.

*Йылан йарбуздын қачар, қанча б а р с а, йарбуз отру кәлир* (МҚ III, 46) — 'Илон доим ярбуздан қочади; [лекин] илон қаёққа қочмасин [қочса ҳам], ярбуз унинг қаршисидан чиқа беради'.

*Нәчә ким йашаб өз тирик й у р с ә-м ә н,*
*Өлүм болды āхир йаныш көрсә-мән* (ҚБ, 58-б).

'Қанча яшаб тирик турсам ҳам, бундай қарасам, охири ўлим келар экан'.

4. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли тилак-истак, илтимос каби маъноларни ҳам ифодалайди. Бу ҳолат асосан «Қутадғу билиг»да учрайди:

*Тиләгим бу ол, мән биләб о л с а, мән*
*Әлиг бир қилиб, мән т а п у ғ қ ы л с а-м ә н* (ҚБ, 140-б).

'Тилагим шуки, у мен билан бирга бўлса, мен у билан биргалашиб хизмат қилсам'.

*Саңар ызтым әрди қадашыңны мән.*
*Тиләгим бу әрди: маңа к ә л с ә-с ә н* (ҚБ, 141-б).

'Мен сенга қариндошингни юборган эдим. Тилагим шу эди [ки], сен менга келсанг'.

5. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли ўтган замон шарт феъли маъносида ҳам қўлланади. Бунда шарт-истак маъноси ифодаланади:

*Илтәрис қаған қ а з ғ а н м а с а р, уду бән өзүм қ а з ғ а н м а с а р, ил йәмә, будун йәмә йоқ әртәчи әрти* (Тон., 64 $_{54-55}$) — 'Элтарис хоқон ғайрат қилмаса эди, ундан кейин мен ўзим



www.ziyouz.com kutubxonasi

ғайрат қилмасам эди, эл (давлат) ҳам, халқ ҳам йўқ бўлган бўлар эди'.

*Мен иниліигу бунча баиілайу қ а з ғ а н м а с а р, турк будун өлтәчи әрти, йоқ болтачы әрти* (Моғ., $17_{33}$) — 'Мен шунчалик зўр бериб ғайрат қилмасам эди, турк халқи ўлган бўлар эди, йўқ бўлган бўлар эди'.

*Өтүг бирим өтәглагулук йыл ай өд қолу сақыш т о л с а р т у к ә с ә р, мунта әтөз қодуп, киши ашуныңта тогар әртимиз* (Олт. йор., $154_6$) — 'Жазони ўтайдиган ой, йил муддати тўлса, тугаса эди, биз вужудимизни бу ерда [ҳайвонлар дунёсида] қолдириб, кишилик оламида қайтадан туғилган бўлар эдик'.

*Азыб йугрур әрдим, айу бәрди йол,*
*Куйәр әрдим отқа, к у з ә з м ә с ә о л* (ҚБ, 20-*а*).

'Адашиб югурар эдим, у менга йўл кўрсатди; у мени асрамаса эди, ўтда куяр эдим'.

Келтирилган мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасидаги *қазғанмасар, толсар, тукәсәр, кузәзмәсә* феъллари ўтган замон шарт феъли ўрнида, яъни 'ғайрат қилмаса эди (ғайрат қилмасам эди)', 'тўлса эди', 'тугаса эди', 'асрамаса эди' маъносида қўлланган.

## Шарт феълининг аналитик формалари

**§ 21.** Шарт феълининг аналитик формалари *әр-* (эрмоқ) тўлиқсиз феъли ва *бол-* ёрдамчи феъли иштирокида ҳосил бўлади. Шарт феълининг аналитик формалари шарт феълининг замон маъноларини тўлдиради ва шарт маъноси билан боғлиқ бўлган турли оттенкаларни ифодалаш учун хизмат қилади.

Шуни уқдириб ўтиш керакки, шарт феълининг аналитик формалари «Қутадғу билиг»да кенг ривожланган бўлиб, қадимги уйғур тили ёдгорликларида кам қўлланган, ўрхун-енисей текстлари учун эса деярли характерли эмас.

### I

Шарт феълининг аналитик формалари *әр-* тўлиқсиз феъли ёрдамида икки хил усул билан ҳосил бўлади.

§ 22. Асосий феъл ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасида бўлиб, тўлиқсиз феъл ўтган замон феълининг *-ди* аффиксли формасида келади. Бунда тусланиш тўлиқсиз феълда бўлади (*-са/-сә+әрди*). М а с а л а н: *көрсә әрдиң* (ҚБ, 170-*б*), *көру бәрсә әрди* (ҚБ, 21-*б*).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарт феъли аналитик формаларининг бу тури «Қутадғу билиг»да бир неча мартагина қўлланган бўлиб, уни ўрхун-енисей текстларида ҳам, қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам, «Девону луғотит турк»да ҳам учратмадик.

Бу форма шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, ноаниқ (ирреал) ҳолатни ифодалайди, яъни эргаш гапдаги шартнинг амалга ошмаганлигини кўрсатади, бунинг натижасида бош гапдаги иш-ҳаракат ҳам юзага чиқмаган бўлади (инкор формасида аксинча). М и с о л л а р:

*Ачыб к ө р с ә ә р д и қ қара йәр қатын,*
*Нә өзрүм талу әр йатур ынчықын* (ҚБ, 170-б).

'Қаро ер тегини очиб кўрсанг эди, қанча-қанча сара ва етук кишилар инжириниб ётибди [кўрар эдинг]'.

*Битиб қ о з м а с а ә р д и билгә бөгү,*
*Бизиңә узақығ ким әрди тәгү* (ҚБ, 100-б).

'Илмлилар ёзиб қолдирмаса эди, бизга ўтмишни ким гапириб берган бўлар эди'.

Бу форма истак-тилак маъносини ҳам ифодалайди. Бунда у мустақил гапнинг кесими вазифасида келади. Мисол:

*Қ ы л у б ә р с ә ә р д и мәниң ишләрим,*
*К ө р ү б ә р с ә ә р д и ичим ташларым* (ҚБ, 21-б).

'У менинг ишларимни қила берса эди, ичим ва ташимдаги [мақсадларимни] тушуна берса эди'.

§ 23. *Әр-* тўлиқсиз феъли ёрдамида ҳосил бўлган шарт феъли аналитик формасининг иккинчи тури қуйидагича: асосий феъл аниқлик майлининг ўтган замон *(-ды, -мыш, -йуқ)*, ҳозирги-келаси замон *(-р, -ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир; -маз/-мәз/; -мас/-мәс)* ёки келаси замон *(-ғу)* формасида бўлиб, тўлиқсиз феъл ҳозирги-келаси замон шарт феъли *(әрсәр > әрсә)* формасида келади: *-ды + әрсә (р), -мыш + әрсә (р), -йуқ + әрсә (р), -р (-ар/әр, -ур/-үр, -ыр/-ир) + әрсә (р), -маз/-мәз (-мас/-мәс) + әрсә (р), -ғу + әрсә (р)*. Шахс-сон аффиксларининг қайси феълга қўшилиши бирикманинг характерига боғлиқ.

Шарт феъли аналитик формаларининг бу тури «Қутадғу билиг»да кенг қўлланган бўлиб, қадимги уйғур тили ёдгорликларида сийрак учрайди, ўрхун-енисей текстлари учун характерли эмас (булардан «Тонюқуқ» ёдгорлигидагина *кәлир әрсәр, кәлмәз әрсәр* тарзида қўлланишини учратдик).

§ 24. **-ды+әрсә(р) формаси.** Тусланиш асосий феълда бўлади; **Олт. йор.**— *игиттим әрсәр* ($175_{613}$), *өлүртдиң әрсәр*



www.ziyouz.com kutubxonasi

($156_{15}$); **Уйғ. II** — *әмгәтгүчи болтум әрсәр* (84), *сиз сөзләдим әрсәр* (76), *йоңақ қылтым әрсәр* (76), *билмәтин қылтым әрсәр* (87), *игидтим әрсәр* (76); **Уйғ. III** — *кәргәк болтуңузлар әрсәр* (69); **Хуаст.**— *сөзләдимиз әрсәр* ($217_{34}$), *тәгдиләр әрсәр* ($134_{12}$); **ПВ** — *бардылар әрсәр* ($134_{10}$); **ҚБ** — *көңүл бәрдим әрсә* (48-*б*), *агтың әрсә* (154-*б*), *билдиң әрсә* (184-*б*), *туттум әрсә* (141-*а*), *тургум әрсә* (60-*а*), *бардың әрсә* (148-*а*), *өлди әрсә* (61-*б*); **МК I** — *қылдың әрсә қылмагу* (104).

Бўлишсизлик аффикси *-ма/-мә* ҳам асосий феълга қўшилади: **Хуаст.**— *бармадымыз әрсәр* ($226_{187}$), *тәгмәди әрсәр* ($224_{161}$); **ҚБ** — *йорымады әрсә* (160-*а*).

*-ды* + *әрсә(р)* формасининг қўлланиши ва маънолари қуйидагича:

а) шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, ҳозирги-келаси замон шарт феъли маъносини ифодалайди, яъни бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши (ёки юзага чиқмаслиги) учун зарур бўлган реал шартни кўрсатади. М и с о л л а р:

*Көңүл сирри ачма сөзүң тәкмәгә,*
*Қалы а ч т ы ң ә р с ә, өзүң әмгәгә* (ҚБ, 154-*б*).

'Кўнглингдаги сирингни ҳаммага оча берма; агар очсанг, ўзингни қийнайди [азоблайсан]'.

*Бу бәгләр от ол, отқа барма йағуқ,*
*Қалы б а р д ы ң ә р с ә, күйүрмәк анук* (ҚБ, 29-*а*).

'Бу беклар ўтдир, ўтга яқин борма; агар [яқин] борсанг, куйишинг аниқ';

б) ўтган замон шарт феъли маъносида қўлланиб, эргаш гапдаги шартнинг амалга ошмаганлигини кўрсатади. М и с о л л а р:

*Йарым сув ичиб, қ о з т у м ә р с ә йарым,*
*Йарым қалғай әрди тириглик ләрим* (ҚБ, 217-*б*).

'Сувнинг ярмини ичиб, ярмини қолдирсам эди, ярим умрим қолган бўлар эди'.

*Бирөк аңар сизләр к ә р г ә к б о л т у ң у з л а р ә р с ә р. сизләрни илтгәй әрди* (Уйғ. III, 69) — 'Агар сизлар унга керак бўлсангизлар эди, у сизларни элтар эди'.

*Қалы б и л д и ң ә р с ә ичим. әй бөгә,*
*Бу кун сургәй әрдиң мәни мың сөкә* (ҚБ, 184-*б*).

'Агар ичимдагиларни билганингда эди, мени минг ҳақоратлар билан ҳайдаган бўлар эдинг';

в) тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқишига монелик қилмаган шартни билдиради. М и с о л л а р:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йа Кү тау, тынлыгларыг ө л ү р т д и ң әр с ә р, йәмә әмин йүрүндәкин түкәл қылғалы удуң* (Олт. йор., $156_{15}$) — 'Эй Ку-тау, сен жаниворларни ўлдирсанг ҳам [ўлдирган бўлсанг ҳам], уларни тирилтиришга имконият, чора топа олдинг'.

*Нәчә т у т т у м ә р с ә аны мән қатығ,*
*Ол анча тирәнди, иләтти татығ* (ҚБ, 141-*а*).

'Мен уни кўндиришга қанчалик ҳаракат қилсам ҳам, у шунча қаршилик кўрсатди, ҳаловатни олиб кетди;

г) пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш пайтини билдиради. Мисоллар:

*Қачан Бодиствиниң әтөзин бош бирмис йир оруңқа тәг-д и л ә р ә р с ә р,.. түстиләр, қамыстыләр* (Олт. йор., $178_{625}$) — 'Бадистви ўз танасини қурбон қилган ерга етганларида,.. йиқилдилар, қуладилар'.

*Қачан ол моғочлар Бидилхимқа т ә г д и л ә р ә р с әр, ол йултуз тәбрәмәдин шук турды* (ПВ, $134_{12}$) — 'Бу жолугарлар Бидилхим (шаҳрига) етганларида, у юлдуз қимирламай тек туриб қолди'.

*Йақын т ә г д и ә р с ә қадашқа барыб,*
*Атындын қузы түшти, тәгди йүриб* (ҚБ, 121-*б*).

'Қариндошининг [уйига] яқин борганида отидан тушди ва пиёда юриб борди';

д) *-ды + әрсә (р)* формаси ўтган замон маъносида келиб, шартнинг бажарилгани ёки унинг бажарилмаганлиги ҳақида тахмин қилинганини кўрсатади. Бундай ҳолларда *әрсә (р)* тўлиқсиз феъли *болса (р)* ёрдамчи феъли маъносида келган бўлиб, *-ды + әрсә (р)* формаси ўтган замон шарт модаллигини ташкил этади. Мисоллар:

*Й а в а қ ы л д ы ң ә р с ә кәчүрмиш күнүң,*
*Йава қилма әмди кәлигли түнүң* (ҚБ, 137-б).

'Кечган кунингни фойдасиз ўтказган бўлсанг, энди келадиган тунингни беҳуда ўтказма'.

*Қәнтү әтөзүмин и г и д т и м ә р с ә р, тилин азуқ йалған сав с ө з л ә д и м ә р с ә р,.. тсуйда йазуқда болайын* (Уйғ. II, 76) — 'Ҳаётимда гуноҳ қилган бўлсам, тилимдан ёлгон-яшиқ гаплар чиқарган бўлсам,.. пушаймон бўлайин, гуноҳкор бўлайин'.

*Ата ө л д и ә р с ә, оғул бар тириг,*
*Бирисин йитүрдүм, тутайы бириг* (ҚБ, 62-*а*).

'Ота ўлган бўлса, ўғил тирик; биридан айрилдим, [энди] бунисини тутайин'.



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 25. **-мыш + эрсә(р) формаси.** Бу форма айрим ёдгорликлардагина қўлланган бўлиб, III шахс бирлигида учрайди: **Уйғ. II** — *титмиш әрсәр* (43), *тоғмыш әрсәр* (45); **ҚБ** — *өлмиш әрсә* (204-*а*), *көрмиш әрсә* (217-*а*), *тозмыш әрсә* (102-*б*).

Бу форманинг қўлланиши ва маъноси қуйидагича:

а) ўтган замон шарт феъли маъносида қўлланиб, эргаш гапдаги шартнинг амалга ошмаганини кўрсатади. Масалан:

*Өзүң көрмиш әрсә бу түшни йатыб,*
*Йөругы ол әрди ким, айдың этиб* (ҚБ, 217-*а*).

'Бу тушни ўзинг [мендай касал ётиб] кўрсанг эди, унинг таъбири сен айтгандай бўлар эди';

б) тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун монелик қилмаган шартни билдиради. Масалан:

*Өз өзләк йарутса, бәриб өт ириг,*
*Көңүл өлмиш әрсә болур тиб тириг* (ҚБ, 204-*а*).

'Даврон ибрат-собоқ бериб, [йўлингни] ёритадиган бўлса, ўлган кўнгилларни ҳам тирилтиради, яъни кишини руҳлантириб юборади'.

в) *-мыш + әрсә(р)* формаси таркибидаги *әрсә(р)* тўлиқсиз феъли *болса(р)* ёрдамчи феъли маъносида келиб, ўтган замон шарт модаллиги ифодаланади. Мисоллар:

*Азу олартын адын қайу ажунларта тоғмыш әрсәр, йәмә инчип бу дарнының күчи күсүни узә ол йавыз йоллартын озмағы қутрулмағы болур* (Уйғ. II, 45) — 'Ёки булардан бошқа қандайдир дунёда туғилган бўлса, бу фирибгарликнинг кучи ва қудрати ёрдамида бу ёмон йўллардан халос бўла олади, қутула олади'.

*Өкүш нәң көрү, тозмыш әрсә көзи,*
*Йана қорқар әрсә байатқа өзи...* (ҚБ, 102-*б*).

'Кўп нарсаларни кўриб, кўзи тўйган бўлса ва ўзи худодан қўрқадиган бўлса...'.

§ 26. **-йуқ + эрсә(р) формаси.** Бу форма қадимги уйғур тили ёдгорликларидагина учрайди, чунки *-йуқ* аффиксли форманинг ўзи шу ёдгорликлар тили учунгина характерлидир.

Кузатилган қадимги уйғур тили ёдгорликларида бу форманинг қўлланишига қуйидаги бир мисолни учратдик:

*Йәмә өвкә көңүлум йөгәру болмайуқ әрсәр, бу көни кирту узә алты азығларым өңрәки-тәг... болзун* (Уйғ. III, 61) — 'Яна дарғазаб кўнглим овинмаган бўлса, бу ҳақиқат уза олти озиғим илгаригидек... бўлсин'.

§ 27. **-р (-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир) + эрсә(р) формаси.** Тусланиш тўлиқсиз феълда бўлади. Бу форма кўпинча III шахс



www.ziyouz.com kutubxonasi

бирлигида учрайди: Тон.— *кәлир әрсәр* ($63_{32}$); Уйг. II—*қалыр әрсәр* (79); Уйг. III — *билир әрсәр* (29), *йирчи болур әрсәрмән* (61); ҚБ — *тиләр әрсә-сән* (78-*а*), *тәгир әрсә-сән* (149-*а*), *сәвнур әрсә* (50-*б*), *сорар әрсә* (149-*а*).

Инкор маъноси -маз/-мәз (-мас/-мәс) + әрсә(р) формаси билан ифодаланади. Бу форма айрим ёдгорликлардагина қўлланган бўлиб, III шахс бирлигида учрайди: Тон.— *кәлмәз әрсәр* ($63_{32}$); ҚБ — *билмәз әрсә* (50-*б*), *бармас әрсә* (45-*а*), *бәрмәз әрсә* (50-*б*), *тутмаз әрсә* (45-*а*), *қолмаз әрсә* (128-*б*), *билмәс әрсә* (84-*б*).

*-р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир) + әрсә(р), -маз/-мәз (-мас/-мәс) + әрсә(р)* формаларининг қўлланиши ва маънолари қуйидагича:

а) ҳозирги-келаси замон шарт феъли маъносида қўлланиб, шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади ва бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши (ёки юзага чиқмаслиги) учун зарур бўлган реал шартни кўрсатади. Мисоллар:

*Кәлир әрсәр күәр үкүлүр, кәлмәз әрсәр тылыг сабыг алы олур* (Тон., $63_{32}$) — 'Келса, шуҳратли эрлар сони ортади; келмаса, кўз-қулоқ бўлиб ўтир'.

*Қайу ким тоғар әрсә, өлгү кәрәк,*
*Қайу нәң ағар әрсә, ингү кәрәк* (ҚБ, 45-*б*).

'Кимки туғилса, [охир] ўлиши керак; қайси нарса оғса, пастга тушиши керак'.

*Қалы бәрмәз әрсә, йәтилсә ажал,*
*Битилмиш болур бу ажалқа азал* (ҚБ, 50-*б*).

'Агар [сени қайтариб] бермаса, ажал келса, бу ажалнинг келиши олдиндан ёзилган бўлади'.

*Кәлир әрсә давлат кишигә күлә,*
*Тутуб бәкләгуси кичиглик билә* (ҚБ, 66-*б*).

'Кишига бахт кулиб келса, уни камтарлик билан маҳкам тутиши керак';

б) ўтган замон шарт феъли маъносида қўлланиб, эргаш гапдаги шартнинг бажарилмаганини кўрсатади. Мисоллар:

*Өлүмүг тызар әрсә дунйа нәңи,*
*Йулуб өлмәгәй әрди бәгләр бәги* (ҚБ, 49-*б*).

'Дунё нарсаси (бойлиги) ўлимни тўхтатиб қолса эди, беклар беги ўз бойлигини қурбон қилиб, [абадий] ўлмаган бўлар эди'.

*Кәлиб бармас әрсә бу давлат йана,*
*Түнәрмәгәй әрди йарумыш күн-ә* (ҚБ, 30-*б*).



www.ziyouz.com kutubxonasi

‘Давлат келиб, яна қайтиб кетмаса эди, ёриқ кун қоронғи бўлмас эди’.

*Нә йақшы нәң әрди бу бәглик иши,*
*Өлүм т у т м а с  ә р с ә, йүрисә киши* (ҚБ, 45-*а*).

‘Ўлим келмаса эди, киши [доим] тирик юрса эди, бу беклик қандай яхши иш бўлар эди’;

в) тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқишига монелик қилмаган шартни билдиради. М а с а л а н:

*Узун қылды әлкиң, йорық қылды сөз,*
*С ә в ә р-с ә в м ә з  ә р с ә  саңа ачты көз* (ҚБ, 208-*а*).

‘Қўлингни узун қилди, сўзингни ўткир қилди, Севса [ҳам], севмаса [ҳам], сенга боқди’;

г) пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш пайтини кўрсатади. М а с а л а н:

*Қачан сөз  с о р а р  ә р с ә  бәгләр саңа,*
*Узатма сөзүңни, әй әрсик тоңа* (ҚБ, 149-*а*).

‘Беклар сендан сўз сўраганда, сўзингни чўзма [жавобни қисқа қил], эй мард баҳодир’;

д) келаси замон маъносини ифодалаб, шарт модаллиги оттенкасига эга бўлади. Бунда *әрсә(р)* тўлиқсиз феъли *болса(р)* ёрдамчи феъли маъносида келган бўлади. М и с о л л а р:

*Көни с ө з л ә р  ә р с ә, тилиң тәбрәсү,*
*Сөзүң әгри әрсә, өзүң кәзләсү* (ҚБ, 43-*б*).

‘Тўғри гапирадиган бўлсанг, тилинг қимирласин; сўзинг тўғри бўлмаса, уни яширгин’.

*Кәңәш ол кишигә кәңәш, әй қадаш,*
*Ол әр  қ о л м а з  ә р с ә өз асғын, адаш* (ҚБ, 128-*б*).

‘Эй қариндошим, шундай киши билан кенгашгинки, у ўз фойдасини кўзламайдиган бўлсин’.

*Тириглик үчүн  ө к н ү р  ә р с ә өзүң,*
*Өкүн, тутшы йығла, қурытма көзүң* (ҚБ, 51-*а*).

‘Ҳаёт учун қайғурадиган бўлсанг, тинимсиз ўкин, йиғла, кўз ёшингни қуритма’.

**§ 28. -ғу + әрсә(р) формаси** қадимги уйғур тили ёдгорликларида ва «Қутадғу билиг»да қўлланган бўлиб, ўрхун-енисей текстлари учун характерли эмас, чунки бу текстларда *-ғу* аффиксли форманинг ўзи мавжуд эмас.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Гусланиш тўлиқсиз феълда бўлади: **ҚБ** — *алғу эрсәң* (162-*а*), *барғу эрсә* (117-*б*), *нәгү қылғу эрсә* (128-*б*); **Уйғ. II** — *қутрулғу эрсәр* (17, 19).

Бу форма келаси замон маъносини ифодалаб, шарт модаллиги оттенкасини беради. Бунда *эрсә(р)* тўлиқсиз феъли *болса(р)* ёрдамчи феъли маъносида келган бўлади. Мисоллар:

*Бу йиртинчү йир суwдақы тынлыглар бирөк бурхан көркин көрү қуртулғу эрсәр, хуаншы-ым пусар ол тынлығқа бурхан көркин көрткүтүр, номлайур, қуртғарур* (Уйғ. II, 17) — 'Агар бу дунёдаги, бу ўлкадаги жониворлар бурхон (пайғамбар) жамолини кўриб қутуладиган бўлса, хуанши пусар у жонирворларга бурхон жамолини кўрсатади, худо ҳукмини уларга тарғиб қилади, уларни қутқаради'.

*Буларда талусын айайын саңа*
*Киси алғу эрсәң, қулақ тут маңа* (ҚБ, 162-*а*).

'Мен сенга булардан энг сарасини айтайин: хотин оладиган бўлсанг, менга қулоқ сол'.

*Сән-өк бил нәгү қылғу эрсә, кәңәш,*
*Тиләмә мәниңдин бу ишкә кәңәш* (ҚБ, 128-*б*).

'Нима қилиш керак бўлса ўзинг бил, [ўзингга ўзинг] кенгаш, бу ишга мендан маслаҳат сўрама'.

Қадимги ёдгорликлар тилида *эр-* тўлиқсиз феъли ёрдамида ҳосил бўлган шарт феъли аналитик формаларининг қўлланиши ва маънолари мана шундай.

§ 29. Юқорида айтилганлардан кўринадики, *эр-* тўлиқсиз феъли ёрдамида ҳосиб бўлган шарт феълининг аналитик формалари айниқса «Қутадғу билиг»да кенг қўлланган бўлиб, шарт феълининг замон маъноларини тўлдиради, шу билан бирга, бу формалар таркибидаги *эрсә(р)* тўлиқсиз феълининг *болсар(р)* ёрдамчи феъли маъносида келгани ҳолда, шарт модаллигини ҳам ифодалайди.

*Болса(р)* маъносида *эрсә(р)* қўлланиши қадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлган. Бу ҳолат қуйидаги мисолда аниқ кўринади:

*Кәлир болса дунйā, көңул бамаса,*
*Барыр эрсә, ағрыб, қашын түгмәсә...* (ҚБ, 127-*а*).

'Бойлик келадиган бўлса, унга кўнгил боғламаса; бойлик кетадиган бўлса, куйиниб, хафа бўлмаса...'.

Бу байтда *кәлир болса* ва *барыр эрсә* бирикмаларининг бир хил вазифада келганлиги исбот талаб қилмайди.

*Эрсә(р)* феъли от ва от туркумига кирувчи сўзлар билан бирга келганида, унинг *болса(р)* маъносида ишлатилганлиги яна ҳам аниқроқ кўринади. Масалан:


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Кул тигин йо қ ә р сә р, қоп олтәчи әртигиз* (КТб, $33_{50}$) — 'Култегин йўқ бўлса [бўлмаса], барчангиз ўладиган эдингиз'.

*Ол әки киси б а р ә р с ә р, сини Табғачығ өлүртәчи* (Тон., $61_{10}$) — 'У икки киши бор бўлса, сени — Табғачни ўлдиради'.

*И л и к қ а н ә р с ә р, алтун алғай, Бирук отачы ә м ч и ә р с ә р, от йәм алғай* (ПВ, $135_{23-21}$) — 'У подшоҳ бўлса, олтин[ни] олади; агар эмчи (табиб) бўлса, дорилар[ни] олади'.

*Таварыңазлар б а р ә р с ә р, тәркин маңа кәлүрүңләр* (Уйғ. III, 12) — 'Нарсаларингиз бўлса, тездан менга келтиринглар'.

*Йазуқы б а р ә р с ә, қыйнағу тутуб,*
*Й о қ ә р с ә, мың әзгүн авытғу кәрәк* (ҚБ, 29-*а*).

'Гуноҳи бўлса, тутиб жазолаш керак; гуноҳи йўқ бўлса (бўлмаса), минг эзгулар билан овунтириш керак'.

*Нәчә м у н д у з ә р с ә, эш әзгү,*
*Нәчә ә г р и әр с ә, йол әзгү* (МК I, 426).

'Қанча аҳмоқ бўлса ҳам ҳамроҳ яхши; қанча эгри, қинғир-қийшиқ бўлса ҳам йўл яхши'.

§ **30**. Қадимги ёдгорликлар тилида, асосан «Қутадғу билиг»да, шарт феълининг аналитик формаларини ҳосил қилишда *әр-* тўлиқсиз феълининг такрорланиб келиши характерлидир. Бунда тўлиқсиз феълнинг биринчиси ўтган замон феълининг *-ди* аффиксли формасида (*әрдим, әрдиң, әрди* каби), иккинчиси шарт феъли формасида (*әрсәр*>*әрсә*) келади, асосий феъл *-р (-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)* формасида бўлади: *кәлир әрдим әрсә(р), кәлир әрдиң әрсә(р), кәлир әрди әрсә* каби. Мисоллар:

*Ө л ү р ә р д и ә р с ә қамуғ игләгән,*
*Киши қалмағай әрди розы йәгән* (ҚБ, 46-*а*).

'Барча касалланган ўлаберса, [дунёда] ризқи-рўз еган одам қолмас эди'.

*Өлүм й ү з қ ы л у р ә р д и ә р с ә көрүб,*
*Ағыр савчылар қалғай әрди туруб* (ҚБ, 49-*б*).

'Ўлим юз-хотир қилса эди, улуғ пайғамбарлар абадий ўлмай қолган бўлар эди'.

*О з ы р ә р д и ң ә р с ә, тур, ач әмди көз,*
*Әшитмәдиң әрсә, әшит мәндә сөз* (ҚБ, 9-*б*).

'Ухлаётган бўлсанг, тур, кўзингни оч энди; эшитмаган бўлсанг, сўзни мендан эшит'.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчи мисолда *өлүр ərdi ərsə* бирикмаси 'ўлса' (ҳозирги-келаси замон) маъносида, иккинчисида *йүз қылур ərdi ərsə* — 'юз-хотир қилса эди' (ўтган замон), учинчисида *азыр ərdiң ərsə* — 'ухлаётган бўлсанг' (шарт модаллиги) маъносида келган.

Қуйидаги мисолда шу типдаги бирикма яна бошқачароқ маънода келган:

*Ай а əдгүлəрим, тəңрилəрим, ким мəн ол өтдə йалаңуқларның йиртичулуг əт көз үзə айығ қылмышыг к ө р ү р б и л и р ə р т и м ə р с ə р* (Олт. йор., $155_8$) — 'Эй менинг яхшиларим, тангриларим, мен ким [бўлдим] ки, ўша вақтда кишилик оламида ёмон ҳаракатлар қилинганини ўз кўзим билан кўра олсам, била олсам'.

Қадимги ёдгорликлар тилида *əр-* тўлиқсиз феълининг бу хилда такрорланиб келиши асосий феъл ўрнида от ёки от группасига кирувчи сўзлар бўлганида ҳам характерлидир. Мисолларни қиёсланг:

*Илтəрис қаған қазғанмасар, й о қ ə р т и ə р с ə р, бəн өзүм, билгə Тоңуқуқ қазғанмасар, бəн й о қ ə р т и ə р с ə р, Қапаған қаган Түрк сир будун йиринтə бод, йəмə будун, йəмə киси, йəмə иди йоқ əртəчи əрти* (Тон., $64_{59-60}$) — 'Элтарас ҳоқон ғайрат қилмаса эди, у йўқ бўлса эди, мен ўзим — доно Тонюқуқ ғайрат қилмасам эди, мен йўқ бўлсам эди, Қапағаң ҳақон ва Турк сир ҳалқи ерида эл ҳам, халқ ҳам, одам ҳам, эга ҳам йўқ бўлар эди'.

*Ол төрүтə йығылмыш нəчə к и ш и л ə р ə р т и ə р с ə р, олар барча қорқуп бəлиңлəп, ырақ таштылар қачгылар* (Олт. йор., $154_5$) — 'Бу вазиятда тўпланган қанча одам бўлса, уларнинг барчаси қаттиқ қўрқиб, ташқарига қачдилар'.

*Пүтүн йиртинчүтəки нəчə алп қатыг қ а т ы г л а н ғ у ч ы л а р ə р д и ə р с ə р, уларда барча йалңуз-сəн* (Уйғ. III, 46) — 'Бутун дунёда қанча ботир паҳлавонлар бўлса, уларнинг ичида сен якка-ягонасан'.

*Тақы ма н ə г ү ə р д и ə р с ə сөзүм,*
*Қадашың тəгүргəй тилин, ай йүзүм* (ҚБ, 120-б).

'Яна қандай гапим бўлса, қариндошинг ўз тили билан етказади, эй ой юзлигим'.

## II

§ 31. Шарт феълининг аналитик формаси *бол-* ёрдамчи феъли иштирокида ҳам ҳосил бўлади. Бунда ёрдамчи феъл ҳозирги-келаси замон шарт феъли *(болсар>болса)* формасида бўлиб, *-р-(ар/-əр, -ур/-үр, -ыр/-ир)* формали феълга қўшилиб келади. Бу форма «Қутадғу билиг»да, бунда ҳам III шахс



www.ziyouz.com kutubxonasi

бирлигидагина қўлланган. М а с а л а н: *қалы атланур болса* (ҚБ, 96-*б*), *билир болса* (ҚБ, 104-*а*), *эзгү қылур болса* (ҚБ, 38-*б*).

Бу форма келаси замон шарт модаллиги маъносини ифодалайди. М и с о л л а р:

*Б у ш а р б о л с а бэглэр кэлиб өвгэси,*
*Йырақ турғыл анда, тэгүргэй йасы* (ҚБ, 33-*б*).

'Беклар ғазаби келиб, жаҳлланадиган бўлса, улардан йироқ тургин, бундан сенга зарар етади'.

*Йалавач б и л и р б о л с а эрдэм қамуғ,*
*Бэзүйүр бэги аты элдэ улуғ* (ҚБ, 98-*б*).

'Элчи барча санъат ва ҳунарларни биладиган бўлса, эл ичида бегининг номи улуғ бўлади, юқори бўлади'.

*Қалы а т л а н у р б о л с а бэглэр сүгэ,*
*Йа қушқа, чөгэнгэ, йа эл көргүгэ...* (ҚБ, 96-*б*).

'Агар беклар жангга, ё қуш овига, ё чавгонга, ё эл кўришга борадиган бўлса...'.

Қадимги ёдгорликлар тилида *бол-* феъли ёрдамида ўтган замон шарт модаллиги маъносининг ифодаланиши учрамайди. Юқорида айтилганидек, бундай ҳолларда, умуман шарт модаллигини ифодалашда *бол-* ёрдамчи феъли ўрнида *эр-* тўлиқсиз феълини ишлатиш қадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлган.

* *
*

§ 32. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасидаги феълга *бол-* ёрдамчи феъли қўшилиб, шарт маъноси мураккаблашади, модаллик оттенкасини олади. Бунда *бол-* феъли аниқлик майлининг ҳозирги-келаси замон ёки келаси замон формасида келади: *-са/-сэ + болур, -са/сэ + болмаз (болмас), -са/-сэ + болғай (болға).*

Бу типдаги бирикмалар ҳам қадимги ёдгорликлардан асосан «Қутадғу билиг»да учрайди.

*-са/-сэ + болур, -са/-сэ + болғай (болға)* бирикмалари асосий феълдан англашилган иш-ҳаракатни бажариш мумкинлигини кўрсатади: М и с о л л а р:

*Аңар өтрү бэглэр ы н а н с а б о л у р,*
*Тилэмиш тилэгин бэг андын булур* (ҚБ, 91-*а*).



www.ziyouz.com kutubxonasi

'Сўнг унга беклар ишонса бўлади, истаган тилагини бек ундан топади'.

*Бу йаңлығ кишига ы н а н с а б о л у р,*
*Кишилик тиләсә, аныңдын кәлүр* (ҚБ, 102-*а*).

'Бундай кишиларга ишонса бўлади, одамгарчилик истасанг, ундан топилади (ундан одамгарчилик келади)'.

*Бу йаңлығ булунса изишчи* башы,
*Аңар б ә р с ә б о л ғ а й изишчи иши* (ҚБ, 108-*а*).

'Бу сифатли идиш бошчиси топилса, унга идишчилик ишини берса бўлади'.

*Битигчи бу йаңлығ кәрәк, әй Илиг,*
*Ынанса аңар, б ә р с ә б о л ғ а әлиг* (ҚБ, 102-*а*).

'Эй Илик, саркотиб шундай бўлиши керак, унга ишонса ва иш топширса бўлади'.

*-са/-сә + болмаз (болмас)* бирикмаси асосий феълдан англашилган иш-ҳаракатни бажариш мумкин эмаслигини кўрсатади. М и с о л л а р:

*Изи қыз әрүр бу тириглик күни,*
*Йава ишкә и ш л ә т с ә б о л м а з аны* (ҚБ, 130-*б*).

'Бу тириклик кунлари ғоят қимматлидир, [шунинг учун] уни беҳуда ишлар билан ўтказиш ярамайди'.

*Түгәл б и л с ә б о л м а с қылықларыны,*
*Йәмә а л с а б о л м а с алықларыны* (ҚБ, 171-*б*).

'Унинг қилиқларини тугал билиб бўлмайди, яна ундан олинадиган нарсаларни тугал олиб бўлмайди'.

*Аның йүзинә тәтину б о қ с а б о л м а с* (МҚ II, 168) — 'Унинг юзига тик қараса бўлмайди (қараб бўлмайди)'.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## АНИҚЛИК МАЙЛИ

§ 33. Қадимги ёдгорликлар тилида аниқлик майлининг формалари ўтган замон, ҳозирги-келаси замон ва келаси замонни ташкил этади. Бу «замонларнинг» ҳар бири бир неча формага эга бўлиб, бу формалар қўлланишида ва маъно ифодалашида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

## ЎТГАН ЗАМОН

§ 34. Кузатилган ёдгорликлар тилида ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти, -дуқ/-дук//-туқ/-тук, -йуқ/-йук, -мыш/-миш* аффикслари билан ясалган формалари ишлатилган. Шу билан бирга, бу манбалар тилида ўтган замон феълининг *әр- (әмоқ)* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалган аналитик формалари ҳам кенг қўлланган.

### Ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси билан ясалган формаси

§ 35. Қадимги ёдгорликларда ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксининг жарангли [*-ды/-ди*] ёки жарангсиз [*-ты/-ти*] вариантда қўлланиши бу ёдгорликлар тили учун хос бўлган фонетик қонуниятлар билан боғлиқдир.

Ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксининг жарангли ёки жарангсиз вариантда қўлланиши бобида текширилган қадимги ёдгорликлар ўзаро фарқланадилар. Бу жиҳатдан уларни қуйидаги уч группага бўлиш мумкин: 1) ўрхун-енисей текстлари; 2) қадимги уйғур тили ёдгорликлари; 3) XI аср ёдгорликлари — «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк». Шу билан бирга, бу группаларнинг ҳар бири ўз ичида айрим фарқларга эга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Урхун-енисей текстларида ўтган замон феълини ясовчи *ды/-ди//-ты/-ти* аффиксининг жарангли ёки жарангсиз вариантда ишлатилиши қуйидагича.

Ўрхун текстларида, жумладан, «Култегин» ва «Тонюқуқ» ёдномаларида Л, Р, Н товушлари билан тугаган феълларга систематик равишда жарангсиз [*-ты/-ти*] варианти қўшилади:

**-л+ты/-л+ти** — *қалты, кәлти, өлти, қылты, болты, йаңылты, түзәлти, арылты, тәрилти;*

**-р + ты/-р + ти** — *урты, олурты, өлүрти, көрти, кәлүрти, тәгүрти, уртурты, сөкүрти, иғтурты, йүкүнтүрти, бәрти* (лекин *барды*);

**-н+ты/-н+ти** — *алқынты, қазғанты, сақынты, қылынты, қатланты, өтүнти, йүкүнти, боғузланты.*

Л, Р, Н дан бошқа ундошлар билан тугаган феълларга жарангли [*-ды/-ди*] вариантда қўшилади:

**-з + ды/-з + ди** — *бузды, удузды, алтызды* (лекин *бәдизти*);

**-к + ди** — *тикди, ичикди, сөкди* (лекин *төкти*);

**-ғ + ды/-г + ди** — *тәгди:*

**-й + ды/-й+ди** — *йайды;*

**-с + ды/-с + ди** — *басды, асды, қысды;*

**-т + ды/-т + ди** — *тутды, йорутды, оғрақлатды, қатды, улғартды, бититди, сүләтди;*

**-ч + ды/-ч + ди** — *ачды, санчды, қачды;*

**-ш + ды/-ш + ди** — *сүңүшди, сөзләшди, йоққышды.*

Унли билан тугаган феълларга ҳам жарангли [*-ды/-ди*] вариантда қўшилади: *Сүләди, сымады, битиди, анчулады, йорыды, кәлмәди, қалмады, олурмады, йүгүртмәди* каби.

Енисей текстларида[1] ҳам ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксининг жарангли ёки жарангсиз вариантда қўшилиши асосан юқоридагидек, яъни Л, Р, Н товушлари билан тугаган феълларга жарангсиз вариантда, қолган ҳолларда эса жарангли вариантда қўшилади. Масалан, **-ты/-ти** — *қалты, кәлти, идырты, көрти, йонты, бинти;* **-ды/-ди** — *табды, тоғды, төкди, әлтди, битиди, бөкләди, азыды, көрмәди* каби.

Лекин Енисей текстларида бу принцип баъзан бузилади: Л, Р, Н товушлари билан тугаган айрим феълларга жарангли [*-ды/-ди*] варианти ҳам қўшилади. Қиёсланг: *болды, қылды, өлди, өлүрди, кирди, бәрди, қазғанды, тәгзинди, адырынды.* Аксинча, жарангли [*-ды/-ди*] варианти ўрнида жарангсиз

---

[1] Бу ўринда С. Е. Маловнинг «Енисейская письменность тюрков» (М.—Л., 1952) китобида берилган текстлар назарда тутилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

[*-ты/-ти*] вариантининг қўшилиши ҳам учрайди: *қачты, кәтти, тикти, улғаты*[2].

Шуниси характерлики, енисей текстларида ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси Л, Р, Н товушлари билан тугаган феълларга жарангсиз [*-ты/-ти*] вариантда ҳам, жарангли [*-ды/-ди*] вариантда ҳам қўшила беради. Масалан: *адырылты — адырылды, өлти — өлди, өлүрти — өлүрди, әрти — әрди, қазғанты — қазғанды* каби. Ҳатто бир текстнинг ўзида *адырыл-* феълига бир марта жарангли вариантда, икки марта жарангсиз вариантда қўшилиши ҳам учрайди[3]. Енисей текстларида мавжуд бўлган бу ҳодисага проф. С. Е. Малов ҳам алоҳида аҳамият берган[4].

2. Уйгур ёзувида жарангли [д] ва жарангсиз [т] ундошлари бир хил белги билан ифодаланганлиги сабабли *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантда ишлатилиш ўринларини аниқлаш қийин. Шунинг учун ҳам бу масалада ноширлар ўртасида бирлик йўқ, баъзан бирноширнинг ўзида ҳам ҳар хиллик кузатилади.

3. XI аср ёдгорликлари «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарлари *-ды/-ди/-ты/-ти* аффиксининг жарангли ёки жарангсиз вариантда ишлатилиши бобида ўрхун-енисей текстларидан тубдан фарқланади.

«Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да ўтган замон феълининг бу аффикси жарангли ундошлар ва унлилар билан тугаган феълларга жарангли вариантда қўшилиб келади. Масалан:

**-б + ды/-б + ди** — *сабды,*
**-г + ди** — *тәгди, түгди;*
**-д + ды/-д + ди** — *абыдды;*
**-ж + ды/-ж + ди** — *чыжды, чөжди;*
**-з + ды/-з + ди** — *қазды, табузды, кәзди;*
**-й + ды/-й + ди** — *айды, уйды;*
**-л + ды/-л + ди** — *қалды, кәлди;*
**-м + ды/-м + ди** — *тамды, чөмди;*
**-н + ды/-н + ди** — *сынды, көнди;*
**-ң + ды/-ң + ди** — *әңди, өңди;*
**-ғ + ды** — *туғды, сағды;*
**-в̇ + ды/-в̇ + ди** — *қувды, сәвди;*

---

[2] С. Е. Маловнинг «Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии» (М.—Л., Изд-во АН СССР, 1959) китобида берилган текстларда ҳам шундай ҳоллар учрайди. Мисолларни солиштиринг: *болты* (16, 27, 35, 72-бетлар) — *болды* (75—76-бетлар), *әрти* (8, 9, 16-бетлар) — *әрди* (80—83-бетлар), *бартыг* (53-бет)—*бардыңыз* (45-бет), *сүләтим* (8, 45-бетлар) —*сүләдим* (16-бет), *тоқытдым* (9-бет)—*тоқыттым* (19-бет) каби

[3] Қаранг: С. Е. Малов, Енисейская письменность тюрков, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1952, стр. 80.

[4] Уша асар, 13-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**-а + ды/-ә + ди** — *алдады, үндәди;*
**-у + ды/-ү + ди** — *ағруды;*
**-ы + ды/-и + ди** — *андыды, әвдиди.*

Қ, Қ, П, Ч, Ш, Т, С каби жарангсиз ундошлари ва З ундоши билан тугаган феълларга жарангсиз [*-ты/-ти*] варианти қўшилиб келади. М а с а л а н:

**-к + ти** — *сокти, ичикти, төкти, тикти;*
**-қ + ты** — *қақты, қуқты, бақты, уқты;*
**-п + ты/-п + ти** — *тапты;*
**-с + ты/-с + ти** — *кәсти;*
**-т + ты/-т + ти** — *сатты, кәтти;*
**-ч + ты/-ч + ти** — *сачты, көчти, ачты, кәчти;*
**-ш + ты/-ш + ти** — *йарышты, кәчишти, түшти;*
**-з + ты/-з + ти** — *йазты, қозты, йәзди, изти.*

Шу билан бирга, ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксининг жарангсиз [*-ты/-ти*] вариантининг қўлланишида «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» ўртасида айрим фарқлар ҳам кузатилади. Чунончи, «Қутадғу билиг»-да жарангсиз ундош билан тугаган феълларга бу аффикснинг фақат жарангсиз варианти қўшилади: *бақты, чықты, төкти, тикти, қорқты, уқты, ачты, учты, кәчти, қучты, санчты, түшти, йарашти, төрүтти, бәзүтти* каби. «Девону луғотит турк»да эса бундай феълларга жарангли вариантда ҳам қўшилади (Т жарангсиз ундоши билан тугаган феъллар бундан мустасно).

Мисолларни солиштиринг:

**-к + ти/-к + ди** — *сөкти, чөкди, чәкди;*
**-қ + ты/-қ + ды** — *қоқты, қуқты, тақды, чақды;*
**-ч + ты/-ч + ды** — *сачты, қачды, кәчти, ичди;*
**-ш + ты/-ш + ды** — *қачышты, қочушды; тикишти, тәгишди* каби.

XI аср тилида ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксининг жарангсиз [*-ты/-ти*] вариантининг ишлатилиш ҳоллари ва бунинг сабаблари ҳақида Маҳмуд Қошғарий алоҳида уқдириб ўтган. У ёзади: «Нутқни ёқимли қилиш учун охири қаттиқ ҳарфлар билан тугаган ўзаклардан ясалган ўтган замон феъли қўшимчасидаги د — Д ни ت — Т га алмаштириш тўғрироқдир. П, Ч, Қ, Қ ҳарфлари қаттиқ ҳарфлардир. Булардан бошқа ҳарфларда ўтган замон феъли қўшимчасини د — Д билан ёзиш ҳам муносибдир»[5].

Яна: „Шуни билиш зарурки, феълнинг ўтган замон шакли ҳамма феълларда (феълларнинг ўзак ва негиз шакл-

---

[5] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961, 12-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларига) دی -*ды/-ди* қўшилиб ясалади, ҳеч ерда ўзгармайди. Ўтган замон феълини ясовчи د-Д ب-П, ت-Т, ج-Ч, ک-К каби тўртта қаттиқ ҳарфлар билан қўшилганда ت-Т га алмашади. Чунончи, تپتی *тэпти* — 'тепди' توتی *тутты*— 'олди', قچتی *қачты*— 'қочди'; چکتی *чөкти*—'чўкди' каби. Ўзидан сўнгги د-Д ни ت-Т га айлантиришда ق-Қ ҳам ک-К га ўхшайди. Чунончи بقتی مڠا ال *ол маңа бақты* каби. Бу د-Д ни ت-Т га алмаштириш, у ҳарфларнинг маҳражлари қаттиқ бўлгани учундир. Буларнинг асли د-Д дир. Юқоридаги ҳарфларга қўшилганда ت-Т равишда талаффуз қилиш яхшироқдир. Ҳар қандай феъл бобларида ва феъл турларида ҳам асос шудир".[6]

Маҳмуд Кошғарийнинг бу гапларида икки масалага эътибор бериш керак. М. Кошғарий, б и р и н ч и д а н, XI аср тилида ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси жарангсиз вариантининг ишлатилиши ва бунинг сабаблари ҳақида ганиради, и к к и н ч и д а н, бу аффикс таркибидаги ундош аслида жарангли [ د — Д] бўлиб, унинг жарангсизланиши товушлар мослашуви йўли билан юзага келган, деб кўрсатади.

Демак, XI аср тилида ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксининг жарангли [*-ды/-ди*] варианти жарангли ундош ва унли билан тугаган феълларга, жарангсиз [*-ты/-ти*] варианти жарангсиз ундош билан тугаган феълларга қўшилади. Лекин жарангли ذ—З ундоши билан тугаган феъллар бундан мустасно. Яъни «Қутадғу билиг»да ҳам, «Девону луғотит турк»да ҳам ذ — З жарангли ундоши билан тугаган феълларга (булар асосан бир бўғинли феъллардир) ўтган замон феъли аффиксининг жарангсиз [*-ты/-ти*] варианти қўшилади. М а с а л а н: ҚБ — *қуэты, йазты, ызты,* МК III — *ызты, бэзти, бузты, тозты, тызты, сузты, сызты, қазты, қозты, кэзти, кузти.*

„Девону луғотит турк" нинг III томида бу феъллар ذ-З билан ёзилгани ҳолда,[7] II томида бу хилдаги феъллар

---

[6] Ўша асар, 41—42-бетлар.
[7] Ўша асар, III том, 443—445-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

تَتّي *тытты*, سُتّي *сутты*, سِتّي *сытты*, قَتّي *қатты*, كَتّي *кәтти* шаклида ت - Т билан ёзилган[8]. Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, бу феълларнинг негизи аслида *тыт-*, *сут-*, *сыт-*, *кәт-*, *қат-* эмас, балки *тыз-*, *суз-*, *сыз-*, *кәз-*, *қаз-* шаклида бўлиб, буларга ўтган замон феълининг қўшимчаси *-ты/-ти* қўшилгач, феъл таркибидаги ذ - З ассимиляцияга учраб ت - Т га айланган (*тыз- ты* > *тыт-ты* каби).[9] „Қутадғу билиг" да бу хилдаги феъллар фақат ذ - З билан ёзилган.

§ 36. Ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси билан ясалган формаси қуйидаги шахс-сон қўшимчалари ёрдамида тусланади:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | -м | -мыз/-миз, -муз/-мүз |
| II шахс | -ң, -ғ/-г | -ңыз/-низ, -ңызлар/-ңизләр, -гиз |
| III шахс | | (-лар/-ләр) |

Феъл негизида (кўп бўғинли феълларнинг охирги бўғинида) лаблашган унли бўлганда, I ва II шахсларда *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси таркибидаги [ы/и] унлиси лаб гармонияси таъсирида лаблашган [у/ү] унлисига айланади. Лекин бу ҳолат қадимги ёдгорликларнинг барчасида бир хилда эмас. Бу жиҳатдан текширилган манбаларни қуйидагича 3 группага бўлиш мумкин: 1) қадимги уйғур тили ёдгорликлари; 2) XI аср ёдгорликлари — «Қутадғу билик» ва «Девону луғотит турк»; 3) ўрхун-енисей текстлари.

1. Қадимги уйғур тили ёдгорликларида *-ды/-ди/-ты/-ти* аффикси таркибидаги [ы/и] унлисининг [у/ү] унлисига айланиши I ва II шахс бирлик ва кўплигида кузатилади. Бу манбаларда лаб гармонияси ҳатто шахс-сон аффиксларига ҳам таъсир қилган. Масалан: Олт. йор.— *көртүм, болтум, үнтүм, йитүрдүм//йитүрдим, қолундуң* (лекин *олуртдың*), *кәлүртүмүз, кәлүртүңүзләр;* Хуаст.— *учтумуз, йонтумуз, өлүрдүмүз, болтумуз, йөкүнтүмүз, әксүттүмүз.*

[8] Ўша асар, II том, 337—342-бетлар.
[9] Ўша асар, ўша бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да лаб гармонияси I ва II шахсларнинг бирлик формаларидагина мавжуд. Бунда ҳам иккала асар ўртсида фарқ бор.

«Қутадғу билиг»да I ва II шахсларнинг бирлик формаларида лаб гармониясига систематик равишда риоя қилинган. Масалан: *болдум, болдуң, көрдүм, көрдүң, өтүндүм, өтүндүң* каби.

«Девону луғотит турк»да I ва II шахсларнинг бирлик формаларидаги лаб гармонияси кўпчилик ўринларда бузилади. Масалан: *көрдүм//көрдим, кәчүрдүм, қачурдум, узурдум, йўзурдым, қавуштым* каби.

Бу асарларнинг ҳар иккаласида ҳам I ва II шахсларнинг кўплик формаларида, айниқса I шахсда, лаб гармониясига риоя қилинмайди. Масалан: *учтымыз, түгдимиз, өкдимиз, бустымыз.*

Маҳмуд Қошғарийнинг кўрсатишича, XI аср тилида ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси таркибидаги унли 3 хил [ы/и], [у/ү], [а/ә] тарзида талаффуз қилинган. Бу ҳолат у даврдаги мавжуд бўлган туркий қабилаларнинг диалектал хусусиятлари билан боғлиқдир. У ёзади: «Турклар د — Д ҳарфини касрали қилиб بِرْدِمْ *бардым* дейдилар. Бу қоидага мувофиқдир. Ўғуз ва бошқалар د — Д ни фатҳали қилиб بَرْدَمْ *бардам* дейдилар. Бу қоидага тескаридир. Лекин аргулар د — Д ҳарфини ўтру (пеш) қилиб كَلْدُمْ، بَرْدُمْ *кәлдүм, бардум* дейдилар. Бу қоидадан узоқдир[10]».

3. Ўрхун-енисей текстларида [о/ө], [у/ү] унлилари, умуман, унлилар ёзувда кўпинча акс эттирилмайди. Шунинг учун бу манбаларда лаб гармониясининг *-ды/-ди/-ты/-ти* аффикси таркибидаги унлига қанчалик таъсир қилишини аниқлаш қийин.

Ўрхун-енисей текстларининг С. Е. Малов нашрларида, айрим ҳоллардан ташқари, лаб гармониясига риоя қилинмаган. Масалан: «Күлтегин» ёдномасида: *олуртым, өлтиг, уртым, кәлүртим, йаратуртым, сүңүшдимиз, сөкүртимиз, йүкүнтүртимиз, кәчүртиг, буздымыз. «Тонюқуқ»* ёдномасида: *кәлүртим, сөкдим, өлүртимиз, тутдымыз, йантуртымыз, болтым, бултым, көртүм, өтүнтүм, ағтуртум, сүңүсдимиз//сүңүсдүмиз.* Енисей текстларида: *болтым//болдым, йонтым, үкдим, түшүртиңиз, тоғдым, көртим, өлүртим//өлүрдим//өлүрдүм, болтым//болдым//болтум, өлтим//өлдим//өлтүм.*

---

[10] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, III том, 153-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги ёдгорликлар тилида *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси билан ясалган ўтган замон феълининг тусланишида шахс-сон қўшимчаларининг ишлатилиши қуйидагича:

**I шахс бирлик.** Бу форма текширилган ёдгорликлар тилида бир хилда *-м* қўшиш билан ясалади. **КТ** — *олуртым, тузэлтим, йорытдым, суләдим:* **ЕТ** — *адырылтым//адырылдым, өлтүм, болдым, үкдим;* **Олт. йор.**— *тапынтым, көртүм, үмадым, тәгдим;* **ҚБ** — *үқтүм, әшиттим, туғдум, кәлдим;* **МК** — *бошуттүм, әмләттим, үқтүрдум, әмләдим* каби.

**I шахс кўплик.** Ўрхун-енисей текстларида, «Қутадгу билиг» ва «Девону луғотит турк»да *-мыз/-миз* қўшилади. **КТ** — *алтымыз, өлүртимиз, буздымыз, сөзләшдимиз,* **ЕТ** — *адырылтымыз, бартымыз//бардымыз;* **МК** — *ақтымыз, түгдимиз, өкдимиз* каби.

Қадимги уйғур тили ёдгорликларида лаб гармонияси шахс-сон қўшимчасига ҳам таъсир этади. Мисолларни қиёсланг: *булматымыз, кәлүртүмүз, тордумуз,* **Хуаст.**— *ынантымыз, төктүмүз, қувладымыз, өлүрдүмүз* каби.

**II шахс бирлик.** Бу форма *-ң* ва *-ғ/-г* қўшимчалари ёрдамида ифодаланади. Бу қўшимчаларнинг ишлатилишида қадимги ёдгорликлар ўртасида фарқ мавжуд.

«Култегин» ёдномасида фақат *-ғ/-г* қўшимчаси ишлатилган: *бардығ, алқынтығ, йаңылтығ, кигүртиг* каби. Бошқа ёдгорликларда *-ң* қўшимчаси ишлатилган: **Тон.**— *ичикдиң,* **МЧур** — *йатдың, өлтиң:* **ЕТ** — *алмадың, қылмадың;* **Олт. йор.**— *өлүртдиң, өритдиң, қолундуң, титтиң;* **ҚБ** — *үқтүң бақтың, болдуң, көрдүң;* **МК** — *бардың, кәлдиң* каби.

**II шахс кўплик.** Бу форма *-ңыз/-ңиз, -ңызлар/-ңизләр, -гиз* қўшимчалари орттирилиши билан ифодаланади. II шахс кўплик формасини ишлатишда ҳам «Култегин» ёдномаси бошқа ёдгорликлардан фарқланади. Бунда *-гиз* қўшимчаси ишлатилган: *қалтачы әртигиз, өлтәчи әртигиз* каби.

Бошқа ёдгорликларда *-ңыз/-ңиз, -ңызлар/-ңизләр* қўшимчалари қўлланган: **Онг.**— *бардыңыз,* **ЕТ** — *адырылдыңыз, алп әрдиңиз, түшүртиңиз, кәлмәдиңиз, йоғладыңыз;* **Олт. йор.**— *кәлүртиңизләр;* **Христ.**— *киртиңизләр;* **МК** — *бардыңыз* каби.

**III шахс бирлик.** Махсус қўшимчага эга эмас.

**III шахс кўплик.** Бу форма *-лар/-ләр* аффиксини орттириш билан ифодаланади: **Олт. йор.**— *олүртылар, көртиләр, тоғдылар, тәгдиләр,* **Христ.**— *ачтылар, өтүндиләр, көрдиләр;* **ҚБ** — *сөкдиләр, өкдиләр;* **МК** — *ағрыштылар, қувушдылар.*

XI аср тилида ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси билан ясалган формасига қўшиладиган шахс-сон қўшимчалари ва уларнинг қўлланишидаги қабилалараро бўлган ўзгачаликлар ҳақида Маҳмуд Кошғарий ҳам тўхтаб ўтган. У ёзади: «Ўтган замон феълининг қўшимчаси دی *-ды/-ди*



www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзловчи, тингловчи, ўзга формаларда ҳар вақт шу равишда ی -ы/-и ликдир. بردم бардым да م — М ҳарфи иш-ҳаракат сўзловчи томонидан бажарилганини билдирувчи белгидир بردنك бардың даги نك — ң тингловчини, بردی барды даги ی -ы/-и ўзгани билдирувчи белги (қўшимча) дир.

Турклар ҳурматли кишиларга нисбатан, гарчи у киши ёлғиз бўлса ҳам بردنكز бардыңыз дейдилар. Ҳолбуки نكز -ңыз/-ңиз аслида кўпликни билдирувчи қўшимчадир. Ўғузлар буни фақат кўпликда қўллайдилар. بردنكز бардыңыз 'ҳаммангиз бордингиз' демакдир.

Бу ерда ўғузлар талаффузи қоидага мувофиқ бўлса ҳам, туркларникида ибораторолик, фасоҳат, катта-кичикни фарқ қилиш каби гўзаллик бордир. دی — -ды/-ди ҳамма ерда кўрсатганимиздек ی — -ы/и лик бўлади. Бу қоида ҳар бир феълда ва ҳар бир бўлимда ва ҳамма туркларда умумийдир[11].

Маҳмуд Кошғарийнинг бу сўзлари изоҳ талаб қилмайди.

Маҳмуд Кошғарий бошқа бир ўринда XI аср тилида бу феълнинг шахс-сон аффикслари билан тусланиши ҳақида гапирганда, арғуларнинг баъзилари II шахс бирлик формасини ясовчи *-м* ўрнида *-г/-г* ишлатишларини кўрсатган: „Сўзловчи бирлигида م *-м* билан تبندم *тапындым*, тингловчи бирлигида نك *—Н* билан تبندنك *тапындың*, ўзга бирлигида ی*—Ы/И* билан تبندی *танынды* шакли қўлланади. Баъзи арғулар тилида ك — *Г*, غ — *F* га айлантирилади. Чунончи, تبندغ *тапындуғ* — 'тапиндинг (сиғиндинг, бўйсундинг)', قجردغ انی سن *сэн аны қачурдуғ* — 'сен уни қочирдинг' каби. Бу қоида ҳамма феъллар учун умумийдир.

---

[11] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, 52—53-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ерда асос ل — Г (ݣ Н — Ш. Ш.) дир. ل — Г ўрнига غ — Ғ қўллаш тўғри эмас„.[12]

§ 37. **-ды/-ди//-ты/-ти аффиксли ўтган замон феълининг маъноси.** Бу форма қадимги ёдгорликлар тилида ҳам, ҳозирги туркий тиллардагидек, иш-ҳаракатнинг нутқ моментига қадар аниқ бўлиб ўтганлигини ифодалайди, буни сўзловчи ўзи кўрганини ёки бунда ўзи иштирок этганлигини билдиради. Масалан:

*Илгәру Шантуң йазықа тәги с у л ә д и м, талуйқа кичиг т ә г м ә д и м, биргәру Тоқуз әрсәнкә тәги с у л ә д и м, Түпүткә кичиик т ә г м ә д и м* (ҚТм, 27₃) — 'Илгари (Шарқ томонга), Шантунг текислигигача лашкар тортдим, денгизгача озгина етмадим, ўнгга (жануб томонга), «Тоққиз эрсан»гача лашкар тортдим, Тибетгача озгина етмадим'.

*Қаганқа Қырқыз будуны и ч и к д и, й у к у н т и, й а н т ы м ы з. Көгмән йысыҕ әбиру к ә л т и м и з. Қырқызда й а н т ы м ы з* (Тон., 63₂₈₋₂₉) — 'Қирғиз халқи хоқонга буйсунди, юкунди. Биз қайтдик. Кўгман ерини айланиб келдик. Қирғиздан қайтдик'.

*Ол өдүн ол ики тигитләр мунчулайу сөзләсү ачыҕлары кәлиб й и р и ң у т и л ә р, й ы ғ л а д ы л а р* (Олт. йор., 176₆₁₉) — 'У вақтда бу икки шоҳзода шундай сўзлашиб хафа бўлиб, зорландилар, йиғладилар'.

*Бу Айтолды а й д ы: әй Илик қуты,*
*Тапуғ бирлә х у ш б о л д ы қуллуқ аты* (ҚБ, 27-*а*).

'Бу Ойтўлди айтди: Эй бахтли Илик, хизмат қилиш билан қулнинг номи яхши бўлди'.

*Аның ишин к ә ч у р д у м,*
*Әшин йәмә қ а ч у р д у м,*
*Өлүм отын и ч у р д у м,*
*И ч т и болуб йүзи тәрин* (МҚ I, 82).

'Унинг ишини битирдим, ҳамроҳини ҳам қочирдим. Ўлим оғусини ичирдим, юзини буриштирган ҳолда ичди'.

*-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси билан ясалган ўтган замон феълининг юқоридаги маънода ишлатилгани ҳақида Маҳмуд Кошғарий ҳам уқдириб ўтган[13].

## Ўтган замон феълининг *-дуқ/-дук//-туқ/-тук* аффикси билан ясалган формаси

§ 38. Қадимги ёдгорликлар тилида *-дуқ/-дук//-туқ/-тук* аффиксининг жарангли [*-дуқ/-дук*] ёки жарангсиз [*-туқ/-тук*] ва-

[12] Ўша асар, II том, 194-бет.
[13] Ўша асар, II том, 63-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

риантда ишлатилиши шу аффиксни қабул қилган феълнинг характерига, шунингдек, қадимги ёдгорликлар тилининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Бу жиҳатдан у *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксига ўхшайди.

Унли билан тугаган феълларга систематик равишда жарангли варианти қўшилади: *қағанла-дуқ, илле-дук, қышла-дуқ* каби. Бўлишсиз формаси *-ма/-мә* аффикси ёрдамида ясалиб, бу ўринда ҳам жарангли варианти қўшилади: *қағанламадуқ, илләмәдук, қышламадуқ, көрмәдук* каби.

Ундош билан тугаган феълларга бу аффикснинг жарангли ёки жарангсиз вариантда қўшилишида текширилган ёдгорликлар ўртасида фарқ бор. Масалан, ўрхун текстларида Л, Р, Н сонорлари ва жарангли ундош билан тугаган феълларга жарангсиз вариантда қўшилади: *болтуқ, билтук, қонтуқ, өтүнтүк, олуртуқ, бәртук, удузтуқ* каби (лекин *бар-* ва *-тәг-* феълларига систематик равишда жарангли вариантда қўшилади: *бардуқ, тәгдук*). Жарангсиз ундош билан тугаган феълларга эса жарангли вариантда қўшилади: *учдуқ, санчдуқ, суңусдук, ичикдук* каби. «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг»да аксинча. Қиёсланг: **-дуқ/-дүк:** *болдуқ, билдүк, кәлдүк, қурдуқ, көрдүк, ағдуқ, йумдуқ, айдуқ, тәгдүк;* **-туқ/-түк:** *қачтуқ, ичтүк* каби.

Қадимги уйғур ёзувида [д] ва [т] ундошлари бир хил белги билан ифодаланганлиги сабабли қадимги уйғур тилига оид текстларда бу аффикснинг жарангли ва жарангсиз вариантларда ишлатилиш ўринларини аниқлаш қийин.

**§ 39. -дуқ/-дүк//-туқ/-түк аффиксли ўтган замон феъли формасининг маъноси:**

1. Иш-ҳаракатнинг бажарилганлигини (ёки бажарилмаганлигини) сўзловчи ўзи кўрганлигини ёки бунда ўзи иштирок этганлигини билдиради. Мазкур форма маъноси жиҳатидан ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффиксли формасига яқинлашади. Масалан:

*Букәгуккә йәтдим. Кичә йаруқ батыр әрикли суңусдим... Букәгукдә сәкиз оғуз тоқуз татар қ а л м а д у қ* (МЧур, $35_{13}$) — '[Уларни] Букагукда [қувиб] етдим. Кечқурун, кун ботар пайтда жанг бошладим... Букагукда саккиз ўғуз ва тўққиз татардан [биронтаси ҳам] қолмади'.

*Қанықа ис[иңә] әр кәлти, қарлуқ исиңә к ә л м ә д у к, тиди* (МЧур, $36_{24}$) — 'Хоқон ҳузурига ва унинг иттифоқига одамлар келишди, [лекин] унинг иттифоқига қарлуқлар келмади, деди'.

*Өзүң т а п л а м а д у қ бәрү кәлмәкиң,*
*Маңар тушмақың ҳам йүзүм көрмәкиң,*
(ҚБ, 141-б).


www.ziyouz.com kutubxonasi

'Бу ёққа келишингни, менга рўпара бўлишингни ва юзимни кўришингни сенинг ўзинг тиламадинг'.

*Отағқа өпкәләб, сүгә с ө з л ә м ә д у к* (МҚ II, 226) — 'Чодирдаги ҳамроҳларидан хафа бўлиб, аскарлар билан сўзлашмади'.

2. Сўзловчи иш-ҳаракатнинг бажарилганлигини (ёки бажарилмаганлигини) ўзи кўрмаган бўлиб, бу ҳақда бошқалардан эшитган маълумоти бўйича хабар беради. Бу жиҳатдан ўтган замон феълининг *-мыш/-миш* аффиксли формасига яқинлашади. *-дуқ/-дүк//-туқ/-түк* формали феълнинг бу маъноси асосан унинг *-мыш/-миш* формали феъл билан ёнма-ён қўлланганида кўринади. М а с а л а н:

*Йағы болып, итину й а р а т у н у у м а д у қ, йана ичикмис* (КТб, $29_{10}$) — '[Турк халқи Табғачга] душман бўлиб [ўз мустақиллиги учун] ҳеч нарса қила олмаган, яна унга бўйсунган'.

*Улуғ әб өртәнмиш, қатыңа тәги қ а л м а д у қ, бөкиңә тәги қ а л м а д у қ, тип* (ИБ, $81_{14}$) — 'Катта уй куйган, тегигача қолмаган, деворигача қолмаган, дейди'.

*Қазаш тәмиш қ а й м а д у қ, қазын тәмиш қаймыш* (МҚ III, 263) — 'Биродар деса, яқин деса, меҳрибонлик қилмаган, қайин дегандагина меҳрибонлик қилган'.

§ 40. *-дуқ/-дүк//-туқ/-түк* ёдгорликларда асосан III шахс бирлик маъносида қўлланган. «Онгин» ёдгорлигида I шахс бирлик ва кўплик маъносида ишлатилиши учрайди:

*...инимә оғлыма анча өтләдим, қалйурут Әлтәрәс қағанта а д ы р ы л м а д у қ, й а ң ы л м а д у қ, тәңри билгә қаганта адырылмалым азмалым тәйин, анча өтләдим* (Онг., $9_3$) — 'Иниларимга ва ўғилларимга шундай насиҳат қилдим: жаҳлланиб [ҳам] Элтарас хоқондан ажралмадик, [демак] янглишмадик. [Энди] тангридек улуғ Билга хоқондан [ҳам] ажрамайлик, йўлдан озмайлик,— шундай насиҳат қилдим'. *Әбкә т ә г д ү к ү м уруш қилиб* (Онг., $9_2$)— 'Уруш қилиб, уйга келдим'.

Биринчи мисолда *адырылмадуқ* (ажралмадик), *йаңылмадуқ* (янглишмадик) феъллари ҳеч қандай қўшимчасиз I шахс кўплик маъносида қўлланган. Бу феълларнинг I шахс кўплик маъносида келганлиги контекст мазмунидан аниқланади. Иккинчи мисолда эса *тәгдүкүм* (келдим, етдим) феъли I шахс бирлик маъносида келган бўлиб, шахс-сон маъноси эгалик аффикси ёрдамида ифодаланган.

§ 41. *-дуқ/-дүк//-туқ/-түк* аффиксли феълнинг қўлланиши, маъноси ҳақида Маҳмуд Кошғарий ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Яғмо, тухси, чигил, арғу, уйғур, то Чингача бўлган ҳамма қабилалар ўтган замон феълини

دى *-ды/-ди* қўшиб ясашда иттифоқдирлар. Чунончи بردى



www.ziyouz.com kutubxonasi

*барды* кабидир. Чунки бу феъл *бар*-буйругига دی *-ды/-ди* қўшиб ясалгандир. Ўғузлар ва қипчоқларнинг баъзилари — суворинлар ق — Қ, غ — Ғ ли сўзларда ва, умуман, қаттиқ сўзларда ی — *ы/и* ўрнига ق — Қ алмаштириб, دی - *ды* ўрнига دق -*дуқ*, ک — Г ли ва, умуман, ингичка талаффузли сўзларда دی -*ди* ўрнига دک -*дук* қўшадилар. Буларда бирлик ва кўплик (разрядка бизники — *Ш. Ш.*) (шахсларда ҳам — *Ш. Ш.*) бир шаклда фарқсиздир. Чунончи, улар ق — Қ ли сўзларда یا قردق *йа қурдуқ* — 'у ёй қурди' тарзида қўллайдилар. 'Мен ёй қурдим' ўрнида ҳам фарқсиз, бир хилда مَن یا قردق *мән йа қурдуқ* формасини қўллайдилар. بز یا قردق *биз йа қурдуқ* — 'биз ёй қурдик' каби. غ — Г ли сўзларга мисол: ال سوت سغدق *ол сут сағдуқ* — 'у сут соғди', الار تاغقا اغدق — *олар тағқа ағдуқ* 'улар тоққа чиқдилар'. Биринчи шахс учун ҳам шундай: بز اغدق *биз ағдуқ* — 'биз юқори чиқдик' Қаттиқ талаффузли сўзларда ҳам улар دی - *ды* ўрнида دق - *дуқ* қўллайдилар: ال انی اردق *ол аны урдуқ* — 'у уни урди', مَن منذا تردق *мән мунда турдуқ* — 'мен бу ерда турдим' каби. ک — К ли ёки юмшоқ талаффузли сўзларда улар دک - *дук* қўллайдилар. Чунончи, ال کلدک *ол кәлдук* 'у келди' بز کلدک *биз кәлдук* — 'биз келдик', الار اوکا کردک *олар әвгә кирдук* — 'улар уйга кирдилар' Майллик сўзларда ҳам шундай مَن انکر تقار بیردک *мән аңар тавар бәрдук* — 'мен унга мол бердим', مَن یرماق تیردک *мән йармақ тәрдук* — 'мен танга тўпладим'.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хулоса қилиб айтганда, уларда юқоридаги мисолларда кўрганингизча, бирлик билан кўплик орасида фарқ йўқдир.

Кўпчилик ўғузлар феълнинг ўтган замон сўзловчи шаклида بردم *бардым* феълидаги م —М ўрнидагина бирликда ҳам, кўпликда ҳам ق — Қ ёки ك —К ҳарфларини қўллайдилар. Қолган формаларда, яъни ўтган замон ўзга шаклида турклар билан бирлашадилар; بردى *барды* ўрнида بردق *бардуқ*, كلدى *кәлди* ўрнида كلدك *кәлдук* қўллаб бузмайдилар".[14]

Демак, Маҳмуд Кошғарий *-дуқ/-дук//-туқ/-тук* аффиксли ўтган замон феъли формасининг бирлик ва кўплик ҳамда ҳар учала шахс учун ҳеч қандай қўшимчасиз бир ҳилда қўлланиш хусусиятини кўрсатган (бу ҳақда юқорида гапирилди). Келтирилган мисоллардан маълум бўлишича, шахс-сон маънолари эга (субъект) вазифасида келган олмошлар орқали аниқланади (*мән турдуқ* — 'мен турдим', *биз турдуқ* — 'биз турдик', *сән турдуқ* — 'сен турдинг', *ол турдуқ* — 'у турди' каби). М. Кошғарий *-дуқ/-дук/-туқ/-тук* аффиксли форманинг қўлланишини ўғузлар ва қипчоқлар (суворинлар) тили билан чегаралайди. Бундан *-дуқ/-дук//-туқ/-тук* қўлланишида диалектал хусусиятга эга экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки бу форманинг қадимги ёдгорликларнинг деярли барчасида (ўрхун-енисей текстлари, қадимги уйғур тилига оид ёдгорликлар, «Қутадғу билиг» в. б.) мавжудлиги ва кенг қўлланганини бунинг аксини кўрсатади. Фикримизча, *-дуқ/-дук// -туқ/-тук* туркий тилларнинг қадимги даврларида кенг қўлланган ва грамматик маънолари ривожланган бўлиб, кейинчалик унинг маҳсулдорлиги айрим тиллардагина сақланиб қолган. Унинг ҳозирги ўғуз тилларида ва уларнинг тарихий ёдгорликларида қўлланиши, бошқа туркий тиллар учун характерли эмаслиги бу фикрни тасдиқлаши мумкин.

## Ўтган замон феълининг *-йуқ/-йук* аффикси билан ясалган формаси

§ 42. Ўтган замон феълининг *-йуқ/-йук* аффикси билан ясалган формаси қадимги уйғур тили ёдгорликларида қўлланган бўлиб, ўрхун-енисей текстларида ҳам, «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да ҳам учрамайди.

Бу форма шахс-сон аффиксларининг *-мән, -сән, -миз (биз), -сиз, ол* каби тўлиқ вариантлари ёрдамида тусланади.

[14] Ўша асар, II том, 64—66-бетлар.


www.ziyouz.com kutubxonasi

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | барйуқ-мән, кәлйүк-мән | барйуқ-биз, кәлйүк-биз |
| II шахс | барйуқ-сән, кәлйүк-сән | барйуқ-сиз, кәлйүк-сиз |
| III шахс | барйуқ ол, кәлйүк ол | |

Мисоллар: **Уйғ. II** — *барйуқ ол* ($25_{21}$), *йиртйүк ол* ($83_{27}$), **Уйғ. III** — *өнйүк-мән* ($8_3$),*оғрайуқ-мән* ($18_{10}$), *түшәйүк-мән* ($54_{15}$), *йәтйүк-мән* ($85_7$), *булйуқ-сән* ($31_8$), *оғрайуқ-сән* ($48_3$),*сақынйуқ-сән* ($48_5$), *байуқ-сән* ($83_2$), *қарыйуғ* (?)-*биз* ($55_{19}$), *оғрайуқ-сиз* ($48_{20}$), *кәлйүк ол* ($64_5$), *ғыр ғылатйуқ ол* ($55_{16}$); **ТТ. X** — *бәлгүрйүк-биз* ($34_{486}$), *олурйуқ ол* ($24_{336}$), *ыдйуқ ол* ($32_{483}$), *мәни алйуқ* (Юр., $203_{25}$).

**§ 43. -йуқ/-йүк аффиксли ўтган замон феъли формасининг маъноси.** Бу форма иш-ҳаракатнинг нутқ моментига қадар аниқ бўлиб ўтганлигини ифодалайди, иш-ҳаракатнинг бажарилганини сўзловчи ўзи кўрганини ёки бунда унинг ўзи иштирок этганини билдиради. Мисоллар:

*Ол оғурда бу мунтағ түл түшәйүк-мән* (Уйғ. III, $54_{15}$) — 'У вақтда мен шундай туш кўрдим'.

*Тынлығларығ орунчақ булйуқ-сән* (Уйғ. III, $31_9$) — 'Жониворларни ўрнида топдинг'.

*Мини ағыр улуғ әмгәклиг тилгән арасынта кәмишгәли оғрайуқ-сән* (Уйғ. III, $48_{20}$) — 'Мени оғир азоб ичида қолдиришга қасд қилдинг'.

*Мини йәмә саңа-оқ урунчақ ыдйуқ ол* (ТТ. X, $32_{483}$) — 'Мени ҳам гаров сифатида сенга юборди'.

*Оғулын титгәли саңа йақын кәлйүк ол* (Уйғ. III, $64_5$) — 'Ўғлини титиш (ўлдириш) учун сенга яқин келди'.

*Сәниң әвиңә кәлйүк ол* (ТТ, X $22_{277}$) — 'У сенинг уйингга келди'.

§ 44. *-йуқ/-йүк* аффиксининг генезиси ҳақида туркологик адабиётларда икки хил фикр айтилган. Қ. Мюллер бу аффиксни *-дуқ/-дүк* аффиксининг фонетик варианти сифатида изоҳлайди[15]. В. Банг *-дуқ/-дүк* ва *-йуқ/-йүк* аффиксларини бир-бирига алоқаси бўлмаган мустақил аффикслар, деб қарайди[16].

Қадимги ёдгорликларнинг тил фактлари Қ. Мюллер фикрининг ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади.

[15] F. W. K. Müller, Uigurica, II. Berlin, 1911, p. 91. Яна қаранг: В. М. Насилов, Древнеуйгурский язык, М., 1963, стр. 60; Д. М. Насилов, Структура времен индикатива в древнеуйгурском языке [по памятникам уйгурского письма], (Автореферат канд. дисс.,), М., 1963, стр. 8—9.

[16] W. Bang, A. von Gabain, Türkische Turfan-Texte, Berlin, 1930, p. 29.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, биринчидан, ўрхун-енисей текстларида, «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да *-дуқ/-дук* аффикси билан ясалган феъл формаси кенг қўлланган бўлиб, *-йуқ/-йук* аффикси билан ясалган форманинг ишлатилиши учрамайди. *-йуқ/-йук* аффикси билан ясалган феъл формаси кенг қўлланган қадимги уйғур тили ёдгорликларида эса *-дуқ/-дук* аффикси билан ясалган форманинг ишлатилиши жуда кам учрайди. Иккинчидан, туркологияда Д>Й ҳодисаси маълум. Учинчидан, *-дуқ/-дук* ва *-йуқ/-йук* аффикслари билан ясалган формаларнинг функциясида ва маъносида ҳам ўхшашлик бор.

Бу фактлар ҳам *-дуқ/-дук* ва *-йуқ/-йук* аффиксларининг бир-бирига боғлиқ эканлигини, тўғрироғи *-йуқ/-йук* аффиксининг *-дуқ/-дук* аффиксидан унинг фонетик варианти сифатида пайдо бўлганлигини, *-йуқ/-йук* аффиксининг диалектал хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

## Ўтган замон феълининг *-мыш/-миш* аффикси билан ясалган формаси

§ 45. Қадимги ёдгорликлар тилида ўтган замон феълининг *бармыш, кәлмиш* типидаги *-мыш/-миш* аффикси билан ясалган формаси кенг қўлланган.

Ўрхун-енисей текстларида ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида *-мыш/-миш* аффикси *-мыс/-мис* кўринишида ҳам ёзилган. Бу ёдгорликлар мазкур аффикснинг *-мыш/-миш* ёки *-мыс/-мис* вариантида ишлатилишида ўзаро фарқланадилар. Масалан, ўрхун-енисей ёдгорликларидан «Култегин» ёдномасида *-мыш/-миш,* Енисей текстларида асосан *-мыс/-мис,* «Тонюқуқ» ёдномасида эса *-мыс/-мис* вариантларидагина қўлланган.

Қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам шу ҳолатни кўрамиз. Масалан, «Ирқ битиг»да асосан *-мыш/-миш,* манихей ёдгорликларида (масалан, «Хуастуанифт») *-мыс/-мис,* «Олтун йоруқ»да эса ҳар иккала вариантда параллель қўлланган.

«Қутадғу билиг» ва «Девону луготит турк» асарларида фақат *-мыш/-миш* кўринишида учрайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўрхун-енисей текстларида ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида Ш ва С товушларининг алмашинуви фақат *-мыш/-миш* аффикси учунгина тааллуқли бўлмай, балки бу ёдгорликлар тилига хос умумий фонетик ҳодисадир. Масалан, «Култегин» ёдномасида *киши, укуш* каби сўзлар *киси, укус* шаклида ҳам ёзилган. «Тонюқуқ» ёдномасида эса *киши, табышған, қабышыр* каби сўзлар фақат *киси, табысған, қабысыр* шаклида ёзилган[17].

[17] Қаранг: С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, стр. 44, 70.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги ёдгорликлар тилида *-мыш/-миш* ўрнида *-мыс/-мис* қўлланиши, умуман, Ш ўрнида С ишлатилиш ҳодисаси, туркологик адабиётларда турлича изоҳланган. Бу масала бўйича бирон конкрет фикр айтиш учун махсус кузатиш талаб қилинади. Шунинг учун бу ўринда баъзи адабиётларни кўрсатиш билан чегараланамиз[18].

А. фон Габэн қадимги уйғур тилининг «Н» диалектида *-мыш/-миш* аффиксининг *-маш/-мәш* шаклида, шунингдек, айрим ҳолларда (охирги бўғинида лаблашган унли бўлган феъллар билан) *-муш/-мүш* шаклида ҳам қўлланишини айтади[19].

Ҳақиқатан ҳам қадимги уйғур тилининг «Н» диалектида сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффиксларда тор унлилар [Ы, И]-нинг кенг унлилар [А, Ә]га алмашинуви ҳодисаси мавжуд[20]. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, XI асрда кўпчилик туркий қабилалар ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди* аффиксини I шахс бирлик формасида *бардым* шаклида ёй билан талаффуз қилганлари ҳолда, ўгузлар ва бошқа айрим қабилалар фатҳа билан *бардам* шаклида, арғулар эса ўтру (пеш) билан *бардум* шаклида талаффуз қилганлар[21] (бу ҳақда ишимизнинг «Ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси билан ясалган формаси» бўлимида гапирилган).

Лекин А. фон Габэн *-мыш/-миш* аффиксининг *-маш/-мәш* ва *-муш/-мүш* кўринишида ишлатилишига мисоллар келтирмаган. Авторнинг кўрсатилган китобида келтирилган текстларда ҳам бу ҳодисани учратмадик.

*-мыш/-миш* аффикси билан ясалган феълнинг бўлишсиз формада, умуман, инкор маънода ишлатилиши қадимги уйғур тили ёдгорликларининг айримларида, «Қутадғу билиг»да саноқли ўринлардагина кузатилади. Мисоллар: *йәтмәмиш* (Ушп., 9) — 'у етмаган', *йасмысым йоқ* (Юр., $203_{27}$) — 'гуноҳ қилганим йўқ', *көрмишим йоқ* (ҚБ, 26-*а*) — 'кўрганим йўқ'. Ўрхун-енисей текстларида эса умуман учрамайди.

§ 46. -мыш/-миш аффиксли ўтган замон феъли формасининг маъноси. Бу форма ўтган замон ҳикоя маъносини ифодалайди, яъни сўзловчи иш-ҳаракатнинг бажарилишида ўзи иштирок этмаган ёки иш-ҳаракатнинг бажарилганини ўзи кўрмаган бўлиб, бу ҳақда бошқалардан эшитган маълумотига кўра хабар беради, ҳикоя қилади. Мисоллар:

*Ташра йорыйур, тийин, күэсидип, балықдақы тағықмыс, тагдақы инмис. тирилиб йәтмис эр болмыс* (КТб, $29_{12}$) — 'У [турк элидан] ташқари юрибди, деб хабар эшитиб,

---

[18] П. М. Мелиоранский, Памятник в честь Кюль-Тегина, СПб., 1899, стр. 39—40; С. Е. Малов, Кўрсатилган асар, 125—126-бетлар.
[19] A. von Gabain, Alttürkische Grammatik, Leipzig, 1950, § 219.
[20] Қаранг: В. М. Насилов, Древнеуйгурский язык, стр. 9.
[21] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, III том, 153-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳардагилар тоққа чиқибдилар, тоғдагилар шаҳарга тушибдилар, улар тўпланиб етмиш киши бўлибди'.

*Тоңуқуқ Өтүкән йәриг қ о н м ы с, тәйин, әсидип бәрийәки будун, қурыйақы, йырйақы, өңрәки будун кәлти* (Тон., $62_{17}$) — 'Тонюқуқ Ўтукан ерига қўнган (келган), деб эшитиб, жануб, ғарб, шимол ва шарқ томонлардаги халқлар келишди'.

*Анант-а! оңрә әртимис өдтә бу Чамбудивий улуста Маға-ради атлығ илик қан бар әрти,.. төрттин сыңар йир орунуғ и в м и ш, б а с м ы ш, үкүшкә а й а т м ы ш, а ғ ы р л а т м ы ш* (Олт. йор., $173_{607}$) — 'Эй Анант! Илгари, ўтган замонларда бу дунёда бир мамлакатда Мағаради деган илик хон бор эди,.. у бутун дунёнинг тўрт томонини ларзага келтирган, босиб олган. Кўпларга даҳшат солган, кўпларни ҳурматлаган'.

*Айур: ол қадашың көни с ө з л ә м и ш* (ҚБ, 176-б) — 'Айтади: у қариндошинг тўғри гапирибди'.

*Озиқы билгә анча а й м ы ш* (МК I, 115) — 'Ўтган донолар шундай деган'.

*-мыш/-миш* аффикси билан ясалган феъл формасининг ўтган замон ҳикоя маъносида қўлланиши ҳақида Маҳмуд Кошғарий ҳам уқдириб ўтган. У ёзади: «... مِشْ *-мыш/-миш* ўтган замон гумон (ҳикоя — Ш. Ш.) феълини ясайди:

اِوْكَا بَرْمِشْ *әвга бармыш* — 'уйга борган эмиш' (менинг эшитишимча), اُلْ مَنْكَا كَلْمِشْ *ол маңа кәлмиш* — 'у менга келган эмиш' (менинг эшитишимга қараганда) каби... بَرْدِي *барды*, كَلْدِي *кәлди* феъллари билан بَرْمِشْ *бармыш*, كَلْمِشْ *кәлмиш* феъллари ўртасидаги фарқ: бирида دِي *-ды/-ди* қўшимчаси ўтган замонда бўлган ишни сўзловчи ўз кўзи билан кўрганидан, аниқлигидан хабар беради. بَرْدِي *барды* деган сўзнинг маъноси: борганини ўзим кўрдим, боргани аниқ демакдир. مِشْ *-мыш/-миш* қўшимчаси ҳам иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бўлганини билдиради. Лекин бунда сўзловчининг ўзи кўрмагани, аниқ эмаслиги маъноси бор. اُلْ بَرْمِشْ *ол бармыш* — 'у борган эмиш', лекин унинг борга



www.ziyouz.com kutubxonasi

нини мен ўзим кўрмадим, كَلْمِشْ اُلْ *ол кәлмиш*— ‚у келган эмиш', лекин унинг келганини мен ўзим кўрмадим демакдир"[22].

§ 47. *-мыш/-миш* аффиксига (эгалик аффикси) *бар* ёки *йоқ* сўзи қўшилиб келиши ҳам мумкин. Лекин маънода ўзгариш бўлмайди. *-мыш/-миш* аффиксининг *бар, йоқ* сўзлари билан қўлланиши асосан «Қутадғу билиг»да учрайди:

*Тәлим көрмишим бар, тәгимсиз киши*
*Туруб әлгә йазды, кәсилди башы* (ҚБ, 94-*б*).

'Кўп кўрганман, кўрмаган киши(лар) эл олдида гуноҳ қилиб қўйган(лар) ва бош(лар)и кесилган'.

*Айур: көрмишим йоқ бу йаңлығ киши*
*Билиглик, уқушлуғ, будунда башы* (ҚБ, 26-*а*).

[Ҳожиб] айтади: бундай билимли, уқувчи ва халқда илғор кишини кўрмаганман'.

## Ўтган замон феълининг аналитик формалари

§ 48. Ўтган замон феълининг аналитик формалари *-эр* (эмоқ) тўлиқсиз феъли иштирокида ҳосил бўлади.

Қадимги ёдгорликлар тилида *әр-* тўлиқсиз феъли *әрди//әрти, әрмиш, әркән, әрүр, әргәй, әрмәз, әрсәр//әрсә, әрки, әринч* каби формаларда учрайди. Булардан *әрди//әрти* формаси ёрдамида ўтган замон феълининг турли аналитик формалари ҳосил бўлади. Тўлиқсиз феълнинг қолган формалари эса замон нуқтаи назаридан янги форма ясамайди, балки ўзи қўшилиб келган феълга турли модаллик маъноларини беради, холос.

*-ды/-ди (-ты/-ти), -мыш/-миш (-мыс/-мис), -р (-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир), -йур/-йүр, -маз/-мәз (-мас/-мәс), -дачы/-дәчи (-тачы/-тәчи), -ғай/-гәй (-ға/-гә), -ғу/-гү; -ған/-гән, -дуқ/-дүк (-туқ/-түк), -йуқ/-йүк, -п, -айын/-әйин, -сун/-сүн* каби аффикслар билан ясалган майл ва замон формаларига *әрди//әрти* қўшилиб, ўтган замон феълининг қуйидаги аналитик формалари ҳосил бўлади.

§ 49. **-ды/-ди (-ты/-ти) + эрди (эрти) формаси.** Бу форманинг тусланишида шахс-сон аффикслари асосий феълга қўшилади. Мисоллар: *сәвдүм әрди* (ҚБ, 31-*б*), *көртүм әрти* (Олт., йор., $179_{627}$), *тәрдиң әрди* (ҚБ, 49-*б*), *униттиң-му әрди* (ҚБ, 207-*а*), *көртиг әрти* (Олт. йор., $9_7$), *төрдүмүз әрти* (Олт. йор., $154_6$).

*-ды/-ди (-ты/-ти) + әрди (әрти)* формаси орқали ифодаланган иш-ҳаракат нутқ моменти билан бевосита чегарадош бўлмайди, балки нутқ моментига қадар шу иш-ҳаракатнинг

[22] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, 63-бет; Яна қаранг: Мазкур асар, II том, 62, 64, 196, 197-бетлар, III том, 330-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

натижаси сифатида яна бошқа бир воқеа юз берган бўлади. Кейингиси кўпинча ўтган замон феълининг *-ды/-ди (-ты/-ти)* ва *-мыш/-миш (-мыс/-мис)* аффикслари билан ясалган формалари орқали ифодаланади. Мисоллар:

*Байат бəрди əрди уқуш ҳам билиг,*

*Тузу əзгулугкə тəгурдум əлиг* (ҚБ, 127-б).

'Худо менга ақл ва билим берган эди, [бунинг натижасида] мен бутун яхшиликларга эришдим'.

*Узик бос битиг бирип, мини алды əрти. Йантуру сатқалы алмады əрти. Əмти сатар-мəн, тир əрмис* (Юр., $203_{33-34}$) — 'Озодлик гувоҳномасини бериб, у мени [хизматга] олган эди. Қайтадан сотгани олмаган эди. Энди эса сотаман, дер эмиш'.

*Əлиг, тил узун қылдым əрди өкуш,*
*Өлум кəлди, тутты, тиним қысды уш* (ҚБ, 46-б).

'Қўл ва тилимни ортиқча узун қилган эдим (яъни молу дунёга очкўзлик қилган эдим), шу замоноқ ўлим келди, вужудимни тутди, нафасимни қисди'.

*-ды/-ди* [*-ты/-ти*] + *əрди (əрти)* формаси сўроқ риторик гапнинг кесими вазифасида келиб, ишнинг ноўрин бўлганлигига ачиниш, афсусланиш каби маъноларни билдиради. Мисоллар:

*Нəлук тəрдим əрди бу алтун-кумуш,*
*Нəлук қылмадым мəн чығайқа улуш?!* (ҚБ, 47-а).

'Бу олтин-кумушларни (бойликни) нима учун тўплаган эдим, уларни нега камбағалларга улашмадим?!'.

*Нəлук тəрдиң əрди бу қалғу нəңиң,*
*Нəгугə уламадың артғу нəңиң?!* (ҚБ, 49-б).

'[Улганингдан кейин] қолиб кетадиган бу нарсаларингни нима учун тўплаган эдинг, ўзингдан ортадиган бойлигингни [бошқаларга] нега улашиб бермадинг?!'.

§ 50. **-мыш/-миш (-мыс/-мис) + əрди (əрти) формаси.** Бу форманинг тусланишида шахс-сон аффикслари ёрдамчи феълга қўшилади. Мисоллар: *төрутулмиш əрдиң* (ҚБ, 51-а), *сəвитмиш əрдиң* (Олт. йор., $177_{6-20}$), *тушурмиш əрдиңиз* (ЕТ, $95_{6}$), *кəлурмиш əрдилəр* (ПВ, $134_{17}$). Инкор маъноси *йоқ* сўзи ёрдамида ифодаланади: *тимиси йоқ əрди* (Юр., $203_{30}$).

Бу форма маъноси жиҳатдан *-ды/-ди (-ты/-ти) + əрди (əрти)* формасига ўхшайди. Масалан:

*Бизиң су аты туруқ, азуқы йоқ əрти, ... алп əр бизиңə тəгмиш əрти. Антағ өдкə өкунуп, Кул тигиниг аз əрин иртиру ытымыз* (КТб, $32_{39-40}$) — 'Бизнинг отларимиз ориқ эди,



www.ziyouz.com kutubxonasi

улар учун озуқа йоқ эди,.. [ботир] эрлар бизга бостириб келган эди. Шу вақтда хафа бўлиб, Култегинни озгина аскар билан уларга қарши юбордик'.

*Ол сабығ әсидип, қағаным: «Бән әбгәрү түсәйин», — тиди, «Қатун йоқ болмыс әрти, аны йоғлатайын», — тиди* (Тон., $63_{30-31}$) — 'Хоқоним бу гапни эшитиб: «Мен уйга борайин. Хотиним ўлган эди. Унинг маросимини ўтказайин»,— деди'.

*Ол ач барс йәмә әнүкләп, йити күн әртмиш әрти... уна҆қниа йатур әрти* (Олт. йор, $174_{609}$) — 'У оч йўлбарснинг болалаганига етти кун бўлган эди, .. мана шундай ётар эди'.

*Төрүтүлмиш әрдиң, төрүкли өлүр,*
*Төрүкли өлүр ол, төрүтгән қалур* (ҚБ, 51-*а*).

'Сен яратилган эдинг, яратилган ўлади; яратилган ўладию яратган қолади'.

Яна қаранг: *қуллығ болмыс әрти, күнлиг болмыс әрти* (КТб, $30_{21}$), *тәзмиш әрди* (Тон., $64_{43}$), *йоқ болу бармыс әрти* (Онг., $8_3$), *ташықмыш әрти* (Мог., $17_{32}$), *сәвитмиш әртиң* (Олт. йор., $177_{620}$).

**§ 51. -р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир) + әрди (әрти) формаси.** Шахс-сон аффикслари ёрдамчи феълга қўшилади. Мисоллар: *тиләр әрдим* (ҚБ, 122-*а*), *қорқур әрдим* (ҚБ, 183-*а*), *йүгрүр әрдим* (ҚБ, 20-а), *түтәр әрдим* (МК I, 380), *билир әрдиң* (ҚБ, 51-*а*), *олурур әртимиз* (Тон., $61_{7-8}$), *кәлир әртимиз* (Онг., $9_2$), *Сақынур әртимиз* (Монг., $45_4$), *тоғар әртимиз* (Олт. йор., $154_6$).

Бу форма қуйидаги ўринларда қўлланади:

а) ўтган замон давом феъли маъносида келади. Яъни маълум бир вақт ичида давом этиб турган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайди. Мисоллар:

*Чуғай қузын, қара қумуғ олурур әртимиз. Кәйик йийү, табусған йийү олурур әртимиз* (Тон,. $61_{7-8}$) — 'Биз Чуғайқуз ва Қоракўл ерларида яшар эдик. Кийик, товушқон [тутиб] еб яшар эдик'.

*Йағыда... қоп будун тәңин билир әрти* (ЕТ, $62_3$) — 'Жангда у барча халқларнинг кучини билар эди'.

*Әтөзләри алаңурып күчи көзүни үзүлүп, унақниа өлгәли йатур әрти* (Олт. йор., $174_{609}$) — 'Бутун вужуди яна ҳам ожизланиб, кучсиз бўлиб ётар эди'.

*Сийасат қылур әрди ҳиммат билә,*
*Бу ҳиммат йарашур сийасат билә* (ҚБ, 21-*а*).

'У ҳиммат билан сиёсат юритар эди, ҳимматнинг ярашиғи сиёсатдир'.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна қаранг: *қалур эрти* (Тон., $62_{19}$), *кирур эрти* (Онг., $9_4$), *турур эрди* (ПВ, $135_{51}$), *тилэр эрди* (ҚБ, 8-*а*, 8-*б*, 21-*б*, 127-*б*, 180-*б*), *йүрир эрди* (ҚБ, 23-*а*, 45-*б*), *тапнур эрди* (ҚБ, 47-*б*), *билир эрги* (Уйғ. III, $33_{30}$), *йаıур эрди* (Уйғ. III, $35_{23}$), *йитурур эрди* (Уйғ. III, $65_6$);

б) шарт эргаш гапли қўшма гапдаги бош гапнинг кесими вазифасида келиб, бажарилиши мумкин бўлган, лекин эргаш гапдаги ишнинг амалга ошмаганлиги туфайли юзага чиқмаган ҳаракат ёки ҳолатни билдиради: Мисоллар:

*Абаң қолсам, узу барыб,*
*Т у т у р  э р д и м  сусин тарыб* (МҚ I, 380).

'Агар истасам, орқасидан бориб, аскарларини тарқатиб, ўзини тутар эдим'.

*Өтүг бирим өтэглэгүлүк йыл ай өд қолу сақыш толсар түкэсэр, мунта этөз қодуп, киши ашунынта т о ғ а р  э р т и м и з* (Олт. йор., $154_6$) — 'Қарзни тўлайдиган ой ва йил тўлса, яъни қарзни тўлаш муддати келса, биз ўз жисмимизни бу ерда (яъни ҳайвонлар дунёсида) қолдириб, кишилар дунёсида қайтадан тугилган бўлардик'.

Келтирилган мисолларда эргаш гапнинг кесими шарт феълининг бўлишли формаси билан ифодаланган. Агар бундай ўринларда шарт феъли бўлишсиз формада келса, яна бошқачароқ маъно англашилади. Солиштиринг:

*Сатығчы йүримэди эрсэ кэзиб,*
*Көзүн ким к ө р ү р  э р д и йүнчү тизиб* (ҚБ, 160-*а*).

'Агар савдогар кезиб юрмаса, бу тизилган инжуларни ким кўз билан кўрар эди'.

**§ 52. -йур/-йүр + эрди (эрти) формаси.** Шахс-сон аффикслари ёрдамчи феълга қўшилади: *йорыйур эртиг* (КТм, $28_9$), *байур эртимиз* (Тон., $62_{27}$).

Бу форма ҳам ўтган замон давом феъли маъносида қўлланади. Мисоллар:

*Анта қалмышы йир сайу қоп туру өлү й о р ы й у р  э р т и г* (КТм, $28_9$) — 'У ерда қолганингиз дарбадар бўлиб, ўлар ҳолатда юрар эдингиз'.

*Ол суб қоды бардымыз, санағалы түсүртимиз, атығ ықа б а й у р  э р т и м и з. Күн йэмэ, түн йэмэ йэлү бардымыз* (Тон., $62_{27}$) — 'Ўша сувнинг оқими бўйлаб юрдик. [Аскарларнинг] ҳисобини олиш учун уларни отдан туширдик. Отларни дарахтларга боғлар эдик. Куну тун елиб юрдик'.

Яна қаранг: *йарлықайур эрти* (Уйғ. III, $80_{15}$), *қаврайур эрди* (Уйғ. III, $17_{16}$), *тийур эрти* (ПВ, $135_{55}$).

**§ 53. -маз/-мэз (-мас/-мэс) + эрди (эрти) формаси.** Шахс-сон аффикслари ёрдамчи феълга қўшилади: *билмэз эртим* (Олт. йор., $155_9$), *сақынмаз эрдим* (Уйғ. III, $48_{11}$), *эшитмэз-му эрдиң* (ҚБ, 29-*а*), *у н а м а с  эрдим* (МҚ I, 221).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу форма ўтган замон давом феълининг бўлишсиз формаси бўлиб, иш-ҳаракатнинг маълум давргача юзага чиқмай турганини билдиради. Мисоллар:

*Иниси эчисин билмэз эрти, оғлы қаңын билмэз эрти* (ҚТб, $30_{21}$)—'Инилари [ўз] акаларини билмас эди, ўғиллари [ўз] оталарини билмас эди'.

*Ол сабын эсидип, түн йэмэ удысықым кэлмэз эрти, олурсықым кэлмэз эрти* (Тон., $62_{22}$) — 'У гапни эшитиб, кечалари ҳам уйқим келмас эди, [кундузлари] ўтиргим келмас эди'.

*Эшитмэз-му эрдиң бөгүдин бу сөз,*

*Йақын болса бэгкэ, көзэзгү кэз өз* (ҚБ, 29-а).

'Донолардан эшитмас эдингмики, бекка қанча яқин бўлсанг, ўзингни ниҳоятда эҳтиёт тут'.

*Йэмэ нэң ол айығ қылынчнуң эмтықы-тэк йавлақ түшин утлысын билмэз эртим* (Олт. йор., $155_{9-8}$) — 'Ундай аҳмақона ҳаракатларнинг ҳозиргидек ёмон натижага олиб келишини, жазосини мутлақо билмас эдим'.

§ 54. **-дачы/-дэчи (-тачы/-тэчи) + эрди (эрти) формаси.** Тусланиш ёрдамчи феълда бўлади: *элтэчи эртигиз* (ҚТб, $33_{50}$), *қалтачы эртигиз* (ҚТб, $33_{49}$).

Бу форма шарт эргаш гапли қўшма гапдаги бош гапнинг кесими вазифасида келиб, амалга ошиши мумкин бўлган, лекин маълум сабабларга кўра юзага чиқмай қолган ишни билдиради. Мисоллар:

*Күл тигин йоқ эрсэр, қоп өлтэчи эртигиз!* (ҚТб, $33_{26}$) — 'Култегин бўлмаса, кўпингиз ўлган бўлардингиз'.

*Илтэрис қаған қазғанмасар, йоқ эрти эрсэр, бэн өзүм билгэ Тоңуқуқ, қазғанмасар, бэн йоқ эртим эрсэр, Қапаған қаған Түрк сир будун йиринтэ бод, йэмэ будун, йэмэ киши, йэмэ иди йоқ эртэчи эрти* (Тон., $64_{59-60}$) — 'Илтарис хон ғайрат қилмаса, у бўлмаса, мен ўзим-доно Тонюқуқ ғайрат қилмасам, мен бўлмасам, Қапаған хон ва турк сир ерида давлат ҳам, халқ ҳам, киши ҳам, бошлиқ ҳам бўлмас эди'.

*Мэн инилигү бунча башлайу қазғанмасар, түрк будун өлтэчи эрти, йоқ болтачы эрти* (Мог., $17_{33}$) — 'Мен ғайрат билан шунчалик ҳаракат қилмасам, турк халқи ўлган бўларди, йўқ бўлиб кетган бўларди'.

Бу форма ўрхун-енисей текстларида қўлланган бўлиб, уйғур ёдгорликларида ва «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк»да учрамади.

§ 55. **-ғай/-гэй (<-ға/-гэ)+эрди (эрти) формаси.** Тусланиш ёрдамчи феълда бўлади: *билгэй эрдиң* (ҚБ, 10-б), *уғай эрдиң* (Олт. йор., $155_{11}$).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу форма ҳам шарт эргаш гапли қўшма гапдаги бош гапнинг кесими вазифасида келиб, маълум сабабларга кўра юзага чиқмаган иш-ҳаракатни билдиради. Мисоллар:

*Өлүр әрди әрсә қамуғ игләгән,*
*Киши қ а л м а ғ а й ә р д и розы йәгән* (ҚБ, 46-*а*).

'Агар барча огриган ўлаберса эди, ризқи рўз ейдиган киши қолмаган бўлар эди'.

*Ажунда йоқ әрсә бу әзгү дуā,*

*Әсиз йәр қузы б а р ғ а ә р д и туға* (ҚБ, 209-*а*).

'Жаҳонда бу яхши дуолар бўлмаганда эди, ёмонлар туғилиши биланоқ ер қаърига кетган бўларди'.

*Өлүр әрсә игләб киши тәгмә иг,*
*Киши қ а л м а ғ а ә р д и бу йәрдә тириг* (ҚБ, 214-*б*).

'Кишилар ҳар қандай дард билан огриб ўлаберса, бу жаҳонда тирик одам қолмаган бўларди'.

*Битигиг түкәл бутун бититкүкә көзүш өриткәли усар-сән, бу әмгәкиңдин озғалы қ у т р у л ғ а л ы у ғ а й ә р д и ң* (Олт. йор., $166_{11}$) — 'Сен бу китобни тўлалигича кўчиртириб беришни софдиллик билан ваъда қилсанг, бу азобдан қутула олган бўлар эдинг'.

Яна қаранг: **ҚБ** — *қалғай әрди* (49-*б*, 217-*б*), *турғай әрди* (115-*б*, 127-*б*), *билгәй әрди* (84-*б*), *бәргәй әрди* (115-*б*), *тирилгәй-му әрди* (177-*б*), *күйгәй әрди* (107-*б*), *қалмағай әрди* (133-*б*), *өлмәгәй әрди* (46-*б*, 49-*б*), *бүткәй әрди* (100-*б*), *тәгкәй әрди* (115-*б*), *тәгмәгәй әрди* (115-*б*), *үнмәгәй әрди* (156-*б*).

Бу форма «Қатадғу билиг»да кенг қўллагани ҳолда, уйгур ёдгорликларида сийрак учрайди, ўрхун-енисей ёдномаларида эса учрамайди. Ўрхун-енисей ёдномаларида бу маънода *-дачы/-дәчи (-тачи/-тәчи) + әрди (әрти)* формаси қўлланганини кўрдик.

§ 56. **-ғу/-гү + әрди (әрти) формаси.** Шахс-сон аффикслари асосий феълга, баъзан ёрдамчи феълга қўшилади: *ызгум әрди* (ҚБ, 47-*а*), *әшитмәгүм әрди* (ҚБ, 140-*а*), *бармағу әрдиң* (ҚБ, 45-*б*).

Бу форма бажарилиши зарур бўлган, лекин амалга ошмаган иш-ҳаракатни кўрсатади. Мисоллар:

*Мәниң қылқымы айдым әрди саңа,*
*Көңүл б а м а г у ә р д и ң әмди маңа* (ҚБ, 45-*б*).

'Мен сенга ўзимнинг хулқимни айтган эдим, энди сен менга кўнгул боғламаслигинг керак эди'.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бурун ызғум әрди қамуғ әзгулуг,*
*Асығ қылғай әрди йарын бәлгулуг* (ҚБ, 47-*а*).

'Аввал фақат яхшилик қилишим керак эди, сўнг менга фойда қилган бўлар эди'.

*Әшитмәгум әрди аның сөзләрин,...*
*Әшиттим, көңулгә сығурдум аны* (ҚБ, 140-*а*).

'Унинг сўзларини эшитмаслигим керак эди,.. [лекин] уни эшитдим, кўнглимга жойладим'.

Бу форма ҳам асосан «Қутадғу билиг»да қўлланган бўлиб, ўрхун-енисей текстларида учрамайди.

§ 57. Ўтган замон феълининг *-ған/-гән + әрди (әрти), -дуқ/-дук (-туқ/-тук) + әрди (әрти), -йуқ/-йук + әрди (әрти), -п + әрди (әрти), -айын/-әйин + әрди (әрти), -сун/-сун + әрди (әрти)* каби аналитик формалари текширилган ёдгорликларда кам қўлланган бўлиб, бу ёдгорликларнинг айримларидагина учрайди. Шунинг учун қуйида бу формаларнинг ишлатилишига мисол келтириш билангина чегараланамиз:

*Әрди ашын татурган,*
*Йавлақ йағыг қачурған,*
*Оғрақ сусин қайтарған,*
*Басты өлум ахтару* (МҚ I, 471).

'У қўноқларга овқат берадиган, ёмон душманларни қочирадиган, Ўгроқ аскарини қайтарадиган эди, [афсус] ўлим уни ётқизди'.

*Нәң бу киши бәлгулуг утқурақ тушиңә тәгмишләрин ити көртукум йоқ әрти* (Олт. йор., $155_9$) — 'Мен бундай кишиларнинг ошкора ва табиий жазога дучор бўлганини мутлақо кўрмаган эдим'.

*Қараза тон кәдйук әрди* (Уйғ. III, $57_8$) — 'Қараза тўн кийган эди'. *Савлар сақынмайуқ-му әрдиң?* (Уйғ. III, $58_7$) —'Фикр ўйламаган эдингми?'. *Интин йоғуч әртйук әрди* (Уйғ. III, $88_3$) —'Гўристон ёнидан ўтган эди'.

*Көрмәйин әрти муны-тәг улуғ ачығ әмгәкиг* (Олт. йор., $179_{626}$) — 'Мен бундай оғир ва аччиқ азобни кўрмайин эди'.

*Амрақлартын адырылғулуқ әмгәк болмазун әрти* (Олт. йор., $174_{609}$)—'Яқин кишилардан айрилиш азоби бўлмасин эди'. *Йир йарылзун әрти, йиргә кирәйин әрти* (Радлов)—'Ер ёрилсин эди, мен ерга кирайин эди'.

*Кәрәк әрди билгә тирилсә қутун,*
*Қамуғ өлсун әрди билигсиз отун* (ҚБ, 61-*а*).



www.ziyouz.com kutubxonasi

'Доно доим бахтли бўлиб яшаши керак эди, барча билимсиз, пасткаш одамлар ўлсин эди'.

*Кэнту өзүм билмәтин йазмыш йаңылмыш айыг қылынчымны кэнту ө к у н у п ә р т и* (Олт. йор., $155_9$) — 'Ўзим билмасдан қилган гуноҳимга, янглишганимга, ёмон ҳаракатларимга мен ўзим пушаймон қилиб эдим'.

## ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН

§ 58. Қадимги ёдгорликлар тилида ҳозирги-келаси замон феъли *-р (-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир), -йур/-йүр, -галыр/-гәлир* аффикслари ёрдамида ясалган формалар билан ифодаланган. Бу феълнинг бўлишсиз формаси *-маз/-мәз (-мас/-мәс)* аффикси билан ясалади.

Кузатилган қадимги ёдгорликлар тилида ҳозирги замон маъносини ифодалаш учун махсус формалар бўлмаган, яъни ҳозирги туркий тиллардагидек, конкрет ҳозирги замон формалари мавжуд эмас. Бу манбаларда ҳозирги замон маъноси ҳам ҳозирги-келаси замон феъли формалари ёрдамида ифодаланган.

Қадимги уйгур тилига оид текстларнинг айримларида, шунингдек, «Девону луғатит турк»да ҳозирги замон маъносида *ала турур (алу турур)* типидаги форма ҳам қўлланган. Лекин кўрсатилган манбаларда бу форманинг қўлланиши бир неча мартагина учрайди. Шунинг учун ишимизда бу формага махсус бўлим ажратмадик ва қуйидаги мисолларни келтириш билангина чегаралandик:

*Ол йазы ичи йана бутүрү йалбармақ, агырынмақ, мүңрәмәк, ынчықламақта улаты әшиткәли умагулуқ үнләри үзә й а ң г у р а т у р у р* (Олт. йор., $156_{12}$) — 'Бутун дашт яна бирини иккинчисидан фарқлаб бўлмайдиган ёлбориш, бўкириш, мунграш, инқиллаш овозлари билан янграмоқда'.

*Анта-оқ қылычы ики өңи болуп йиркә түшти. Йана-өк й а л ы н а й у т у р у р* (ТТ, X, 26) — 'Шу ондаёқ қиличи икки бўлиниб ерга тушди. [Лекин] у яна ярқираб турибди'.

*Әтил сувы а қ а т у р у р,*
*Қайа түби қ а қ а т у р у р* (МК, I, 103).

'Этил суви оқмоқда, қояларга урилмоқда'.

### Ҳозирги-келаси замон феълининг *-р(-ар/-әр,-ур/-үр, -ыр/-ир)* аффикси билан ясалган формаси

§ 59. Унли билан тугаган феълларга бу аффикснинг таркибида унлиси бўлмаган *-р* варианти қўшилади. М а с а л а н: *башла-р, ишлә-р, оқы-р*. Лекин ўрхун-енисей текстларида ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

қадимги уйғур тили ёдгорликларида унли билан тугаган феъллардан ҳозирги-келаси замон феъли *-р* эмас, балки *-йур/ -йүр* қўшилиши билан ясалади. Масалан, *башла-йур, ишлә-йүр, оқы-йур.* «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»-да эса унли билан тугаган феълларга гоҳ *-р,* гоҳ *-йур/-йүр* аффикси қўшилади (ҳозирги-келаси замон феълининг *-йур/ -йүр* аффикси билан ясалишига қуйида алоҳида тўхталамиз).

Ундош билан тугаган феълларга бу аффикснинг таркибида унлиси бўлган *-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир* вариантлари қўшилади. Булардан *-ыр/-ир* шакли *ал-, бар-, бәр-, бил-, кәл-, өл-, қал-, қыл-* каби бир бўғинли феълларга қўшилади. Шу билан бирга, бу феълларга баъзи ўринларда *-ур/-үр* шакли қўшилиб келиш ҳоллари ҳам учрайди. *ай-, бәз-, бәр-, бол-, бул-, йат-, йәт-, кир-, көр-, син-, тур-, тоз-, тут-, түй-, ур-, үн-, қоз-, қол-* каби ундош билан тугаган бир бўғинли феълларга *-ур/-үр* шакли қўшилади. Ундош билан тугаган бир бўғинли феълларнинг кўпчилигига *-ар/-әр* шакли қўшилади: *уч-ар, ич-әр, үз-әр* каби. Ундош билан тугаган бирдан ортиқ бўғинли феълларнинг кўпчилигига *-ур/-үр* шакли, баъзиларига *-ар/-әр* шакли қўшилади: *тәлмүр-үр, йалбар-ур, өтүн-үр, бурқар-ур* каби.

Кўринадики, *-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир* шаклларининг қайси бири ишлатилишида қадимги ёдгорликлар тилида маълум қонуният бўлмаган. Масалан, «Қутадғу билиг»да *тәг-* феълига ҳар учала шаклда ҳам қўшила беради: *тәг-әр* (ҚБ, 115-*а,* 4), — *тәг-үр* (ҚБ, 21-*б,* 12) — *тәг-ир* (ҚБ, 22-*а,* 1).

**§ 60.** Ҳозирги-келаси замон феълининг *-р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)* аффикси билан ясалган формаси шахс-сон аффиксларининг *-мән, -сән, -миз (-биз), -сиз* типидаги тўлиқ формалари билан тусланади. III шахс бирлиги учун махсус қўшимча орттирилмайди, III шахс кўплиги учун *-лар/-ләр* қўшилади:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | барыр-мән, билир-мән | барыр-миз, билир-миз |
| II шахс | барыр -сән, билир-сән | барыр-сиз, билир-сиз |
| III шахс | барыр, билир | барырлар, билирләр |

Айрим ёдгорликларда бу феълнинг III шахс бирлиги учун *ол* олмоши қўшилади: *күнәшкә олурур ол* (ИБ, $84_{88}$).

«Қутадғу билиг»да I ва II шахсларнинг бирлик формасини ясовчи *-мән, -сән* аффикслари *-ма, -са* кўринишида ҳам ишлатилади. Мисоллар: **ҚБ** — *кәлир-ма, барыр-ма, йүрир-ма, кәзәр-ма* (32-*б*), *иләнүр-са* (49-*б*), *қалыр-са* (50-*а,* 170-*а*), *айтур-ма* (73-*б*), *йүрир-са* (206-*б*), *билир-са* (210-*а*), *алыр-ма*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(216-*б*), *барыр-са* (218-*б*), *кэлир-са* (211-*а*), *көрур-са* (221-*а*), *көрур-ма* (223-*а*).

Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, ҳозирги-келаси замон феълининг I шахс бирлик формасини ясашда ўғузлар бошқа турклардан фарқ қилганлар: «Ўғузлар келаси замон (?—*Ш.Ш.*) феълидаги ўзак таркибида ر —Р ҳарфини сақлаб, келаси замон феъли қўшимчаси бўлган бир ر —Р ҳарфини туширадилар. Масалан, مَنْ بَرَنْ *мэн баран*—'мен бораман', مَنْ تُرَنْ *мэн туран*—'мен тураман' каби.

Ўзак таркибида ر —Р ҳарфи бўлмаган тақдирдагина, келаси замон феъли қўшимчаси бўлган ر—Р ҳарфини сақлайдилар: مَنْ كَلِرَانْ *мэн кэлирэн*— 'мен келаман' каби.

Ўғузлар مَنْ كُلَرَنْ *мэн кулэрэн*—'мен куламан' дейдилар, чунки كُلْدِي *кулди* сўзида ر—Р ҳарфи йўқдир. Шунингдек, ўғузлар مَنْ بَرِيرْمَنْ *мэн барыр-мэн*—'мен бораман' гапидаги بَرِيرْمَنْ *барыр-мэн* феълидан охирги م —М ҳарфи ўрнига ا алиф қўйиб بَرِيرَنْ *барыран* қўллайдилар. Яна улар مَنْ يَاقُرَرْمَنْ *мэн йа қурар-мэн*—'мен ёй қураман' ўрнида مَنْ يَا قُرَنْ *мэн йа қуран* дейдилар. Турклар бу феълни икки ر —Р билан قُرَرْمَنْ *қурар-мэн* тарзида қўллайдилар. Биринчи ر —Р ўзак таркибида бор, иккинчиси келаси замон феъли қўшимчасидир. Бу усул қоидага мувофиқдир. Ўғузлар талаффузи қоида усулига мувофиқ эмас, лекин унда енгиллик бор». [23]

Демак, М. Кошғарийнинг айтишича, ўғузлар ҳозирги-келаси замон феълининг I шахс бирлик формасини ясашда, биринчидан, шахс-сон қўшимчаси *мэн* таркибидан [м] тову-

---

[23] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, 68-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шини тушириб, *кәлир-мән* феълини *кәлирән* тарзида талаффуз қилганлар, и к к и н ч и д а н, улар феъл ўзагида [р] товуши бўлган феълларда қулайлик учун замон қўшимчаси бўлган [р]ни ҳам тушириб, *барыр-мән* феълини *баран* тарзида талаффуз қилганлар. Лекин бу ҳодиса қадимги ёдгорликларда (ўрхун-енисей текстларида ҳам, қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам, «Қутадғу билиг»да ҳам) учрамайди.

**§ 61. -р (-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир) аффиксли ҳозирги-келаси замон феъли формасининг маъноси.** Бу форма ҳозирги замон, келаси замон, «умумзамон» каби маъноларни ифодалайди.

1. Ҳозирги замон маъносини ифодалайди. М и с о л л а р: *Йәлмә әри кәлти: йағы к ә л у р,— тәди* (МЧур, $35_{18}$) — 'Отлиқ аскардан хабарчи келди: душман келаётир,— деди'.

*Ай улуғ илик бәг, пушану йсрлықамазун: икки тигитләр су әсән т ә г и н у р,.. тип өтүнти* (Олт. йор., $178_{623}$) — 'Эй улуғ ҳукмдор бек, ғазабланмасинлар: икки шоҳзода эсон-омон [қайтиб] келяптилар, ... деб ёлбарди'.

*Илик айды: ким сән, нәгу ол атың,*
*Қайудын к ә л и р-с ә н, нәгу ол йатың?* (ҚБ, 26-*б*).

'Илик айтди: кимсан, исминг нимадир, қаердан келяпсан, қайси мамлакатдансан?'.

*Кәлди маңа тат,*
*Айдым әмди йат,*
*Қушқа болуб әт,*
*Сәни т и л ә р ас бөри* (МҚ I, 72).

'Менга бир тот келди; унга мен: ёт, қушларга ем бўл, қушлар, қуртлар сени кутаётирлар, дедим'.

Келтирилган мисолларда *кәлур, тәгинур, кәлир-сән, тиләр* феъллари нутқ моментида бўлиб турган иш-ҳаракатни билдиради. Бундай ҳолларда *-р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)* формали феъл иш-ҳаракатнинг нутқ моментида бўлаётганлигини билдириши билан бирга, унинг давомийлигини ҳам кўрсатиши мумкин. М а с а л а н:

*Нәгүгә у з а т у р-с а қылғу ишиң?*
*Узатма, ишиң қыл, кәчәр бу йашың* (ҚБ, 198-*а*).

'Қиладиган ишингни нега кечиктирасан? Кечиктирма, ишингни бажар, умринг ўтиб бормоқда!'.

*Үзик мәни қумытты*
*Сақынч маңа йумытты,*
*Көңлүм аңар әмитти,*
*Йүзүм мәниң с а р ғ а р у р* (МҚ I, 99).



www.ziyouz.com kutubxonasi

'Севиклимга бўлган шавқ ва муҳаббат мени ҳаяжонга солди. Қайғулар менга тўпланди. Кўнглим унга мойил бўлгани учун юзим сарғаймоқда'.

*Қ ә ч ә р уш мунуқы бу кунги кунум,*
*Булурму өзүм бу кәлигли түнүм?* (ҚБ, 204-*а*).

'Ҳозир умрим мана шундай ўтиб бормоқда, келадиган кечаларимни топа оламанми?'.

2. Келаси замонни ифодалайди:

*Бунқа ташын бәңкүн т и к ә р-б ә н йыти* (ЕТ, $95_6$) — 'Мангулик билан абадий (ёдгорлик) тошини қўяман'.

*Аң кичиги Мғаствu тигин тақы тапыиу тәгинмәз, тиләйү т ә г и н ү р л ә р* (Олт. йор., $178_{623}$) — 'Энг кичиги — Шоҳзода Мағаствu эса топилмаяпти, уни [ҳам] қидириб топиб келишади'.

*Қарағурма дунйāға сүқлүқ қылыб,*
*Қ а л ы р бу, б а р ы р-с а өкүнчүн өлиб* (ҚБ, 218-*б*).

'Дунёга суқлик қилиб кўз тикаберма, дунё қолади, сен эса ўкинч билан ўлиб кетасан!'

Бу форманинг келаси замон маъноси пайт билдирувчи сўзлар ёрдамида аниқлик, конкретлик тусини олади:

*Й ы л а н й ы л о н у н ч а й қ а Инөз Инәнчү Бәс балыққа б а р ы р-м ә н* (Монг., $52_{1-4}$) — 'Илон йилининг учинчи ойида Иноз Инанчуга, Бешбалиққа бораман'.

*Ә м т и мән сизләркә ө т ү н ү р-м ә н, й а л б а р у р-м ә н* (Олт. йор., $155_{10}$) — 'Энди мен сизларга ялинаман, ёлбораман'.

*Бу йорық башынти аз әмгәки бар, к и н йана ә д г ү б о л у р* (ИБ, $84_{89}$) — 'Бу йўлнинг бошида озгина қийинчилиги бор, кейин яна яхши бўлади'.

*Ил-Тәмиртин бир кури күнжит алтым. К ү з икки кури күнжит б ә р ү р-мән* (Юр., $208_{3-5}$) — 'Ил Темирдан бир кури кунжут олдим, кузда [унга] икки кури кунжут бераман'.

*Дуāда үнитмә мәни, әй қадаш,*
*Мәниңдин к ә з и н сән к ә л и р-с ә н улаш* (ҚБ, 221-*а*).

'Дуода мени унутма, эй қариндошим. Мендан кейин сен [ҳам] кетма-кет келасан'.

Контекстда *шәксиз, сизиксиз, āхир* каби модал сўзлар бўлганда, бу форма ифодалаган келаси замон маъноси қатъийлик оттенкасига эга бўлади:

*Бу күн мән барур-мән муну әрксизин,*
*Йарын сән к ә л и р-с ә н өзү ш ә к с и з и н* (ҚБ, 55-*а*).



www.ziyouz.com kutubxonasi

'Мана бугун мен ноилож кетаётирман, энди эрта-индин сен [ҳам] шубҳасиз келасан'.

*Б а р ы р-м ә н, муңар сән с и з и к тутмағыл,*
*Туғуғлы ким өлмәс тәсә, бүтмәгил* (ҚБ, 45-б).

'Мен ўламан, бунга сен шубҳа қилмагин, кимки туғилган ўлмайди деса, ишонмагин'.

*Қайу әзгү өкнүр, көр, әзгү үчүн,*
*Айықмыш әсиз ā х и р ө к н ү р күчүн* (ҚБ, 39-а).

'Қайси яхши яхшилик учун ўкинади, кўр, ёмонлик билан ном чиқарган ярамас одам охир оғир ўкинади'.

3. Ҳозирги-келаси замон феълининг *-р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)* аффиксли формаси «умум замон» маъносини билдиради. Бунда иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақти бирор грамматик замон билан боғлиқ бўлмайди, балки ҳаракат субъектнинг белгисига, одатдаги ва доимий машғулотига айланиб қолганлиги кўрсатилади:

*Титир буғра-мән, өрүң көпүкүмин с а ч а р-м ә н, үзә тәңрикә т ә г и р, асра йиркә к и р ү р, тир* (ИБ, $81_{30}$) — 'Мен татир туяман, [оғзимдан] оқ кўпик сочаман, юқорида осмонга тегади, пастда ерга киради, дейди'.

*Уқушлуғ у қ а р о л, билиглик б и л и р,*
*Билигли, уқуғлы тиләккә т ә г и р* (ҚБ, 12-а).

'Уқувли уқади, билимли билади. Билимли уқувли мақсадига етади'.

4. Ҳозирги-келаси замон феълининг *-р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)* аффиксли формаси баъзан шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, ҳозирги-келаси замон шарт феъли функциясини бажаради:

*Сәни ким а ғ ы р л а р, ағырла аны* (ҚБ, 148-б) — 'Сени ким ҳурмат қилса, сен [ҳам] уни ҳурмат қил'.

*Нәгү ишкә о ғ р ы л а р-м ә н, аныңдын бәру нәгү ма тимиси йоқ әрти* (Юр., $203_{29}$) — 'Қандай ишга киришсам [уни бажардим], бунинг учун менга ҳеч нарса дегани йўқ эди'.

Келтирилган мисолларда *ағырлар, огрылар-мән* феъллари 'ағырласа (ҳурмат қилса)', 'оғрыласам (киришсам)' мазмунида ишлатилган.

## Ҳозирги-келаси замон феълининг *-йур/-йүр* аффикси билан ясалган формаси

**§ 62.** Ҳозирги-келаси замон феълининг *-йур/-йүр* аффикси билан ясалган формаси кузатилган ёдгорликларнинг деярли ҳаммасида учрайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу нарса характерлики, *-йур/-йүр* аффикси фақат унли билан тугаган феълларга қўшилади. Масалан: *башла-йур, ишлә-йүр, оқы-йур, йоры-йур, тәни-йүр.*

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, *-йур/-йүр* аффикси унли билан тугаган феълларга қўшилиб, ҳозирги-келаси замон феълини ясовчи *-р* аффиксининг фонетик варианти, тўғрироғи, унинг қадимги кўринишидир (бу ҳақда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1963 йил 4-сонида эълон қилинган «-Йур/-йүр формаси ҳақида» номли мақоламизда батафсил тўхталганмиз).

Бу фикрни даставвал қуйидаги фактлар тасдиқлайди:

1) Ўрхун-енисей текстларида ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида унли билан тугаган феъллардан ҳозирги-келаси замон феълини ясашда асосан *-йур/-йүр* аффикси қўшилган. XI аср ёдгорликлари бўлмиш «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да эса унли билан тугаган феъллардан ҳозирги-келаси замон феълини ясашда баъзан *-йур/-йүр* аффикси қўшилса, баъзан *-р* аффикси қўшилади. Мисолларни қиёсланг: **ҚБ — -йўр/-йүр:** *тәнүрлә-йүр* (12-*а*), *тә-йүр* (27-*б*), *йара-йур* (27-*б*), *бәзү-йүр* (98-*б*), *йә-йүр* (156-*а*), *күчә-йүр* (188-*б*), *чогла-йур* (191-*б*); **-р:** *қыйна-р* (9-*б*), *йаңқула-р* (9-*б*), *башла-р, ишлә-р* (25-*б*), *тә-р* (60-*б*), *ойна-р* (9-*б*), *тиңлә-р* (109-*а*), *оқы-р* (145-*б*), *ағырла-р* (148-*б*), **МК — -йур/-йүр:** *кәркә-йүр, әмгә-йүр,* (I, 343), *үши-йүр* (II, 158), *йавра-йур, савры-йур* (III, 293); **-р:** *қайна-р* (I, 178), *әмлә-р, имлә-р* (I, 283), *бозла-р* (I, 142).

Мисолларни яна ҳам кўпайтириш мумкин эди, лекин бу ўринда шу нарсани таъкидлаш билан чегараланамизки, «Қутадғу билиг»да унли билан тугаган баъзи феълларга айрим ўринларда *-йур/-йүр* аффикси қўшилса, айрим ўринларда *-р* аффикси қўшилади. Масалан: ҚБ -- *тилә-йүр* (136-*а*) — *тилә-р* (20-*а*), *йүри-йүр//йүрү-йүр* (19-*а*, 103-*б*) — *йүри-р* (11-*б*, 15-*а*, 18-*а*, 19-*а*, 22-*а*, 60-*б*, 84-*б*, 99-*а*, 114-*б*, 116-*а*, 128-*а*), *сөзлә-йүр* (2-*б*, 16-*б*) — *сөзлә-р* (13-*б*, 43-*б*).

2) *-йур/-йүр* ва *-р* аффикслари билан ясалган формаларнинг маъносидаги ўхшашлик ҳам бу аффиксларнинг бир-бирига яқинлигини кўрсатади;

3) *-йур/-йүр* ва *-р* аффиксларининг бирлигини Маҳмуд Кошғарий ҳам қайд қилган. Маҳмуд Кошғарий унли билан тугаган *қақы-* феълини изоҳлаб шундай ёзади: „قَقَدِى *қақыды:* قَقَدِى اَنْدِنْ اُلْ *о.ı андын қақыды*— 'у ундан аччиқланди, қилган ишидан хафа бўлди, (قَقِيَاقْ ، قَقِيرْ *қақыр, қақымақ*). Бу сўз арғулар тилида قَقِيُورْ *қақыйур* шаклида



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлланади. Арғулар бу бобдаги ҳамма келаси замон феълларини ҳам (унли билан тугаган феъллар ҳақида гап боряпти —*Ш.Ш.*) ўтру билан сўзлашга зарурат бўлмагани ҳолда, ўтру қилиб сўзлайдилар. Бу қоидага мувофиқ эмас. Бу хусусият мазкур тилдаги камчиликдир".[24]

§ 63. Ҳозирги-келаси замон феълининг *-йур/-йүр* аффикси билан ясалган формаси шахс-сон аффиксларининг тўлиқ вариантлари билан тусланади:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | башлайур-мән | башлайур-миз |
| II шахс | башлайур-сән | башлайур-сиз |
| III шахс | башлайур | башлайурлар |

Мисоллар: **Уйғ. II** — *түшәйүр-мән* ($24_{27}$), *сөзләйүр-мән* ($36_{38}$; $58_4$), *тоқыйур-мән* ($61_{18}$), *байур-мән* ($69_{1-5}$), *сөзләйүрләр* ($8_{14}$); **Уйғ. III** — *өтләйүр-мән* ($14_{17}$), *оқыйур-мән* ($45_{18}$), *таплайур-сән* ($50_4$), *ыдалайур-сән* ($71_{26}$), *сөзләйүр-мән* ($83_{20}$), *ыдалайурлар* ($57_2$); **ИБ** — *маңылайур-мән* ($80_{1,6}$; $84_{79,87}$), *йийүр-мән* ($80_5$), *йорыйур-мән* ($81_{32}$), *көзләйүр-мән*, *йайлайур-мән* ($84_{99}$), *мүңрәйүр-мән* ($84_{93}$); **Олт. йор.** — *тиләйүр-мән* ($174_{610}$), *тәбрәйүр* ($177_{621}$); **Хуаст.** — *сөзләйүр-биз*, *исләйүр-биз* ($119_{138-139}$); **ТТ. Х.**—*сөзләйүр-мән* ($22_{278}$), *таплайур* ($22_{275}$); **Тиш.** — *түнәйүрләр* (25); **КТб** — *йорыйур* ($29_{12}$); **Тон.** — *йорыйур* ($61_{10}$); **ЕТ** — *йоқлайур* ($47_6$).

§ 64. Ҳозирги-келаси замон феълининг *-йур/-йүр* аффикси билан ясалган формаси қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Ҳозирги замон маъносини ифодалайди. Мисоллар: *Ташра й о р ы й у р, тәйин, ку әсидип балықдақы тағықмыс, тағдақы инмис* (ҚТб, $29_{12}$) — 'У [турк элидан] ташқарида юрибди, деб хабар эшитиб, шаҳардагилар тоққа чиқибди, тоғдагилар шаҳарга тушибдилар'.

*Нәгү әрки әмти тылтақы йағыз йәр мунчалайу т ә б р ә й ү р... толп өтөзум т и т р ә й ү р* (Олт. йор., $177_{622}$) — 'Нима бўлди экан? Қаро ер бундай қаттиқ тебраняпти, менинг бутун вужудим титраяпти'.

*Нә үчүн исид өзүңин ы д а л а й у р-с ә н?* (Уйғ. III, $71_{26}$) — 'Нима учун иссиқ жонингни парчалаб ташлаяпсан?'.

---

[24] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, III том, 285-бет,



www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Қеласи замон маъносини ифодалайди. Мисоллар:

*Бу мәниң сәвәр әмрақ әтөзүмин тидәр-мән* ы д а л а й у р - м ә н (Олт. йор., $176_{616}$) — 'Мен ўзимнинг бу севимли танамни титиб ташлайман'.

*Әвиңә барғалы* т а п л а й у р (ТТ, X, $22_{275}$) — 'Уйига боришга шошилади'.

*Тавар кимиң өкүлсә, бәглик аңар* к ә р к ә й ү р (МҚ I, 343) — 'Кимнинг моли кўпайса, у бошқалардан кўра давлатни идора қилиш ишига лойиқроқ бўлади'.

3. *-йур/-йүр* аффиксли форма «умумзамон» маъносида қўлланади. Мисоллар:

*Тәнси-мән. Йарын кәчә алтун өрдин үзә олурупан,* м ә ң и - л ә й ү р - м ә н (ИБ, $80_1$) — 'Мен Тансиман. Эртаю-кеч олтин тахтда ўтириб, хурсандчилик қиламан'.

*Йалавач билир болса әрдәм қамуғ,*
*Бәзүйүр бәги аты әлдә улуғ* (ҚБ, 98-б).

'Элчи барча ҳунарларни биладиган бўлса, унинг бегининг номи эл ўртасида улуғ бўлади, юқорилашади'.

*Қыш йайғару сүвләнүр,*
*Әр әт мәнин* й а в р у й у р,
*Игләр йәмә* с а в р ы й у р,
*Әт йин тақы бәкришүр* (МҚ III, 294).

'Ёз билан қиш тортишуви (мунозарасини) тасвирлаб шундай дейди: одамлар ва моллар менда пишади, мустаҳкамланади. Қасаллар қишда озаяди. Одамларнинг баданлари ҳам, гўштлари ҳам қишда мустаҳкамланиб, кучга тўлади'.

«Ирқ битиг»да бир ўринда *-йур/-йүр* аффиксли ҳозирги-келаси замон феълига *турур* ҳолат феъли қўшилиб келиши учрайди. Лекин бунда маънода ўзгариш сезилмайди. Қиёсланг: *Йарғун киййк-мән, йайлығ тағыма ағыпан* й а й л а й у р т у - р у р м ә н (ИБ, $84_{96}$) — 'Мен ёрғун кийикман, яйлов тоғимга кўтарилиб, ўша ерда ёзни ўтказаман'.

## Ҳозирги-келаси замон феълининг *-ғалыр/-гәлир* аффикси билан ясалган формаси

§ 65. Ҳозирги-келаси замон феълининг *-ғалыр/-гәлир* аффикси билан ясалган формаси «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида қўлланган. Урхун-енисей текстларида бу форма учрамайди.

Бу аффикснинг *-ғалыр* варианти қаттиқ ўзакли феълларга, *-гәлир* варианти юмшоқ ўзакли феълларга қўшилади: *бар-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ғалыр, кәл-гәлир* каби. Ғ билан тугаган феълларга *-қалыр* шаклида қўшилади: *аг-қалыр* каби.

Кузатилган ёдгорликларда бу форма ҳар учала шахснинг бирлигида учрайди. I ва II шахс бирлиги *-мән, -сән* аффикслари билан ясалади, III шахс бирлиги учун қўшимча орттирилмайди. Масалан: *барғалыр-мән* (МҚ II, 70), *турғалырмән* (МҚ II, 71), *киргәлир-сән* (Уйғ. IV), *қалғалыр* (ҚБ, 45-*а*), *кәлгәлир* (ҚБ, 45-*а*).

§ 66. Ҳозирги-келаси замон феълининг *-ғалыр/-гәлир* аффиксли формаси қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Яқин келаси замон маъносини билдиради, яъни иш-ҳаракатнинг бажарилиши олдида тургани кўрсатилади:

*Сәвинч, арзу-нэъмат, төрү қалғалыр,*
*Сақынч, қазғу, мәҳнат миңа кәлгәлир* (ҚБ, 45-*а*).

'Севинч, орзу-неъмат ва адолат навбати ўтиб бораётир, [энди] менга алам, қайғу ва машаққат навбати келаётир'.

*Айур: әй қадашым, йолум көнгәлир*
*Өлүм тутғақы тутты, өз барғалыр* (ҚБ, 214-*а*).

'Айтади: эй қариндошим, менинг йўлим тўғриланаётир, яъни умрим тугамоқда, мени ўлим талвасаси тутди, ўзлигим кетаётир'..

2. Субъектнинг иш-ҳаракатни бажаришга истаги, мақсади билдирилади. Бунда ҳам яқин келаси замон маъноси англашилади:

*Тозгурмады ытымны,*
*Турғурғалыр атымны* (МҚ II, 205).

'Итимни тўйдирмади, [бунинг устига] отимни ҳам оздирмоқчи'.

*Атғалыр оқны узиқ,*
*Тәгмәди бу сав ушақ* (МҚ II, 27).

'Бу бўҳтон гаплар етмасмидики, [бунинг устига] менга ўқ отмоқчи'.

3. «Умумзамон» маъносини ифодалайди:

*Көңли күйүб, қаны қурыб, ағзы ачыб қатғурар,*
*Сызғурғалыр үзикләр әсиз йүзи бурқарар*
(МҚ II, 218).

'Дили куйиб, қони қуриб, оғзини очиб, қаҳ-қаҳ уриб кула беради, ишқ-муҳаббат уни эрита беради, унинг эсиз юзи сарғая беради'.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Айа кәң йорыұлығ будун өгтәми,*
*Өлум б у з ғ а л ы р, көр, тиригликтамы* (ҚБ, 221-*а*).

'Эй кенг даргоҳли, кишиларнинг ўктами, билгин, ўлим тириклик томини бузади'.

4. Контекстда *сизиксиз* (шубҳасиз) каби пайт билдирувчи сўзлар бўлганда, *-ғалыр*/*-гәлир* аффиксли форма иш-ҳаракатнинг бажарилиши аниқ ва шубҳасиз эканлигини билдириб, қатъий келаси замон маъносини ифодалайди:

*С и з и к с и з өлум бир кун ахир кәлир,*
*Тирилмиш бу жаңлыг җаньн а л ғ а л ы р* (ҚБ, 58-*б*).

'Ўлим охир бир кун келади, яшаб турган бу жонларнинг жонини шубҳасиз олади'.

Ҳозирги-келаси замон феълининг *-ғалыр*/*-гәлир* аффиксли формаси ҳақида «Девону луғотит турк»да маълумот берилган. М. Кошғарий Қ билан тугаган ва қаттиқ талаффуз қилинувчи феълларга *-ғалыр,* юмшоқ талаффуз қилинувчи феълларга *-гәлир* қўшилиб, субъектнинг иш-ҳаракатни бажариш мақсадида эканлиги, унинг иш-ҳаракатни бажаришга ҳозирланиб тургани ифодаланади, деб изоҳлайди ва қуйидаги мисолларни келтиради: *Мән барғалыр-мән* — 'мен бормоқчиман, ҳозир бораман', *мән турғалыр-мән* — 'мен турмоқчиман, ҳозир тураман' *ол йа қурғалыр* — 'у ёй қурмоқчи, ҳозир ёй қуради', *ол тағқа ағқалыр* — 'у тоққа чиқмоқчи, ҳозир тоққа чиқади', *ол әвгә киргәлир* — 'у уйга кирмоқчи, ҳозир киради', *ол йармақ тәргәлир* — 'у танга тўпламоқчи, тўплашга тайёр бўлиб турибди'[25].

## Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси

§ 67. Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси феъл негизига *-маз*/*-мәз* ва *-мас*/*-мәс* аффиксларини қўшиш йўли билан ясалади. Бу аффиксларнинг ишлатилишида ёдгорликлар ўзаро фарқланади. Чунончи, ўрхун-енисей текстларида ва қадимги уйгур тили ёдгорликларида фақат *-маз*/*-мәз* аффикси ишлатилади: *бар-маз, қал-маз, кәл-мәз, бәр-мәз* каби. «Қутадгу билиг»да ҳар иккаласи параллел ишлатила беради. Ҳатто бир феълга гоҳ *-маз*/*-мәз,* гоҳ *-мас*/*-мәс* қўшила беради: *бол-маз* (ҚБ, 15-*а,* 17-*б,* 23-*б,* 54-*б,* 56-*а,* 130-*б*) — *бол-мас* (ҚБ, 43-*а,* 46-*б,* 58-*а,* 92-*а,* 128-*б,* 171-*б,* 172-*б*), *билүмәз* (ҚБ, 14-*а,* 28-*б*) — *билү-мәс* (ҚБ, 203-*а*); *бәр-мәз* (ҚБ, 18-*б,* 129-*б,* 131-*а*) — *бәр-мәс* (ҚБ, 17-*б,* 105-*б*); *кәт-мәз* (ҚБ, 130-*а*) — *кәт-мәс* (ҚБ, 96-*б*) каби. Мисоллар сонини яна кў-

---

[25] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, 70—71-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

пайтириш мумкин: *йә-, ол-, көрун-, унит-* каби феълларда ҳам худди шундай ҳолатни кўрамиз. «Девону луғотит турк»-да асосан *-мас/-мәс* аффикси қўлланган бўлиб, *-маз/-мәз* аффиксини ишлатиш ҳоллари ҳам учрайди: *пушмаз-мән* (МҚ II, 19). Лекин Маҳмуд Кошғарий ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси ҳақида гапирганда *-мас/-мәс* аффиксинигина кўрсатган. У ёзади: «اُلْ بَرْماسْ *ол бармас* — 'у бармайди' (келаси замон(?—*Ш.Ш.*) бўлишсиз феълининг ўзга бирлиги), مَنْ بَرْماسْ مَنْ *мән бармас-мән* — 'мен бармайман' (бўлишсиз феълнинг келаси замон сўзловчи бирлиги). Буларда ихтилоф йўқдир, ҳамма қабилалар бу жиҳатдан иттифоқдир.

Бўлишсиз феълнинг келаси замон шаклини ясаш қоидаси ҳамма феълларда (хоҳ ўзга бўлсин, хоҳ сўзловчи бўлсин) бир хилда буйруқ шакли охирига ماسْ *-мас/-мәс* ва кўплик учун لارْ *-лар/-ләр* қўшилади. Масалан. اُلارْ بَرْماسْ لارْ *олар бармаслар* — 'улар бармайдилар', بُوْلارْ بَرْماسْلارْ *булар бармаслар*—'булар бармайдилар', بِزْ بَرْماسْ مِزْ *биз бармас-миз*—'биз бармаймиз' каби".[26]

Яна: „Келаси замон (?—*Ш.Ш.*) бўлишсизлик феъли феълларнинг бўлишсизлик қўшимчасидан сўнг бир س — С орттириб ясалади. Чунончи: اُلْ اَتْ تُغْراماسْ *ол әт тоғрамас*— 'у гўшт тўғрамайди' اُلْ سَنْكا اُغْراماسْ *ол саңа оғрамас*— 'у сенга бармайди' каби".[27]

§ 68. Ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсиз формасининг тусланиши қуйидагича: I ва II шахсларнинг бирлик ва кўплиги учун шахс-сон аффиксларининг *-мән, -сән, -миз(биз), -сиз* типидаги тўлиқ формаси қўшилади. Мисоллар: *билинмәз-мән* (Олт. йор., $178_{624}$), *ынақ болмаз-мән* (Олт. йор., $175_{612}$), *сөзләмәс-мән* (ҚБ, 123-б), *өтүнмәс-мән* (ҚБ, 34-*а*); *мән бармас-мән* (МҚ II, 68); *билмәз-сән* (ТТ. X, $32_{461}$), *сөзләмәс-сән* (ҚБ, 33-*б*); *йоқламаз-биз* (ЕТ, $62_9$), *булмаз-биз* (ТТ. X, $14_{111}$), *биз бармас-миз* (МҚ II, 69).

«Қутадғу билиг»да I ва II шахсларнинг бирлигида *-мән,*

---

[26] Уша асар, II том, 68—69-бетлар.
[27] Уша асар, III том, 327-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-сэн* ўрнида *-ма, -са* қўшилиши ҳам учрайди: *қачумаз-ма* (ҚБ, 31-*а*), *тилэмэз-са* (ҚБ, 144-*а*), *қылумаз-ма* (ҚБ, 20-*б*).

III шахс бирлиги учун махсус қўшимча орттирилмайди. Баъзан *ол* олмоши қўшилиб келади:

*Көзи тоқ киши нэңгэ с у қ л а н м а з  о л,*
*Киши нэң билэ болса, а р с ы қ м а з  о л* (ҚБ, 101-*б*).

'Кўзи тўқ киши бойликка суқланмайди, кишининг бойлиги бўлса, у огирлик кўрмайди'.

III шахс кўплиги учун *-лар/-лэр* аффикси орттирилади: *олар бусанмаз-лар* (ТТ. X, 36₅₂₄), *олар бармас-лар, булар бармас-лар* (МҚ II, 69). III шахс кўплиги учун *-лар/-лэр* аффикси қўшилишини М. Кошғарий ҳам таъкидлаган[28]. Лекин ёдгорликларда III шахс кўплик маъносини ифодалаш учун III шахс бирлик формаси ҳам қўлланаберади. Масалан: *Болар мини билмэз, тип* (ТТ. X, 32₄₇₄) — 'Булар мэни билмайдилар, деб...' *Тастын бир сав турур: тигиниг тилэп, тақы б у л м а з, тип* (Олт. йор., 177₆₂₂) — 'Ташқаридан шоҳзодани қидириб топа олмаяптилар, деган овоз эшитилди'.

Келтирилган мисолларда III шахс бирлик формасидаги *билмэз, булмаз* феъллари III шахс кўплик маъносида келган.

Ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсиз формасининг тусланиш схемаси қуйидагича:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | билмэз-мэн, билмэс-мэн | билмэз-миз, билмэс-миз |
| II шахс | билмэз-сэн, билмэс-сэн | билмэз-сиз, билмэс-сиз |
| III шахс | билмэз, билмэс | билмэз(лэр), билмэс(лэр) |

**§ 69. Ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсиз формасининг маъноси:**

1. Ҳозирги замонни билдиради:

*Өгүмин көңүлимин ычқынып, муңқул болуп, б и л и н м э з м э н,.. тип тиди* (Олт. йор., 178₆₂₄) — 'Эсимни, хушимни йўқотиб, телва бўлиб, ҳеч нарсани англамаяпман,.. деди'.

*Болар мини б и л м э з тип, браманлар кувэнчлиг болурлар* (ТТ. X, 32₄₇₃₋₄₇₄) — 'Булар мени билмайдилар деб, браманлар хурсанд бўлурлар'.

*Бу Айтолдықа айды: тэбрэт тилиг,..*
*Нэлук с ө з л э м э с-с э н ағын-тэг болуб* (ҚБ, 33-б).

'[Илик] бу Ойтўлдига айтди: тилингни қимирлат, сақовга ўхшаб нега гапирмаяпсан?!'.

[28] Ўша асар, II том, 69-бет.

2. Келаси замонни билдиради. Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси сўроқ-риторик гапнинг кесими вазифасида келганда, тасдиқ маъносини англатади:

*Бу иринч йарлығ ач барсқа нәгүлүк умуқ ы н а қ б о л м а з-м ә н?! — тиб...* (Олт. йор., 175₆₁₂) — 'Нима учун мен бу бечора бахтсиз оч йўлбарсга ёрдам кўрсата олмайман?! — деб...'.

*Қ ы л у м а з өзүм бу қамуғ әл ишин,*
*Маңар әр кәрәк бир билир иш башын* (ҚБ, 21-*б*).

'Бир ўзим элнинг бутун ишларини қила олмайман, менга иш биларман бир одам [ёрдамчи] керак'.

3. «Умумзамон» маъносида келади. Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси бу маънода асосан мақолларда келади:

*Қузда қар ө г с ү м ә с, қойда йаг ө г с ү м ә с* (МҚ I, 315) — 'Тоғда қор камаймайди, шунингдек, қўйда ёғ камаймайди'.

*Әвәк әвгә т ә г м ә с* (МҚ II,27) — 'Шошган киши уйига ета олмайди'.

*Кәң тон о б р а м а с, кәңәшлик билиг а р т а м а с* (МҚ III, 370) — 'Кенг тўн тўзимайди, кенгашли иш бузилмайди'.

*Киши әдгүси, көр, ү н и т м ә з өзин* (ҚБ, 129-*а*) — 'Кўргин, яхши одам ўзини унитмайди'.

*Билиглик кишиниң сивы ә к с ү м ә с,*
*Ақыглы сүзүг йәл сивы ә к с ү м ә с* (ҚБ, 40-*б*).

'Билимли кишининг сўзи ерда қолмайди, эсувчи шамолнинг овози камаймайди'.

## КЕЛАСИ ЗАМОН

§ **70.** Кузатилган қадимги ёдгорликлар тилида келаси замон феълининг *-ғай/-гәй (-қай/-кәй), -гу/-гү (-қу/-кү)* ва *-дачы/-дәчи (-тачы/-тәчи)* аффикслари билан ясалган формалари қўлланган. Шу билан бирга қадимги ёдгорликлар тилида келаси замон маъносини ифодалаш учун, юқорида кўрганимиздек, ҳозирги-келаси замон феъли формаларидан ҳам фойдаланилган.

### Келаси замон феълининг *-ғай/-гәй (-қай/-кәй)* аффикси билан ясалган формаси

§ **71.** Келаси замон феълининг *-ғай/-гәй (-қай/-кәй)* аффикси билан ясалган формаси қадимги уйғур тили ёдгорликлари ва «Девону луғотит турк», айниқса, «Қутадғу билиг» тили учун характерли бўлиб, ўрхун-енисей текстларида учрамайди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу аффикснинг *-ғай, -гәй, -қай, -кәй* тарзида турли вариантларда келиши шу аффиксни қабул қилган феъл ўзагининг қаттиқ ёки юмшоқлигига, шунингдек, феъл охиридаги ундош товушнинг жарангли ёки жарангсиз бўлишига боғлиқ.

Бу аффикс қаттиқ ўзакли феълларга *-ғай*, юмшоқ ўзакли феълларга *-гәй* шаклида қўшилади. Масалан: *бир-ғай, бол-ғай, тоқы-ғай, қутад-ғай, ачыл-ғай, йоры-ғай, йара-ғай, тут-ғай, тапну-ғай, тайан-ғай, қыл-ғай, тусул-ғай, байу-ғай, қоз-ғай; бәр-гәй, әвүр-гәй, тәгүр-гәй, йәтил-гәй, сөзлә-гәй, йәгәй, кәчүр-гәй, йәт-гәй, тирил-гәй, күй-гәй, кәл-гәй, әлт-гәй, өтүн-гәй, күзәз-гәй, тилә-гәй, көн-гәй.* Ғ билан тугаган қаттиқ ўзакли феълларга *-қай* шаклида, Г билан тугаган юмшоқ ўзакли феълларга *-кәй* шаклида қўшилади. Масалан: *сағқай, ағ-қай; тәг-кәй, әг-кәй.*

Кўринадики, *-ғай/-гәй (-қай/-кәй)* аффикси қадимги ёдгорликлар тилида асосан *-ғай/-гәй* шаклларида қўлланган бўлиб, унинг *-қай/-кәй* шаклларида келиши айрим феълларгагина хосдир.

§ 72. Келаси замон феълининг *-ғай/-гәй (-қай/-кәй)* аффиксли формасига шахс-сон аффиксларининг тўлиқ вариантлари қўшилади:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | барғай-мән, кәлгәй-мән | барғай-миз(биз), кәлгәй-миз (биз) |
| II шахс | баргай-сән, кәлгәй- сән | барғай-сиз(ләр) кәлгәй-сиз (ләр) |
| III шахс | барғай(ол), кәлгәй(ол) | барғай(лар), кәлгәй(ләр) |

Мисоллар: **Уйғ. II** — *таплағай-мән* ($21_8$), *өнтүргәй-биз* ($25_{13}$), *болғай* ($24_{11}$); **Уйг. III** — *бәргәй-мән* ($10_6$), *булғай-сән* ($26_{12}$), *тоғқай-сән* ($26_{18}$), *илтгәй* ($14_{12}$); **Олт. йор.** — *болғай-мән* ($156_{12}$), *умағай-сән* ($155_{16}$), *болгай* ($154_7$); **ИБ** — *өлгәй-мән* ($83_{61}$), *өлгәй ол* ($84_{88}$), *болғай ол* ($82_{36}$), *йарағай* ($80_7$); **ТТ. X** — *ынғай-мән* ($24_{316}$); **Хуаст.** — *йоқ болғай, нә болғай* ($118_{76-77}$); **ПВ** — *алғай* ($135_{24}$); **Тиш.** — *кирмәгәй, синмәгәй, күймәгәй, өлмәгәй* (31), *көрмәгәйләр* (31); **ҚБ** — *тиңләгәй-мән* (210-*б*), *сөзләгәй-сән* (126-*а*), *азын болғай-сән* (109-*а*), *йәтилгәй* (107-*а*), *тәгкәй* (183-*а*), *тәгәй ол* (155-*а*); **МК** — *ичгәй-мән* (I, 454), *сағқай* (II, 69), *баргай* (II, 70).

Бўлишсиз формаси: **Олт. йор.** — *қантурмағай-мән* ($176_{615}$); **Уйғ. II** — *тәгмәгәй* ($70_3$); **ҚБ** — *йәтмәгәй* (52-*б*), *көрмәгәйләр* (123-*б*), *қолмағай* (163-*а*).



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 73. «Қутадғу билиг»да *-ғай/-гәй* (*-қай/-кәй*) аффикси охирги [й] ундоши бўлмагани ҳолда, *-ға/-гә* (*-қа/-кә*) тарзида ҳам кенг қўлланган. Масалан: *қатығланға-ма, түгәл қылға-ма* (178-б), *йақын болға-сән* (36-а), *кәчүрмәгә-сән* (137-б), *қачға-сән* (179-б), *көргә-сән* (201-б), *әсан болға-сән* (214-б), *асығ қылға-му* (46-б), *бәргәләр* (104-а), *йарамаға* (171-б), *бузулға* (200-а), *бәргә* (217-а), *билмәгә, кәлмәгә* (161-б). Бу ҳолат «Девону луготит турк»да ҳам учраб қолади: *әтилгә-мәт* (МҚ I, 414), *бәргәләр* (МҚ I, 245).

Кузатишларимиздан маълум бўлдики, келаси замон феълини ясовчи *-ғай/-гәй* (*-қай/-кәй*) аффикси дастлаб таркибида [й] ундоши бўлмагани ҳолда, *-ға/-гә* (*-қа/-кә*) шаклида қўлланган бўлиб, келаси замон сифатдошини ясаган. Унинг таркибидаги [й] кейинчалик қўшилган. (Бу ҳақда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1964 йил 3-сонида эълон қилинган «-Ғай формасининг тарихига доир» мақоламизда батафсил тўхталганмиз).

**§ 74. -ғай/-гәй (-қай/-кәй) аффикси билан ясалган келаси замон феълининг маъноси.** Қадимги ёдгорликлар тилида бу форма асосан иш-ҳаракатнинг келасида бажарилишини (ёки бажарилмаслигини) билдиради. Шу билан бирга истак-тилак маъносини ҳам ифодалайди, «умумзамон» маъносида ҳам қўлланади. Мисоллар:

*Өрүң әсри ингәк бозағулачы болмыш, өлгәй-мән,— тимиш* (ИБ, $83_{60-61}$) — 'Ола сигир туғадиган бўлибди, ўламан, депти'.

*Арқун йәр тәңри нәгә өтрү йоқ болғай, йаруқлы қаралы қалты адрылғай, антата кисрә нә болғай?* (Хуаст., $118_{75-77}$) — 'Арқун ерлари ва осмон кейин нега йўқ бўлиб кетади, ёруғлиқ ва қоронғилиқ қандай ажралади, ундан кейин нима бўлади?'.

*Мунтада кәз иринч тынлығ болғай-му?!* (Олт. йор., $174_{6-10}$) — 'Бундан ҳам қаттиқроқ жабрланган жонивор бўладими?!'.

*Бу мунтағ алп қылғулуқ иш ишләмишиңә сизиксиз утғурақ бурхан қутын булғай-сән* (Уйғ. III, $26_{10-11}$) — 'Бундай қаҳрамонлар қиладиган ишни бажарганинг учун сўзсиз яна ҳам кучлироқ бурхонлар бахтига эришасан'.

*Маңа биргил, мән йуқайын, йоқ қылғай-сән, тисәр ол битигни ма бәгимкә биртим* (Юр., $203_{22-23}$) — 'Менга бергин, мен сақлайин, сен йўқотасан, деганда у хатни (ҳужжатни) мен бегимга бердим'.

*Йавузқа йағума, әй өзрүм талу,*
*Йавуз болға атың, изилгәй толу* (ҚБ, 153-а).



www.ziyouz.com kutubxonasi

‘Ёмонга яқинлашма, эй кишиларнинг сараси, номинг ёмон бўлади ва бутунлай йўқолиб кетади’.

*Эшйэк айур: башим болса,*
*Сундурыда сув и ч г э й-м э н* (МҚ I, 354).

‘Эшак айтади: бошим омон бўлса, денгиздан сув ичаман’.

*Ғариблуқ йэриндэ к э р э к б о л ғ а нэң,*
*Бу нэң ким түгэнсэ, с а р ы ғ б о л ғ а* эң (ҚБ, 23-*б*).

‘Ғариблик (мусофирлик) ерида нарса (бойлик) керак бўлади. Бу нарса тугаса, юз сарғаяди’.

*Қойғашуб йатса аның йүзиңэ,*
*Алсыңар өкин аның сөзиңэ,*
*Мың киши йолуғы болыб өзиңэ,*
*Б э р г э л э р өзин аның көзиңэ* (МҚ I, 245).

‘Унинг қўйнида унга қараб ётган киши унинг майин ва ёқимли сўзларига ўзини йўқотади. Бир жонни эмас, минг жонни унинг хуснига фидо қиладилар’.

Маҳмуд Қошғарий ҳам *-ғай/-гэй (-қай/-кэй)* аффикси билан ясалган формани келаси замон феъли сифатида изоҳлайди. Бу форма ҳақида у шундай ёзади: «Иш-ҳаракатнинг келаси замонда бажарилишини англатиш учун буйруқ шакли охирига қаттиқ сўзларда غایْ *-ғай*, бошқаларда کایْ *- гэй* (*-кэй*), Ғ ли сўзларда قایْ *-қай* қўшилади: اُلْ یا قُرْغایْ *ол йа қурғай*— ‘у ёй қуради’, اُلْ سوُتْ سَغْقایْ *ол сут сағқай*— ‘у сут соғади’, اُلْ اَفْکا بَرْغایْ *ол эвгэ барғай*—‘у уйга боради’, اُلْ مَنکا کَلْکایْ *ол маңа кэлгэй*— ‘у менга келади’, اُلْ یَرْماقْ تیرْکایْ *ол йармақ тэргэй*— ‘у танга тўплайди’».[29]

## Келаси замон феълининг *-ғу/-гү (-қу/-кү)* аффикси билан ясалган формаси

§ 75. Келаси замон феълининг *-ғу/-гү (-қу/-кү)* аффикси билан ясалган формаси «Қутадғу билиг»да кенг қўлланган бўлиб, қадимги уйғур тили ёдгорликларида кам учрайди. Ўрхун-енисей текстлари тилида бу форма ишлатилмаган.

[29] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, 69—70-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-ғу/гу (-қу/-ку)* аффиксининг турли фонетик вариантларда қўлланиши шу аффиксни қабул қилувчи феълнинг характерига боғлиқ. Чунончи, қаттиқ ўзакли феълларга *-ғу,* юмшоқ ўзакли феълларга *-гу* шаклида қўшилади: *бар-ғу, ал-ғу, қалғу, бил-гу, бәр-гу, көр-гу* каби. Ғ билан тугаган қаттиқ ўзакли феълларга *-қу,* Г билан тугаган юмшоқ ўзакли феълларга *-ку* шаклида қўшилади: *аг-қу, сыг-қу, тәг-ку* каби. «Қутадғу билиг»да Ғ билан тугаган феълларга *-ғу* шаклида қўшилиши ҳам учрайди: *йыг-ғу* (ҚБ, 198-*а*).

Кўринишича, *-ғу/-гу (-қу/-ку)* аффиксининг асосий вариантлари *-ғу/-гу* бўлиб, Ғ билан тугаган қаттиқ ўзакли феълларга *-қу,* Г билан тугаган юмшоқ ўзакли феълларга *-ку* шаклида қўшилиши бир хил ундош товушнинг такрорланишидан қочиш асосида келиб чиққан. Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, бу ҳодиса талаффузда енгиллик туғдириш мақсадида пайдо бўлган[30].

§ **76.** Келаси замон феълининг бу формаси қуйидагича тусланади: I ва II шахсларнинг бирлик формаси учун шахс-сон аффиксларининг қисқа вариантлари *-м, -ң* қўшилади: **ҚБ** — *кувәнгу-м ақар* (172-*а*), *қавушғу-м қачан әрди* (221-*б*), *өлгу-ң кучун* (142-*а*), *булғу-ң әрмәс* (173-*б*), **МК II** — *барғу-ң қачан* (72).

I шахс кўплиги учун *-мыз/-миз* қўшилади: **МК I** — *алғумыз бар* (328).

Кузатилган ёдгорликларда бу феълнинг II ва III шахс кўплик формасида ишлатилиши учрамади.

III шахс бирлигининг ифодаланиши қуйидагича:

а) ҳеч қандай қўшимча орттирилмайди: *Өзуң ө л г у ахир, бу атың қалыр* (ҚБ, 161-*а*) — 'Ўзинг охир ўласан, бу номинг қолади';

б) эгалик аффикси *-сы/-си* қўшилади: *Нәчә қачса, ахир өлум т у т ғ у с ы* (ҚБ, 56-*а*) — 'Қанча қочса [ҳам] охири ўлим тутади';

в) *турур* ёрдамчи феъли қўшилади: *Бу дунйа нәңи барча қ а л ғ у т у р у р* (ҚБ, 201-*а*) — 'Бу дунё нарсалари барчаси қолиб кетади';

г) *ол* олмоши қўшилади: *Осал болма, ахир өзуң ө л г у о л* (ҚБ, 59-*б*) — 'Бепарво бўлма, охир ўласан!';

д) эгалик аффикси *-сы/-си* + *ол* қўшилади:

*Нәгә ганч урур-сән бу алтун кумуш,* ?!
*Саңар т ә г к у с и о л ики боз улуш* (ҚБ, 57-*а*).

'Бу олтин-кумушларни нега тўплайсан?! [ўлганингда] сенга икки қарич бўз (кафан) насиб бўлади'.

[30] Қаранг: Маҳмуд Кошғарий, Девону луғатит турк, II том, 55-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу феълнинг тусланиш схемаси қуйидагича:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I шахс<br>II шахс<br>III шахс | барғу-м<br>барғу-ң<br>барғу(бурғусы/ /барғу турур/ /<br>барғу ол/ /барғусы ол) | баргу-мыз |

§ 77. *-ғу/-гу (-қу/-ку)* аффикси билан ясалган келаси замон феълининг инкор формаси текширилган ёдгорликларда III шахсда учрайди ва қуйидаги уч йўл билан ҳосил бўлади:

а) *-ма/-мә* аффикси ёрдамида: ҚБ — *ата-ма-ғу* (110-*б*, 123-*б*), *ал-ма-ғу* (149-*б*), *учуз қыл-ма-ғу* (162-*б*), *әсиз қыл-ма-ғу, ур-ма-ғу, бәр-мә-гу* (205-*б*), *йанут қыл-ма-ғу* (207-*а*); МК I — *қыл-ма-ғу* (104);

б) *әрмәз//әрмәс* феъли ёрдамида: ҚБ — *вафā қылғу әрмәс* (58-*а*), *барғу әрмәз* (140-*а*), *йарын болғу әрмәс* (171-*а*), *қалғу әрмәс* (173-*б*), *сығқу әрмәс* (184-*а*), *йанғу әрмәс* (186-*а*); МК *I* — *асығ қылғу әрмәс* (455), МК II — *арқу әрмәс* (72);

в) *йоқ* сўзи ёрдамида: ҚБ — *тәгкуси йоқ* (169-*б*), *босулғусы йоқ* (63-*б*); ТТ. X — *барғусы йоқ* ($32_{466}$); Олт. йор.— *әмгәкимтин қутрулғум йоқ турур* ($155_{10}$).

§ 78. Маҳмуд Кошғарий келаси замон феълини ясовчи *ғу/-гу* (*-қу/-ку*) аффиксининг қўлланиши ва унинг фонетик вариантлари ҳақида қуйидагича маълумот берган: „Исми замон (замон оти), исми макон (жой оти ва қурол отлари) сўз ўзагига қаттиқ талаффузли ва таркибида ق —Қ ҳарфи бўлган сўзларда غُو *-ғу*, юмшоқ талаффузли ва таркибида ك —К ҳарфи бўлган сўзларда كُو *-гу (-ку)* қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Бу қоида чигил, яғмо, тухси, арғу, уйғур, то юқори Чингача бўлган ҳамма қабилалар тилларига оиддир. Ўғузлар ва қипчоқлар бажанаклар, булғорлар тилида бу хил сўзлар феълнинг буйруқ шакли охирига اَسِي *-асы/-әси* қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Масалан, замон оти بُوْ يا قُرْغُوْ اُغُرْ اَرْماسْ *бу йа қурғу оғур әрмас*— 'бу ёй қурадиган вақт эмас', بُوْ تُرْغُوْ يِيرْ اَرْماسْ *бу турғу йәр әрмәс*— 'бу турадиган жой эмас'. Ўғузлар буни



www.ziyouz.com kutubxonasi

بۇ يا قُراسى اُغُرْ تَكَلْ *бу йа курасы оғур тәгул*— ‘бу ёй кураdиган вақт эмас’, بۇ تُراسى يێرْ تَكَلْ *бу турасы йәр тәгул* — ‘бу турадиган жой эмас’ тарзида қўллайдилар. بۇ تاغْ آغقُۇ آرماسْ *бу таг агку әрмәс*— ‘бу тоққа чиқадиган вақт эмас’. Юқорида ўзакнинг охири غ —Ғ билан битганда, غ —Ғ ўрнига ق —Қ қўшилиши кўрсатилган эди. Бунда ўзак охирида غ—Ғ бўлгани учун غُۇ-*ғу* қўшимчаси ўрнига قُۇ -*қу*— қўшилган сўзга мисолдир. Ўғузлар бу мазмундаги гапни بۇ تاغْ اغاسى اُغُرْ تَكَلْ *бу таг ағасы оғур тәгул*—‘бу тоққа чиқадиган вақт эмас’ тарзида қўллайдилар. Кўринадики, ўғузлар вақт, замон отига اُغُرْ *оғур*, жой отига يێرْ *йәр* сўзини қўшиб қўллайдилар. Таркибида ك —К ҳарфи бўлган сўзлар учун мисол: بۇ اَوْكا كِرْكُو اُوْذْ اُلْ *бу әвгә киргү өз ол*— ‘бу уйга кирадиган вақтдир’. اُلْ بِزْكا كَلْكُو بُلْدى *ол бизгә кәлгү болды*— ‘у бизникига келадиган бўлди‘. Ўғузлар бу маънони англатиш учун шу ўринда اُلْ بِزْكا كَلَسى بُلْدى *ол бизгә кәләси болды* гапини қўллайдилар. Бу хил феъллар от ўрнидадир, чунки булар отлар билан қўшилиб изофа тарзида қўлланади. سَنِڭْ بَرْغُونْكْ قَچانْ *сәниң барғуң качан?*—‘сен қачон борасан?’, каби. Бу маънони англатиш учун бу ўринда ўғузлар سَنِڭْ بَرْ اسِنْكْ قَچانْ *сәниң барасың качан?* дейдилар. Яна: مَنِڭْ بَرْغُوم يَقْتى *мәниң барғум йакты*— ‘менинг кетишим яқинлашди’ демакдир. اَنِڭْ بَرْغُوسى *аның барғусы* — ‘унинг бориши’



www.ziyouz.com kutubxonasi

демакдир. Ўғузлар бу гап ўрнида مَنِكْ بَرْاسِم *мәниң барасым* дейдилар...“.[31]

**§ 79. -ғу/-гү (-қу/-кү) аффикси билан ясалган келаси замон феълининг маъноси.**

1. Бу форма келасида иш-ҳаракатнинг бажарилишини (ёки бажарилмаслигини) қатъий тасдиқлайди. Шунинг учун бу формани «қатъий келаси замон феъли» деб аташ ҳам мумкин. Мисоллар:

*Өлүмгә төрүтти бу сансыз қонум,*
*Тирик барча ө л г ү, аңар йоқ өлүм* (ҚБ, 54-б).

‘Бу сонсиз-саноқсиз жонлиларни ўлим учун яратди, тирикларнинг барчаси ўлади, [лекин] унга ўлим йўқ’.

*Бу дунйā нәңи барча қ а л ғ у т у р у р,*
*Атың әзгү қылғыл өз ө л г ү т у р у р* (ҚБ, 201-а).

‘Бу дунё нарсалари барчаси қолади, яхши ном чиқаргин, [барибир] ўласан’.

*Тиләб б у л ғ у ә р м ә с тириглик тучы,*
*Йана й а н ғ у ә р м ә с йигитлик күчи* (ҚБ, 186-а).

‘Тирикликни доим тилаб топиб бўлмайди, йигитлик кучи йана қайтиб келмайди’.

Контекстда *āхир, сизиксиз* (шубҳасиз) сўзлари бўлганда, бу форма ифодалаган қатъийлик маъноси янада кучайтирилади. Масалан:

*Нәгү тәр, әшитгил, киши әзгүси,*
*Йүриб тын тоқығлы ā х и р ө л г ү с и* (ҚБ, 15-а).

‘Кишиларнинг яхшиси нима дейди, эшитгин: нафас олиб яшаётганлар охир ўлади’.

*Маңар ма с и з и к с и з бу күн к ә л г ү о л,*
*Осал болма, ā х и р өзүң ө л г ү о л!* (ҚБ, 59-б).

‘Бундай кун сенга ҳам шубҳасиз келади, бепарво бўлма (қиладиган ишларингни бажар), охир ўласан!’.

2. Келаси замон феълининг *-ғу/-гү (-қу/-кү)* аффикси билан ясалган формаси *кәрәк* сўзи билан бирга келиб, иш-ҳаракатни бажариш (ёки бажармаслик) кераклиги, зарурлиги маъносини билдиради:

*Әң ашну бу ишкә к ә ң ә ш г ү к ә р ә к,*
*Йарағсызны өздин к ә м ә ш г ү к ә р ә к* (ҚБ, 202-б).

[31] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, 71—73-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

'Энг олдин бу ишда кенгашмоқ керак, маъқул бўлмаганини ташлаш керак'.

*Нәчә ма ағыр кәлсә, б а р ғ у к ә р ә к,*
*Иликкә тәгиб, бир к ө р ү н г ү к ә р ә к* (ҚБ, 127-*б*).

'Қанча оғир келса ҳам бориш керак, Иликка бориб, бир кўриниш керак'.

*Қайу ким туғар әрсә, ө л г ү к ә р ә к,*
*Қайу нәң ағар әрсә, и л г ү к ә р ә к* (ҚБ, 45-*б*).

'Кимки туғиладиган бўлса, [охири] у ўлиши керак, нимаики юқори кўтариладиган бўлса, у пастга [ҳам] тушмоғи керак'.

*Қапуғдақы бирлә й а р а ш ғ у к ә р ә к,*
*Қ а т ы л ғ у, к ә л и ш г ү, б а р ы ш ғ у к ә р ә к*
(ҚБ, 150-*б*).

'Саройдагилар билан яхши муносабатда бўлиш керак, улар билан аралашиш, борди-келди қилиш керак'.

*-ғу/-гү (-қу/-кү)* айрим ўринларда *кәрәк* сўзининг иштирокисиз ҳам шу маънода келади. Унинг бу маънода қўлланганлиги контекстдан англашилиб туради:

*Оғул-қызқа ө г р ә т г ү ә р д ә м, билиг,*
*Бу әрдәм билә болсу қылқы силиг* (ҚБ, 50-*б*).

'Ўғил-қизга ҳунар, билим ўргатиш керак, [токи] бу ҳунар билан юриш-туриши яхши бўлсин'.

*Бу өглүг кишиләр өңәрүр ишиг,*
*Йырақ т у т ғ у иштә бу өгсүз кишиг* (ҚБ, 76-*б*).

'Бу ақлли кишилар ишни яхши бажарадилар, [бундай] нодон кишиларни ишдан четлатиш керак'.

*Уқушсыз кишини киши т ә м ә г ү,*
*Нәчә сөзләсә сөз йәмә б ү т м ә г ү* (ҚБ, 70-*б*).

'Уқувсиз кишини одам ҳисобламаслик керак, у қандай сўз айтса ҳам унга ишонмаслик керак'.

*-ғу/-гү/-қу/-кү бу* маънода асосан III шахс бирлигида қўлланади. Баъзан I шахс бирлигида ҳам учрайди:

*Сәни мән к ү з ә з г ү к ә р ә к м ә н кәчә,*
*Мәни ол күзәзүр, сөз айдым ача* (ҚБ, 137-*а*).

'Сени мен асрашим керак, мени у асрайди. Сўзни очиқ айтдим'.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қатылса өзүм бу кишиләр билә,*
*Б а р ы ш ғ у, к ә л и ш г ү к ә р ә к м ә н к у л ә*
(ҚБ, 165-*а*).

'Агар мен бу одамлар билан аралашадиган бўлсам, хушвақт бўлиб, улар билан борди-келди қилишим керак'.

*-ғу/-гү (-қу/-кү)* аффиксли феълга *кәлир* (ҳозирги-келаси замон) феъли бирикиб, асосий феълдан англашилган ҳаракатни бажаришни исташ, хоҳлаш маъноси билдирилади.

Бунда шахс-сон аффикслари асосий феълга қўшилади. *-ғу/-гү (-қу/-кү)* аффикси билан ясалган феълнинг бундай қўлланиши кузатилган ёдгорликларда кам учрайди. М и с о л л а р:

*Иликкә өтүнди, айур: мән бу күн*
*Қадашымқа б а р ғ у м к ә л и р орту күн* (ҚБ, 203-*а*).

'Иликка ўтинди, айтди: мен бугун, кун ярмида қариндошим ҳузурига боргим келади'.

*Ай иниләрим, мәниң бу күнки күн әртингү қ о р қ қ у м б ә л и ң л ә г ү м к ә л и р* (Олт. йор., 173-174₆₀₈) — 'Эй инпларим, бугунги кунда менинг жуда ҳам қўрққим келяпти'.

*Битигдә хат үз болса, ачлур көңүл,*
*О қ ы ғ у к ә л и р, бақса, әвнүр көңүл* (ҚБ, 100-*б*).

'Ёзувда хат чиройли бўлса, кўнгил очилади; уни кўриб, кўнгил хуш бўлади, [ҳаркимнинг] ўқигиси келади'.

## Келаси замон феълининг *-дачы/-дәчи (-тачы/-тәчи)* аффикси билан ясалган формаси

**§ 80.** Келаси замон феълини ясовчи *-дачы/-дәчи (-тачы/-тәчи)* аффиксининг жарангли [*-дачы/-дәчи*] ёки жарангсиз [*-тачы/-тәчи*] вариантда қўлланишида кузатилган ёдгорликлар тилида қуйидагича фарқ кузатилади.

Ўрхун текстларида бу аффикс асосан Л, Р, Н ундошлари билан тугаган феъллар билан ишлатилган бўлиб, бу типдаги феълларга систематик равишда жарангсиз варианти қўшилади: *бол-тачы, өл-тәчи, йан-тачы, олур-тачы, көр-тәчи* каби. Енисей текстларида бу аффикс билан ясалган форма учрамайди, ҳисоб[32].

Қадимги уйғур ёзувида [д] ва [т] ундошлари бир хил белги билан ифодаланганлиги сабабли қадимги уйғур тилида бу аффикснинг жарангли ва жарангсиз вариантларда қўлланиш ўринларини аниқлаш қийин.

---

[32] Қаранг: И. А. Б а т м а н о в, Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе, 1959, стр. 97.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да, аксинча, яъни Л, Р, Н ундошлари ва унли билан тугаган феълларга жарангли вариантда қўшилади: *бол-дачы, өл-дәчи, тапын-дачы, йүкүн-дәчи, бар-дачы, көр-дәчи, сөзлә-дәчи* каби. Жарангсиз ундош билан тугаган феълларга эса жарангсиз вариантда қўшилади: *тут-тачы, йарут-тачы, күзәт-тәчи, алқ-тачы* каби.

§ 81. Келаси замон феълининг *-дачы/-дәчи (-тачы/-тәчи)* аффикси билан ясалган формаси шахс-сон аффиксларининг тўлиқ вариантлари билан тусланади:

| | бирлик | кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | (болтачы-мән, болдачы-мән) | болтачы-биз, болдачы-биз |
| II шахс | болтачы-сән, болдачы-сән | болтачы-сиз, болдачы-сиз |
| III шахс | болтачы(турур), болдачы(турур) | болтачы(лар), болдачы(лар) |

Мисоллар:

I шахс — *қалтачы-биз* (Тон., $62_{13}$);

II шахс — *өлтәчи-сән, олуртачы-сән* (КТм, $28_8$), *көртәчи-сән, буңсыз болтачы-сән* (Мог., $19_{14}$) *йаңылтачы-сиз* (КТм, $28_{11}$).

III шахс — *йаблақ болтачы* (КТб, $33_{51}$), *өлүртәчи* (Тон., $61_{10-11}$), *тутгачы, йәттәчи* (ҚБ, 31-*б*).

Бу форманинг бўлишсизлиги асосан «Девону луғотит турк»да учрайди: *тоғрамадачы турур, йүкләмәдәчи турур* (МҚ III, 330).

§ 82. **-дачы/-дәчи (-тачы/-тәчи) аффикси билан ясалган келаси замон феълининг маъноси.** Бу форма келасида бажарилиш имкониятига эга бўлган (ёки эга бўлмаган) иш-ҳаракатни ифодалайди. Масалан:

*Аңар көрү билиң, түрк амты будун бәгләри! бөдкә көригмә бәгләр гү йаңылтачы-сиз?!* (КТм, $28_{11}$) — 'Унга қараб сиз билинг (ўрганинг), ҳозирги турк халқи ва унинг беглари! Сиз, мансабга интилувчи беглар янглишасиз-ку (янглишадигансиз-ку)?!'.

*Әки шад улайу инийигүним оғланым бәгләрим будуным көзи қашы йаблақ болтачы тип, сақынтым* (КТб, $33_{51}$) — 'Икки шодимнинг, шу билан бирга, иниларимнинг, ўғилларимнинг, бегларимнинг ва халқимнинг аҳволи ёмон бўлади, деб қайғурдим'.

*Өлүмгә кәчик йоқ, тирик болдачы*
*Нәчә ма тирилсә, өлүм кәлдәчи* (ҚБ, 61-*а*).

'Ўлимдан халос йўқ, тирик қанча яшамасин охири унга ўлим келади'.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ол әр әт тоғрамадачы турур* (МҚ III, 330) — 'У киши гўшт тўғрамайди, гўшт тўғрамайдиган'.

Бу форма кўпинча шарт эргаш гапли қўшма гапдаги бош гапнинг кесими вазифасида келиб, потенциал характердаги келаси замон маъносини ифодалайди. Масалан:

*Ол йиргәру барсар, түрк будун, ө л т ә ч и-с ә н* (КТм, $28_8$) 'Турк халқи, сен у томонга борсанг, ўласан (ўладигансан)'.

*Ол әки киси бар әрсәр, сини Табғачығ ө л ү р т ә ч и, тирмән, өңрә Қытаңығ ө л ү р т ә ч и, тир-мән, бини Оғузығ ө л ү р т ә ч и өк, тирмән* (Тон., $61_{10=11}$) — 'У икки киши бор бўлса, сени — Табғачни ўлтиради, деяман, Шарқда Қитанларни ўлдиради, деяман, мени — ўғузни ҳам ўлдиради, деяман'.

*Бу қағаныңда, бу бәгләригдә йәриңдә субыңда адырылмасар, түрк будун, өзүң әдгү к ө р т ә ч и-с ә н, әбиңә к и р т ә ч и-с ә н, буңсыз б о л т а ч ы-с ә н* (Мог., $19_{13=14}$) — 'Турк халқи! Сен ўзингнинг бу хоқонингдан, бегларингдан, ватанингдан айрилмасанг, яхши ҳаёт кечирасан, ўз уйингда бўласан, ғамсиз бўласан'.

§ 83. Маҳмуд Кошгарий бу аффикснинг таркиби ҳақида гапириб, унинг жарангли [*-дачы/-дәчи*] вариантинигина кўрсатган. Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳлашича, *-дачы/-дәчи* ишловчи мазмунини англатувчи фоил формаси бўлиб, у ўтган замон феълини ясовчи *-ды/-ди* аффикси таркибидаги ундош [д] билан унли [ы/и] ўртасига Ч товушини орттириш йўли билан ҳосил бўлган (*-ды* > *-д* + *ч* + *ы*>*дачы*, *-ди* > *-д*+*ч*+*и*> *-дәчи*). Яъни ўтган замон маъносини билдирувчи *барды* феълига Ч орттирилиши билан ишловчи мазмунини англатувчи *бардачы* сифатдоши ҳосил бўлган. Шундай қилиб, бу сифатдош таркибидаги Д ўтган замон феълининг кўрсаткичи бўлиб, Ч билан Ы/И (*-чы/-чи*) эса фоил-ишловчилик қўшимчасидир[33].

Мазкур аффикс таркибидаги *-чы/-чи* нинг фоил-ишловчилик қўшимчаси эканлиги маълум, лекин бу аффикс таркибидаги -д(>-да/-дә)нинг ўтган замон феълининг қўшимчаси эканлиги ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки ўтган замон феълига фоил — ишловчилик қўшимчасини орттириш йўли билан келаси замон сифатдошининг ҳосил бўлиши ғайри табиий ҳолдир.

Шу билан бирга, Маҳмуд Кошғарий *-дачы/-дәчи* (*-тачы/-тәчи*) аффикси билан ясалган форманинг диалектал хусусиятга эга эканлигини уқдириб, уни ўғуз, қипчоқ, яғмо, уғроқ, суворин, бажанак, то русларгача бўлган қабилалар тилида ишлатилишини айтади. Чигил, қашғар, арғу, барсаған, уйғур

---

[33] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, 53—54-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва юқори Чингача бўлган қабилалар тилида эса бу ўринда *-ғучы/-гучи* аффикси билан ясалган форма (*барғучы, кәлгучи* каби) қўлланади, деб кўрсатади[34].

Лекин қадимги уйғур тили ёдгорликларида, «Қутадғу билиг»да, хатто, «Ҳибатул ҳақойиқ», «Тафсир» каби XII—XIII асрларга оид ёдгорликларда *-дачы/-дәчи* ва *-ғучы/-гучи* аффикслари билан ясалган формалар параллел қўллана берган.

[34] Ўша асар, II том, 53—55-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИЛОВАЛАР

## 1. Кузатилган қадимги туркий ёдгорликлар тилида истеъмолда бўлган майл ва замон формаларининг қиёсий жадвали

Ушбу «Жадвал» ишнинг хулосаси ўрнида келтирилди.

«Жадвал»да қуйидаги шартли қисқартма ва белгилар қабул қилинди: Ўрх.—Ўрхун текстлари; Ен.—Енисей текстлари; Қирғ.—Қирғизистон территориясида топилган ўрхун ёзувидаги текстлар; Уйғ.—Қадимги уйғур тилига оид текстлар; ҚБ—Юсуф Хос Ҳожиб, Қутадғу билиг; **МК**—Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк.

+ (плюс)—шу форманинг кўрсатилган ёдгорлик (ёки ёдгорликлар) тилида мавжудлигини билдиради;

— (минус)—шу форманинг кўрсатилган ёдгорлик (ёки ёдгорликлар) тилида йўқлигини билдиради;

— (+) (минус ва плюс)—шу форманинг кўрсатилган ёдгорлик (ёки ёдгорликлар) тилида мавжудлиги, лекин споридик характерга эга эганлигини (кам қўлланганини) билдиради.

### Буйруқ-истак майли

| Аффикс ва формалар / Манбалар | | | Ўрх. | Ен. | Қирғ. | Уйғ. | ҚБ | МК |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| Бирлик | I шахс | -айын/-əйин (-йын/-йин) | + | + | + | + | + | + |
| | | -айы/-əйи (йы/-йи) | — | — | — | — | + | — |
| | | -ай/-əй (-й) | — | — | — | — | + | — |
| | II шахс | -ғыл/-гил (-қыл/-кил) | + | + | + | + | + | + |
| | | ∅ ∅ | + | + | + | + | + | + |
| | III шахс | -зун/-зүн | + | + | + | + | — | — |
| | | -зу/-зү | + | — | + | — | — | — |
| | | -сун/-сүн | — | — | — | — | + | + |
| | | -су/-сү | — | — | — | — | + | — |
| | | -суны/-сүни | — | — | — | — | + | — |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Бирлик | II шахс | -сар+ сән/-сәр+ сән | — | — | — | + | — | — |
| | | -са+сән/-сә+сән | — | — | — | — | + | + |
| | | -са+н/-сә+н | — | — | — | — | + | — |
| | III шахс | -сар/-сәр | + | + | + | + | —(+) | — |
| | | -са/-сә | — | — | — | — | + | + |
| | | -за/-зә | — | — | — | + | — | — |
| Кўплик | I шахс | -сар+ биз/-сәр+биз | — | — | — | + | — | — |
| | | -са+миз/-сә+миз | — | — | — | — | + | — |
| | II шахс | -сар+сиз(ләр)/-сәр+ сиз(ләр) | — | — | — | + | — | — |
| | | (-са+сиз/-сә+сиз) | — | — | — | — | — | — |
| | III шахс | -сар+лар/-сәр+ләр | — | — | — | + | — | — |
| | | -са+лар/-сә+ләр | — | — | — | — | + | — |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Кўплик | I шахс | -алым/-әлим (-лым/-лим) | + | + | + | + | + | + |
| | | -әлиң | — | — | — | — | + | — |
| | II шахс | -ың/-иң (-ң) | + | + | + | + | + | + |
| | | -ыңлар/-иңләр (-нлар/-ңләр) | — | — | — | + | + | + |
| | | -ыңыз/-иңиз (-ңыз/-ңиз) | — | — | — | — | — | + |
| | III шахс | -зунлар/-зүнләр | — | — | — | + | — | — |
| | | -сунлар/-сүнләр | — | — | — | — | + | — |

## Шарт майли

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| I шахс | -сар+мән/-сәр+мән | — | — | — | + | — | — |
| | -са+мән/-сә+мән | — | — | — | — | + | — |
| | -са+м/-сә+м | | | — | — | + | + |

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарт феълининг аналитик формалари

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| -ды+әрсә (р) | — | — | — | + | + | + |
| -мыш+әрсә (р) | — | — | — | + | + | — |
| -йуқ+әрсә (р) | — | — | — | + | — | — |
| -р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)+ әрсә(р) | + | — | — | + | + | — |
| -маз/-мәз (-мас/-мәс)+әрсә (р) | + | — | — | + | + | — |
| -ғу+әрсә(р) | — | — | — | + | + | — |
| -р+болса (р) | — | — | — | — | + | — |
| -са/-сә+болур | — | — | — | — | + | — |
| -са/-сә+болмаз (болмас) | — | — | — | — | + | + |
| -са/-сә+болғай (болға) | — | — | — | — | + | — |
| -са/-сә+әрди | — | — | — | — | + | — |

## Аниқлик майли

### 1. Ўтган замон

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| -ды/-ди//-ты/-ти | + | + | + | + | + | + |
| -дуқ/-дүк//-туқ/-түк | + | + | + | + | + | + |
| -йуқ/-йүк | — | — | — | + | — | — |
| ˆ-мыш/-миш (-мыс/-мис) | + | + | + | + | + | + |
| -ды/-ди (-ты/-ти)+әрди (әрти) | — | — | — | + | + | — |
| -мыш/-миш (-мыс/-мис) +әрди (әрти) | + | + | + | + | + | — |
| -дуқ/-дүк (-туқ/-түк) +әрди (әрти) | — | — | — | + | — | — |
| -йуқ/-йүк+әрди (әрти) | — | — | — | + | — | — |
| -ған/-гән+әрди | — | — | — | — | — | + |
| -р(-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)+ әрди (әрти) | + | + | + | + | + | + |
| -йур/-йүр+әрди (әрти) | + | — | — | + | — | — |
| -маз/-мәз (-мас/-мәс)+әрди (әрти) | + | — | — | + | + | + |
| -дачы/-дәчи (-таты/ -тәчи)+әрди (әрти) | + | — | — | — | — | — |
| -ғай/-гәй (-ға/-гә)+әрди (әрти) | — | — | — | + | + | — |
| -ғу/-гү+әрди (әрти) | — | — | — | — | + | — |
| -п+әрди (әрти) | — | — | — | + | — | — |
| -айын/-әйин+әрди (әрти) | — | — | — | + | — | — |
| -сун/-сүн+әрди (әрти) | — | — | — | + | + | — |



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 2. Ҳозирги-келаси замон

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| -р (-ар/-әр, -ур/-ү̧р, -ыр/-ир) | + | + | + | + | + | + |
| -йур/-йүр | + | + | + | + | + | + |
| -ғалыр/-гәлир | — | — | — | + | + | + |
| -маз/-мәз (-мас/-мәс) | + | + | + | + | + | + |

## 3. Келаси замон

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| -ғай/-гәй (-қай/-кәй) | — | — | — | + | + | + |
| -ғу/-гү (-қу/-кү̧) | — | — | — | + | + | + |
| -дачы/-дәчи (-тачы/-тәчи) | + | + | + | + | + | + |

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## 2. КЎРСАТКИЧ

Кўрсаткичда ишда қайд қилинган аффикслар ва грамматик формалар алфавит бўйича қуйидаги тартибда берилди: 1) ҳар бир аффикснинг қаттиқ ва юмшоқ вариантлари бир қаторда кўрсатилды (*-мыш/-миш* каби); 2) ҳар бир аффикснинг тузилишига ва таркибидаги ундошнинг жарангли ёки жарангсиз бўлишига кўра фарқланувчи вариантлари алфавит бўйича ўз ўрнида кўрсатилди ва бошқа ўринда берилган вариантларига ишора қилинди. Масалан, ***-ай/-әй.*** Қар. -айы/-әйи, -айын/-әйин, -йын/-йин, -йы/-йи, -й; *-ғыл/-гил.* Қар. -қыл/-кил каби; 3) ҳар бир аффикснинг грамматик функцияси кўрсатиб ўтилди. Масалан, *-ды/-ди*—ўтг. зам. (яъни ўтган замон феълини ясовчи аффикс); 4) ҳар бир аффикснинг (ёки унинг варианти) кузатилган манбалардан қайси бирида мавжудлиги уқдириб ўтилди (манбалар номи қисқартма ҳолда берилди).

Кўрсаткичда қуйидаги қисқартмалар қабул қилинди: **афф**.—аффикс, **бирл**.—бирлик формаси, **буйр.-ист**.—буйруқ-истак майли, **кел. зам**.—келаси замон, **кўпл**.—кўплик формаси, **МК**—М а ҳ м у д К о ш ғ а р и й, Девону луғотит турк, **Тон**.—Тонюқуқ ёдномаси, **Уйғ**.—қадимги уйғур тилига оид текстлар, **ш**.—шахс, **шарт** —шарт майли, **эг. афф**. — эгалик аффикси, **Ўрх.-ен**.—ўрхун-енисей обидалари, **Ўтг. зам**.- ўтган замон, **Қар**.—қаранг, **ҚБ**—Ю с у ф Х о с Ҳ о ж и б, Қутадғу билиг, **Қирғ**—Қирғизистон территориясида топилган руник ёзувдаги ёдномалар, **Ҳоз.-кел. зам**.—ҳозирги-келаси замон.

### а (ә)

**-ай/-әй**—буйр.-ист. I ш. бирл., §§ 3, 5, 15. *ҚБ.* Қар. -айы/-әйи, -айын/-әйин, -йын/-йин, -йы/-йи, -й.

**-айы/-әйи**—буйр.-ист. I ш. бирл., §§ 3, 5, 15. *ҚБ.* Қар. -айын/-әйин, -ай/-әй, -йын/-йин, -йы/-йи, -й.

**-айын/-әйин**—буйр. -ист. I ш. бирл., §§ 5, 15. *Ўрх. -ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар.-айы/-әйи, -ай/-әй. -йын/-йин, -йы/-йи, -й.

**-айын/-әйин+әрди (әрти)** — ўтг. зам., § 57. *Уйғ.*

**-алым/-әлим** — буйр. -ист. I. ш. кўпл., §§ 7, 15. *Ўрх.-ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -лым/-лим.

**-ар/-әр**—ҳоз. -кел. зам., §§ 23, 48, 58, 59. 61. *Ўрх. -ен., Уйғ., ҚБ МК.* Қар. -ур/-үр, -ыр/-ир, -р.

**-асы/-әси** — кел. зам. § 78. *МК.*

**-әлиң** — буйр. -ист. I ш. кўпл., §§ 7, 15. *ҚБ.*

### б

**-биз**—I ш. кўпл. афф., §§ 42, 60, 68. *Ўрх. -ен., Уйғ.,* Қар.-миз.

### д

**дачы/-дәчи**—кел. зам., §§ 48, 70, 80, 81, 82, 83. *Ўрх. -ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -тачы/-тәчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

-дачы/-дэчи+эрди (эрти) — ўтг. зам., §§ 54, 55. *Ўрх. -ен.* Қар. -тачы/-тэчи+эрди (эрти).
-ды/-ди—ўтг. зам., §§ 21, 30, 34, 35, 36, 37, 39, 41, 45, 48, 49, 83. *Ўрх. -ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -ты/-ти.
-ды/-ди+эрди (эрти)—ўтг. зам., § 49. *Уйғ., ҚБ.* Қар. -ты/-ти+эрди (эрти).
-ды/-ди+эрсэ (р) — шарт, § 24. *Уйғ., ҚБ, МК.*
-дуқ/-дүк—ўтг. зам., §§ 34, 38, 39, 40, 41, 44, 48. *Ўрх. -ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -туқ/-түк.
-дуқ/-дүк+эрди (эрти)—ўтг. зам., § 57. *Уйғ.,* Қар. -туқ /-түк+эрди (эрти).

з

-з—кўпл. афф., § 10. *МК.*
-за/-зэ—шарт, § 18, 19. Қар. -сар/-сэр, -са/-сэ.
-зу-зү—буйр. -ист. III ш. бирл., §§ 12, 15. *Ўрх. -ен.* Қар. -зун/-зүн, -су/-сү, -сун/-сүн, -сунı/-сүни.
-зун/-зүн — буйр. -ист. III ш. бирл., §§ 12, 13, 15. *Ўрх-ен., Уйғ.* Қар. -зу/-зү, -сун/-сүн, -су/-сү, -суны/-сүни.

ы (и)

-ың/-иң—буйр. -ист, II ш. кўпл., §§ 10, 15. *Ўрх. -ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -ң.
-ыңыз/-иңиз—буйр. -ист. II ш. кўпл., §§ 10, 15. *МК.* Қар. -ңыз/-ңиз.
-ыңлар/-иңлэр—буйр. -ист. II ш. кўпл. § 10, 15. *Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -ңлар/-ңлэр.
-ыр/-ир—ҳоз.-кел. зам., §§ 23, 31, 48, 58, 60, 61. *Ўрх. -ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -ур/-үр, -ар/-эр, -р.

й

-й—буйр. -ист. I ш. бирл., §§ 3, 5, 15. *ҚБ.* Қар. -йы/-йи, -йын/-йин, -ай/-эй, -айы/-эйи, -айын/-эйин.
-йы/-йи—буйр. -ист. I ш. бирл., §§ 3, 5, 15. *ҚБ.* Қар. -йын/-йин, -й, -ай/-эй, -айы/-эйи, -айын/-эйин.
-йын/-йин—буйр. -ист. I ш. бирл., §§ 5, 15. *ҚБ.* Қар. -йы/-йи, -й, -айын/-эйин, -айы/-эйи, -ай/-эй.
-йур/-йүр—ҳоз.-кел. зам., §§ 48, 59, 62, 63, 64. *Ўрх.-ен., Уйғ., ҚБ, МК.*
-йур/-йүр + эрди (эрти) — ўтг. зам., § 52. *Ўрх.-ен., Уйғ.*
-йуқ/-йүк — ўтг. зам., §§ 3, 26, 34, 42, 43, 44, 48. *Уйғ.*
-йуқ/-йүк + эрди (эрти) — ўтг. зам., § 57. *Уйғ.*
-йуқ+эрсэ (р) —шарт, §§ 23, 26. *Уйғ.*

л

-лар/-лэр—кўпл. афф., §§ 10, 13, 36, 60, 67, 68.
-лым/-лим — буйр. -ист. I ш. кўпл. §§ 7, 15. *Ўрх.-ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -алым/-элим.

м

-м—I ш. бирл. афф, §§ 19, 36, 76. Қар,-мэн, -ма.
-ма—I ш. бирл. афф., §§ 60, 68. *ҚБ.* Қар.-мэн.
-ма/-мэ—бўлишсизлик афф., §§ 12, 24, 38, 77.
-маз/-мэз—ҳоз.-кел. зам., §§ 23, 48, 58, 67. *Ўрх. -ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар.-мас/-мэс.
-маз/-мэз + эрди (эрти) — ўтг. зам., § 53. *Ўрх.-ен., Уйғ., ҚБ.* Қар.-мас/-мэс+эрди (эрти).
-маз/-мэз+эрсэ (р)—шарт, §§ 23, 27. *ҚБ, Тон.,* Қар.-мас/-мэс + эрсэ (р).
-мас/-мэс—ҳоз. -кел. зам., §§ 23, 48, 58, 67. *ҚБ, МК.* Қар. -маз/-мэз.
-мас/-мэс+эрди—ўтг. зам., § 53. *ҚБ, МК.* Қар.-маз/-мэз + эрди (эрти).
-мас/-мэс+эрсэ (р)—шарт, §§ 23, 27. *ҚБ.* Қар.-маз/-мэз+эрсэ (р).
-маш/-мэш—ўтг. зам., § 45. Қар. -мыш/-миш, -мыс/-мис, -муш/-мүш.
-мэн—I ш. бирл. афф., §§ 42, 60, 65, 68. Қар.-ма.
-миз—I ш. кўпл. афф., §§ 36, 60, 68, 76. Қар.-биз.
-мыс/-мис—ўтг. зам., §§ 45, 48, 49. *Ўрх.-ен., Уйғ.* Қар. -мыш/-миш, -муш/-мүш, -маш/-мэш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**-мыс/-мис + эрди (эрти)** — ўтг. зам., § 50. *Ўрх.-ен., Уйғ.*, Қар. -мыш/-миш+эрди (эрти).
**-мыш/-миш**—ўтг. зам., §§ 23, 34, 39, 45, 46, 47, 48. *Ўрх. -ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -мыс/-мис., -муш/-мүш, -маш/-мәш.
**-мыш/-миш + эрди (эрти)** — ўтг. зам., § 50, *Ўрх.-ен., Уйғ., ҚБ.* Қар. -мыс/-мис+эрди (эрти).
**-мыш+эрсә (р)**—шарт, §§ 23, 25 *Уйғ., ҚБ.*
**-муш/-мүш**—ўтг. зам., § 45. Қар. -мыш/-миш, -мыс/-мис, -маш/-мәш.

н

**-ң**—II ш. бирл. афф., §§ 19, 36, 76. Қар. -ғ/-г.
**-ң**—буйр.-ист. II ш. кўпл., §§ 10, 15. *Ўрх.-ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -ың/-иң,
**-ңыз/-ңиз**—буйр.-ист. II ш. кўпл., §§ 10, 15. *МК.* Қар. -ыңыз/-иңиз.
**-ңыз/-ңиз**—II ш. кўпл. афф., § 36.
**-ңызлар/-ңизләр** — II ш. кўпл., афф., §§ 19, 36.
**-ңлар/-ңләр** — буйр. -ист. II ш. кўпл., §§ 10, 15. *Уйғ., ҚБ, МК.* Қар, -ыңлар/-иңләр.

п

**-п**—равишдош, § 48.
**-п+эрди (эрти)**—ўтг. зам., § 57. *Уйғ.*

р

**-р**—ҳоз.-кел. зам., §§ 23, 30, 31, 48, 58, 59, 60, 61, 62. *Уйғ., ҚБ, МК. Ўрх.-ен.*, Қар. -ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир.
**-р (-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир) + эрди (эрти)**—ўтг. зам., § 51. *Ўрх.-ен., Уйғ. ҚБ, МК.*
**-р (-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир)+ +эрсә (р)** — шарт, § 23, 27. *Уйғ., ҚБ. Тон.*
**-р+болса**—шарт, § 31, *ҚБ.*

с

**-са**—II ш. бирл. афф., §§ 60, 68, *ҚБ.* Қар.-сән.
**-са/-сә**—шарт, §§ 3, 17, 18, 19. *ҚБ. МК.*, Қар. -сар/-сәр.
**-са/-сә+эрди**—шарт, § 22. *ҚБ.*
**-сар/-сәр**—шарт, § 3, 17, 18, 19. *Ўрх.-ен.. Уйғ.* Қар. -са/-сә.
**-са/-сә+болмаз**—шарт, § 32, *ҚБ. МК.*
**-са/-сә+болур**—шарт, § 32, *ҚБ.*
**-са/-сә+болғай**—шарт, § 32. *ҚБ.*
**-са+лар/-сә+ләр**—шарт, III ш. кўпл., § 18. *ҚБ.* Қар. -сар+лар/-сәр+ләр.
**-са+м/-сә+м**—шарт, I ш. бирл., § 18. *ҚБ, МК.* Қар. -са+мән/-сә+мән, -сар+мән/-сәр+мән.
**-са+мән/-сә+мән** — шарт, I ш. бирл., § 18, *ҚБ.* Қар. -сар+мән/-сәр+мән. -са+м/-сә+м.
**-са+миз/-сә+миз** — шарт, I ш. кўпл., § 18. *ҚБ.* Қар. -сар+биз/-сәр+биз.
**-са+н/-сә+ң**—шарт, II ш. бирл., § 18. *ҚБ.* Қар. -са+сән/-сә+сән, -сар+сән/-сәр+сән.
**-са+сән/-сә + сән**—шарт, II ш. бирл., § 18. *ҚБ, МК.* Қар. -сар + сән/-сәр + сән, -са+н/-сә+ң.
**-сар+биз/-сәр+биз**—шарт, I ш. кўпл., §§ 18, 19. *Уйғ.* Қар. -са+миз/-сә+миз.
**-сар+лар/-сәр+ләр**—шарт, III ш. кўпл., § 18. *Уйғ.* Қар. -са+лар/-сә+ләр.
**-сар+мән/-сәр+мән**—шарт, I ш. бирл., §§ 18, 19. *Уйғ.*, Қар. -са + мән/-сә + мән, -са + м/-сә+м.
**-сар+сән/-сәр+сән**—шарт, II. ш. бирл., §§ 18, 19. *Уйғ.* Қар. -са+сән/-сә+сән,-са+н/-сә+н.
**-сар+сиз (ләр)/-сәр+сиз (ләр)**—шарт, II ш. кўпл., §§ 18, 19. *Уйғ.*
**-сән**—II ш. бирл. афф., §§ 42, 60, 65, 68. Қар.-са.
**-сы/-си**—эг. афф., § 76.
**-сиз**—II ш. кўпл. афф., §§ 19, 42, 60, 68.
**-су/-сү**—буйр.-ист. III ш. бирл., §§ 12, 15. *ҚБ.* Қар. -сун/-сүн, -суны/-сүни, -зу/-зү, -зун/-зүн.
**-сун/-сүн**—буйр.-ист. III. ш. бирл. §§ 12, 15, 48. *ҚБ. МК. Қирғ.* Қар. -суны/-сүни, -су/-сү, -зу/-зү, -зун/-зүн.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**-суны/-сүни** — буйр.-ист. III ш. бирл., §§ 3, 12, 15. *ҚБ.* Қар. -суп/-сүп, -су/-сү, -зу/-зү, -зуп/-зүп.

**-суп/-сүп+эрди (эрти)** — ўтг. зам., § 57. *Уйғ., ҚБ.*

### т

**-тачы/-тэчи** — кел. зам., §§ 48, 70, 80, 81, 82, 83. *Ўрх.-ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -дачы/-дэчи.

**-тачы/-тэчи+эрди (эрти)** — ўтг. зам., §§ 54, 55. *Ўрх.-ен.,* Қар. -дачы/-дэчи+эрди (эрти).

**-ты/-ти**—ўтг. зам., §§ 34, 35, 36, 37, 38, 39, 45, 48, 49. *Ўрх.-ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -ды/-ди.

**-ты/-ти+эрди (эрти)**—ўтг. зам., § 49. *Уйғ., ҚБ.* Қар. -ды/-ди+эрди (эрти).

**-туқ/-түк**—ўтг. зам., §§ 34, 38, 39, 40, 41, 48. *Ўрх.-ен., Уйғ., ҚБ.* Қар. -дуқ/-дүк.

**-туқ/-түк + эрди (эрти)** — ўтг. зам., § 57. *Уйғ.* Қар. -дуқ/-дүк+эрди (эрти).

### у (ү)

**-ур/-үр**—ҳоз. -кел. зам., §§ 23, 30, 31, 48, 58, 59, 60, 61. *Ўрх.-ен., Уйғ. ҚБ, МК.* Қар. -ыр/-ир, -ар/-эр, -р.

### ч

**-чы/-чи**—иш оти ясовчи афф., § 83.

-чу/-чү — кучайтирув юкламаси, § 9. *МК.* Қар. -шу/-шү.

### ш

-шу/-шү—кучайтирув юкламаси, § 9, *МК.* Қар. -чу/-чү.

### қ (к)

-қ—I ш. кўпл. афф., § 19.

-қа/-кэ—кел. зам., § 73. *ҚБ. МК.,* Қар. -ға/-гэ, -ғай/-гэй, -қай/-кэй

**-қай/-кэй**—кел. зам., §§ 70, 71, 72, 73, 74 *Уйғ., ҚБ. МК.* Қар. -ғай/-гэй, -қа/-кэ, -ға/-гэ.

**-қалыр**—хоз.-кел. зам., §§ 65, 66. *Уйғ., ҚБ, МК,* Қар.-ғалыр/-гэлир.

**-қыл/-кил**—буйр.-ист. II ш. бирл., §§ 9, 15. *ҚБ, МК.* Қар. -ғыл/-гил.

-қу/-кү—кел. зам., §§ 70, 75, 76, 77, 78, 79. *Уйғ., ҚБ. МК.,* Қар. -ғу/-гү.

### ғ (г)

-ғ/-г — II ш. бирл. афф., § 36. *Ўрх. -ен., МК.* Қар. -ң.

**-га/-гэ**—кел. зам., §§ 48, 73. *ҚБ, МК.* Қар. -қа/-кэ, -гай/-гэй, -қай/-кэй.

**-га/-гэ+эрди (эрти)**—ўтг. зам., § 55. *ҚБ, Уйғ.* Қар.-гай/-гэй +эрди (эрти).

**-гай/-гэй** — кел. зам., §§ 48, 70, 71, 72, 73, 74. *Уйғ., ҚБ. МК.* Қар.-қай/-кэй, -қа/-кэ, -га/-гэ.

**-ғай/-гэй + эрди (эрти)** — ўтг. зам., § 55. *ҚБ, Уйғ.* Қар. -га/-гэ+эрди (эрти).

**ғалыр/-гэлир** — ҳоз. -кел. зам., §§ 3, 58, 65, 66. *Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -қалыр.

**-ған/-гэн—ўтг. зам.,** § 48.

**-ған/-гэн+эрди**—ўтг. зам., § 57. *МК.*

**-ғыл/-гил**—буйр. -ист. II ш. бирл., §§ 9, 15. *Ўрх.-ен., Уйғ., ҚБ, МК.* Қар.-қыл/-кил.

**-ғу/-гү**—кел. зам., §§ 23, 28, 48, 70, 75, 76, 77, 78, 79. *Уйғ., ҚБ, МК.* Қар. -қу/-кү.

**-ғу/-гү+эрди (эрти)**—ўтг. зам., § 56, *ҚБ.*

**-ғу+эрсэ (р)**—шарт, §§ 23, 28. *Уйғ., ҚБ.*

**-ғучы/-гүчи**—сифатдош, § 83.

**-гиз**—II ш. кўпл. афф., § 36. *ўрх.-ен.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНДАРИЖА


Кириш . . . . . . . . . . . . . . . 3
Шартли қисқартмалар . . . . . . . . . . . 6
Буйруқ-истак майли . . . . . . . . . . . . . 8
Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формаси . . . 8
Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формаси . . . 11
Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формаси . . 13
Буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формаси . . 16
Буйруқ-истак майлининг III шахс формаси . . . . . 22
Шарт майли . . . . . . . . . . . . . . . 28
Ҳозирги-келаси замон шарт феъли . . . . 28
Шарт феълининг аналитик формалари . . . . 36
Аниқлик майли . . . . . . . . . . . . . 48
Ўтган замон . . . . . . . . . . . . . . 48
Ўтган замон феълининг *-ды/-ди//-ты/-ти* аффикси билан ясалган формаси . . . . . . . . . . 48
Ўтган замон феълининг *-дуқ/-дүк//-туқ/-түк* аффикси билан ясалган формаси . . . . . . . . 57
Ўтган замон феълининг *-йуқ/-йүк* аффикси билан ясалган формаси . . . . . . . . . . . . 61
Ўтган замон феълининг *-мыш/-миш* аффикси билан ясалган формаси . . . . . . . . . . . . 63
Ўтган замон феълининг аналитик формалари . . . . 66
Ҳозирги-келаси замон . . . . . . . . . . . 73
Ҳозирги-келаси замон феълининг -р (*-ар/-әр, -ур/-үр, -ыр/-ир*) аффикси билан ясалган формаси . . . . . . 73
Ҳозирги-келаси замон феълининг *-йур/-йүр* аффикси билан ясалган формаси . . . . . . . . . 78
Ҳозирги-келаси замон феълининг *-ғалыр/-гәлир* аффикси билан ясалган формаси . . . . . . . . 81
Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси . . 83
Қеласи замон . . . . . . . . . . . . . . 86
Қеласи замон феълининг *-ғай/-гәй (-қай/-кәй)* аффикси билан ясалган формаси . . . . . . . . . 86
Қеласи замон феълининг *-ғу/-гү (-қу/-кү)* аффикси билан ясалган формаси . . . . . . . . . 89
Қеласи замон феълининг *-дачы/-дәчи (тачы/-тәчи) аффикси* билан ясалган формаси . . . . . . . . 95
Иловалар . . . . . . . . . . . . . . . . 99
1. Кузатилган қадимги туркий ёдгорликлар тилида истеъмолда бўлган майл ва замон формаларининг қиёсий жадвали 99
2. Кўрсаткич . . . . . . . . . . . . 103


www.ziyouz.com kutubxonasi